




ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

“Ягона Ватан,
ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва келажак
яратамиз!”



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Шерзод АБДУҚОДИРОВ
Дилшод АРИПОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Худойқул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Ботир САМАРХОДЖАЕВ
Толибжон ОБИДОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 30.06.2026 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 13/8,8 босма табок.
Буюртма № 87. Адади 1650.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА

4

ЗЪТИРОФ

БУКИЛМАС ИРОДА ВА АДОЛАТ ИФОДАСИ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

5

**ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ СИЁСАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

7

**“СУДЬЯСИЗ СУД” МУМКИНМИ? СУНЪИЙ
ИНТЕЛЛЕКТ ДАВРИДА ОДИЛ СУДЛОВНИНГ
КЕЛАЖАГИ: ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ СУД**

11

**ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМЛАРИГА ОИД
ҚОИДАЛАР ҲАМДА УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ
СЎНГГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР**

13

**РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
УСУЛЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

МУШОҲАДА

15

**ТЕРГОВ СУДЬЯСИГА ШИКОЯТ ҚИЛИШ
ИНСТИТУТИ: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ,
ЧЕГАРАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

18

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

**ОИЛАДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ – ЖАМИЯТ
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

МУЛОҲАЗА

20

**РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР ИНСТИТУТИНИНГ
НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

22

**“ВОЯГА ЕТМАГАН” ТУШУНЧАСИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ
ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ**

МЕНИНГ ФИКРИМ

24

**СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ СУБЪЕКТЛАШТИ-
РИШНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА АХЛОҚИЙ
ҚАДРИЯТЛАРГА ТАҲДИДИ**

26

НУҚТАИ НАЗАР

СУҒУРТА ФИРИБГАРЛИГИНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ – ТИЗИМНИНГ
БАРҚАРОРЛИГИ КАФОЛАТИ

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

28

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЖИНОЯТ
ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР
ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

30

СУДЬЯ МИНБАРИ

ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН
ОЗОД ҚИЛИШДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ

ТАДҚИҚОТ

32

ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШ-
ТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

33

БЛАНКЕТ (ҲАВОЛА ҚИЛУВЧИ)
НОРМАЛИ ЖИНОЯТЛАРНИ
МАЛАКАЛАШ МАСАЛАЛАРИ

35

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ИДОРАЛАРАРО
ҲАМКОРЛИК

37

СУДЬЯ ФАОЛИЯТИДА РУҲИЙ
БОСИМЛАРНИНГ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ЖАРАЁНИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА УНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

39

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН СУД
НАЗОРАТИ

41

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ
ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ
ЖИНОЯТИНИНГ САБАБЛАРИ

43

АЙБГА ИҚРОРЛИК КЕЛИШУВИ
ТУЗИЛГАН ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА
ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

45

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТ-
ЛАРНИНГ ЕВРОПА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
СУДИ АМАЛИЁТИДАГИ ИШТИРОКИ

46

МУТОЛАА

ОДИЛ СУДЛОВ: ТРАНСФОРМАЦИЯ
ЖАРАЁНЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

АНАЛИЗ

47

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ
ВОПРОСЫ КЛАССИФИКАЦИИ СУБЪЕКТОВ
МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА
ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ

50

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

КОНСТИТУЦИОННЫЕ ГАРАНТИИ
РЕАЛИЗАЦИИ И ЗАЩИТЫ ПРАВ И
СВОБОД ЧЕЛОВЕКА В УСЛОВИЯХ
ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ:
СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ В
РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН

ТЕМА ДНЯ

52

ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫЕ
ГАРАНТИИ ИМУЩЕСТВЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТИ
ГОСУДАРСТВА ЗА БЕЗДЕЙСТВИЕ
ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ ПРИ
РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ МАХАЛЛИ

55

ПРОЦЕСС

КОНСТИТУЦИОННАЯ
МОДЕРНИЗАЦИЯ КАЗАХСТАНА

58

К ВОПРОСУ О ПРАВОВЫХ АСПЕКТАХ
СТАНОВЛЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ
РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ В
РЕСПУБЛИКЕ ТАДЖИКИСТАН

61

ANALYSES

LEGAL ASSESSMENT OF ANTI-
COMPETITIVE USE OF DATA ON DIGITAL
PLATFORMS AND MECHANISMS FOR
PROTECTING BUSINESS USERS FROM
DISCRIMINATORY PRACTICES

БУКИЛМАС ИРОДА ВА АДОЛАТ ИФОДАСИ

Ҳар бир давр ва соҳанинг ўз даргалари, келажак авлод йўлини ёритувчи маёқлари бўлади. Суд-ҳуқуқ тизимида ҳалоллик, виждон ва адолатнинг этагидан маҳкам тутиб, ўзбек ҳуқуқшунос аёллари орасида ўчмас из қолдирган Ҳалима Қадировна Муҳитдинова ана шундай бетакрор сиймолардан биридир.

Бугун Янги Ўзбекистонда адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган бир пайтда, Ҳалима Муҳитдинованинг ҳаёт йўли ва бой мероси замондошларимиз, хусусан, тизимга эндиgina қадам қўяётган ёш судьялар ҳамда юристлар учун чинакам ибрат, жасорат ва касбий фидойилик мактабидир.

Бу мактаб шунчаки назарий-ҳуқуқий билимлар йиғиндиси эмас, балки амалда исботланган букилмас ирода ва адолатга бўлган мустаҳкам эътиқод ифодасидир.

Ҳалима Муҳитдинова 1916 йилда Наманганнинг Ястепа қишлоғида дунёга келган. Бу матонатли ИНСОНнинг ҳаёт йўли доимий интилиш ва машаққатли меҳнатдан иборат бўлди.

Унинг ишига бўлган виждоний муносабати ва юқори ташкилотчилик салоҳияти тезда раҳбарият эътиборини тортди. Мансаб пиллапояларидан кўтарилиш Ҳалима опа учун ҳеч қачон ўз-ўзидан ёки таниш-билишчилик орқали содир бўлмаган. У киши ҳар бир вазифага ҳалол меҳнати ва бениқсон обрўси билан эришади.

1942 йилда ўзининг юксак салоҳияти ва қонунга бўлган садоқати туфайли Наманган вилоят прокуратурасининг суд назорати бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Кейин эса Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир кунларида Ҳалима Муҳитдиновани Тошкентга чақаришади.

Марказқўмнинг тегишли қарори билан Ўзбекистон Министрлар Совети қошидаги фронтга кетганларнинг оилаларини моддий ва маиший томондан давлат таъминоти билан таъминлаш бош бошқармасининг бошлиғи ҳамда Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимига тайинланади. Масъулият юки нечоғлик оғир бўлмасин, у бу вазифани ҳам шараф билан уддалайди.

1944 йил – урушнинг энг оғир даврида Жиззах вилоятининг чекка қишлоқларида хавфли энцефалит эпидемияси авж олиб, қунига юзлаб одамларнинг ёстиғини қуритади. Офатга қарши кураш комиссияси раҳбари этиб тайинланган Ҳалима Муҳитдинова ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, эпидемия ўчоғига шахсан етиб боради. У беморлар ётган хонадонларга бирма-бир кириб, вазиятни ўз кўзи билан ўрганади ва зудлик билан кескин чоралар кўришга киришади. Унинг юксак ташкилотчилиги сабабли марказ ва пойтахтдан энг тажрибали академик ва шифокорлар зудлик билан сафарбар этилади. Қишлоқларга узлуксиз озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармон етказиб берилади, чин етим қолган болалар эса мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги қариндошларининг уйларига жойлаштирилиб, ҳаёти сақлаб қолинади. Фидойи меҳнат эвазига ўн минглаб ватандошларимиз омон қолади.



Масъулиятли йилларда у киши турли сиёсий босимларга, “юқоридан” бўлган ноқонуний кўрсатмаларга кўп дуч келади. Бироқ ҳеч қандай мансаб, пўписа ёки манфаат уни ўз эътиқоди ва қонун талабидан чеклантира олмайди.

Суд-ҳуқуқ тизимида эндиgina қадам қўяётган ҳар бир ёш юрист Ҳалима опанинг ушбу ибратли сўзларини доимо ёдида сақлаши лозим:

“Олий суддаги фаолиятимда тинчлик беришмади — “қиласан”, “бажарасан”, деб. Лекин, бирорта топшириқ менинг принципимга, қонун талабига зид бўлса, ҳеч қачон бажармадим. Мен пора олмадим, нопок йўлга кирмадим. Ҳар бир кишида ирода бўлиши керак экан. Шу принципларимдан ҳозиргача ўзим маърурланиб юраман”.

Ҳалима Муҳитдинованинг ҳаёт йўли ва қолдирган бой мероси шуни кўрсатадики, ҳақиқий инсон ва адолат посбони бўлган судьянинг энг катта бойлиғи — бу унинг пок виждони, букилмас иродаси ҳамда қонун ва адолатга бўлган сўнмас садоқатидир.

У кишининг ҳар бир босган қадами, ҳатто энг оғир синовли ва босимли дамларда ҳам ўз принципларига содиқ қолгани, мансаб ҳамда манфаатдан адолатни устун қўйгани авлодлар учун ҳақиқий ибрат мактабидир.

Синмас ирода ва юксак инсоний фазилатлар тимсоли бўлган бундай фидойи шахслар ҳаёти ҳар бир ёш мутахассис ва судья учун касбий бурчни ҳалол бажаришда, ор-номус ва виждонни ҳамма нарсадан устун қўйишда ўчмас маёқ бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Ўткиржон ДЖУМАЕВ,

Сирдарё вилоят судининг судьяси.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг замонавий халқаро-ҳуқуқий тенденциялари таҳлил қилинади. Тадқиқотда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, OECD стандартлари, GRECO, FATF, UNODC ва бошқа халқаро институтлар ёндашувлари асосида коррупцияга қарши сиёсатнинг янги босқичи ўрганилади. Ўзбекистон қонунчилигидаги институционал, профилактик ва жавобгарлик механизмлари халқаро стандартлар билан қиёсий таҳлил қилиниб, коррупцияга қарши сиёсатни янада такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: коррупция, халқаро ҳуқуқ, UNCAC, коррупцияга қарши сиёсат, Ўзбекистон, комплаенс, давлат хизмати, активларни декларация қилиш, манфаатлар тўқнашуви, халқаро стандартлар.

Коррупцияга қарши курашиш масаласи халқаро ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, давлат бошқаруви ва комплаенс назарияси кесишган мураккаб илмий йўналишдир. Халқаро доктринада коррупция кўпинча “давлат ҳокимиятининг хусусий манфаат йўлида суистеъмол қилиниши” сифатида талқин қилинади. Бироқ замонавий ёндашувларда коррупция фақат порахўрлик билан чекланмайди; у манфаатлар тўқнашуви, қариндош-уруғчилик, ноқонуний лобби, давлат харидлари манипуляцияси, ноқонуний бойиш ва трансмиллий активларни яшириш каби шакллари ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон илмий адабиётларида коррупцияга қарши курашиш кўпроқ жиноят-ҳуқуқий жавобгарлик ва давлат бошқаруви шаффофлиги нуқтаи назаридан ўрганилган. Бироқ халқаро-ҳуқуқий тенденциялар, айниқса UNCAC, FATF, OECD ва GRECO стандартларининг миллий ҳуқуққа трансформацияси етарли даражада комплекс тадқиқ этилмаган.

С.А. Игбинедион БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини (UNCAC) таҳлил қилар экан, мазкур Конвенциянинг самарадорлиги фақат коррупциявий жиноятларни криминализация қилиш билан эмас, балки давлатларнинг ушбу нормаларни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш қобилиятига ҳам боғлиқлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, коррупцияга қарши курашишда энг муҳим омил — бу жавобгарлиكنинг муқаррарлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш органларининг институционал мустақиллигини таъминлашдир. Айнан шу омиллар коррупциянинг олдини олишда жазодан кўра самаралироқ профилактик механизмни шакллантиради.

Ф.С. Раззано халқаро коррупцияга қарши ҳуқуқ ривожланишини таҳлил қилиб, замонавий халқаро ҳуқуқ хорижий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш учун жавобгарликни кучайтириш йўлидан бораётганини қайд этади. Унинг фикрича, UNCACнинг 16-моддаси трансмиллий коррупцияга қарши курашнинг асосий ҳуқуқий пойдеворини яратган бўлиб, хорижий давлат амалдорларига пора бериш учун жиноий жавобгарликни белгилаш халқаро инвестициялар хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартига айланган.

Профессор Лоуренс Р. Хелфер коррупцияга қарши кураш тизимида ноқонуний олиб чиқилган активларни қайтариш институтини энг муҳим халқаро-ҳуқуқий механизмлардан бири сифатида баҳолайди. Унинг таъкидлашича, коррупция натижасида талон-тарож қилинган давлат маблағлари қайтарилмас экан, жиноят оқибатларини тўлиқ бартараф этишнинг имкони бўлмайди. Шу сабабли активларни аниқлаш, мусодара қилиш ва давлатга қайтариш замонавий халқаро коррупцияга қарши сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Сесили Роуз ўз тадқиқотларида активларни қайтариш институти халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро молиявий ҳуқуқ ва давлатлараро ҳамкорликни ўзида мужассамлаштирган янги комплекс ҳуқуқий институтга айланганини таъкидлайди. Олимнинг фикрига кўра, коррупцияга қарши курашга энди фақат миллий давлат ваколати эмас, балки халқаро ҳамжамиятнинг умумий жавобгарлиги сифатида қаралиши лозим.

Марк Пиет, Жек Смит ва Гильермо Хорхе томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса ноқонуний активларни қайтариш UNCACнинг энг инновацион институтларидан бири сифатида эътироф этилади. Муаллифларнинг фикрича, коррупция оқибатларини бартараф этиш фақат айбдор шахсни жазолаш билан эмас, балки ноқонуний ўзлаштирилган давлат мулки ва молиявий ресурсларни давлатга қайтариш орқали амалга оширилиши мумкин. Шу боис халқаро ҳамкорлиكنинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Профессор Седрик Рингаерт эса замонавий халқаро ҳуқуқда юқори лавозимли мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, айрим давлатларда миллий суд тизимининг етарлича самарали ишламаслиги коррупция жиноятларининг жазосиз қолишига олиб келмоқда. Шу сабабли у халқаро ёки минтақавий антикоррупция судларини ёхуд махсус халқаро мониторинг механизмлари яратиш гоясини илгари суради.

Юқоридаги илмий қарашларни умумлаштириш шуни кўрсатадики, замонавий хорижий доктринада коррупцияга қарши курашишнинг бешта устувор йўналиши шаклланган: биринчидан, коррупциянинг олдини олишга қаратилган профилактик механизмларни ривожлантириш; иккинчидан, давлат ва хусусий секторда комплаенс тизимини жорий этиш; учинчидан, ноқонуний активларни аниқлаш ва қайтариш механизмларини такомиллаштириш; тўртинчидан, трансмиллий коррупцияга қарши халқаро ҳамкорликни кучайтириш; бешинчидан, коррупцияга қарши институтларнинг мустақиллиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш. Мазкур илмий ёндашувлар Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши сиёсатни халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштиришда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий халқаро-ҳуқуқий манбаи БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясидир. UNCAC профилактика, жиноят-ҳуқуқий жавобгарлик, халқаро ҳамкорлик ва активларни қайтариш каби тўрт асосий йўналишни қамраб олади. Мазкур Конвенциянинг аҳамияти шундаки, у коррупцияга



қарши курашишни алоҳида жиноят-хуқуқий масала эмас, балки давлат бошқаруви, иқтисодий хавфсизлик ва халқаро ҳамкорликнинг ажралмас қисми сифатида белгилайди.

OECDнинг Хорижий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдиришга қарши конвенцияси эса халқаро бизнес операцияларида хорижий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдиришни криминаллаштиришга қаратилган мажбурий стандартларни белгилайди. Ушбу Конвенция Ўзбекистон учун бевосита аъзолик нуқтаи назаридан эмас, балки халқаро инвестиция муҳити, трансмилий компаниялар фаолияти ва корпоратив жавобгарлик стандартларини шакллантириш нуқтаи назаридан муҳимдир.

GRECO стандартлари коррупцияга қарши курашишда мониторинг ва баҳолаш механизмларининг аҳамиятини кўрсатади. GRECO аъзо давлатларнинг Кенгаш конвенциялари ва бошқа коррупцияга қарши стандартларни миллий даражада қандай амалга ошираётганини мониторинг қилади. FATF эса коррупция ва пул ювиш ўртасидаги узвий боғлиқликни эътироф этиб, AML/CFT чораларининг коррупцияга қарши курашишда муҳим восита эканини таъкидлайди.

Ҳозирги халқаро амалиётда коррупцияга қарши сиёсатнинг биринчи тенденцияси — профилактик ёндашувнинг кучайишидир. Давлатлар энди коррупция содир этилгандан кейин жазолашдан кўра, уни олдиндан аниқлаш, хавфларни баҳолаш ва институционал назоратни кучайтиришга урғу бермоқда.

Иккинчи тенденция — активларни декларация қилиш ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солишдир. Бу йўналиш давлат хизматчиларининг шахсий манфаатлари ва хизмат ваколатлари ўртасидаги зиддиятларни олдиндан аниқлашга хизмат қилади.

Учинчи тенденция — коррупцияга қарши сиёсатни рақамлаштиришдир. Электрон давлат харидлари, очиқ маълумотлар, рақамли из қолдириш, автоматлаштирилган риск индикаторлари коррупциявий хавфларни камайтиради.

Тўртинчи тенденция — хусусий сектор жавобгарлигининг кучайишидир. OECD модели айнан пора берувчи томон, яъни бизнес субъектлари жавобгарлигига алоҳида эътибор қаратади.

Бешинчи тенденция — халқаро активларни қайтариш механизмларини ривожлантиришдир. UNCAC доирасида активларни қайтариш коррупцияга қарши халқаро ҳамкорликнинг мустақил йўналиши сифатида белгиланган.

Мавзу юзасидан халқаро тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, AQШ модели кучли тергов ваколатлари, корпоратив жавобгарлик ва Foreign Corrupt Practices Act орқали хорижий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдиришга қарши қатъий ёндашуви билан ажралиб туради. Унинг устунлиги — трансмилий юрисдикция ва кучли ижро механизмларидир. Камчилиги эса айрим ҳолларда экстраерриториал ёндашувнинг ҳаддан ташқари кенг қўлланилишидир.

Буюк Британия модели Bribery Act орқали порахўрликнинг кенг таърифини беради ва корпорациялар зиммасига “adequate procedures” талабини юклайди. Бу модель Ўзбекистон учун хусусий секторда комплаенс тизимини ривожлантиришда фойдали бўлиши мумкин.

Германия ва Франция тажрибаси давлат хизмати этикаси, манфаатлар тўқнашуви ва маъмурий жавобгарлик механизмларининг тизимлилиги билан аҳамиятлидир. Францияда Sapin II қонуни комплаенс дастурларини кучайтирган бўлса, Германия

федерал ва ерлар даражасидаги назорат механизмлари орқали профилактик ёндашувни ривожлантирган.

Италия тажрибасида коррупцияга қарши миллий агентлик ва давлат харидлари устидан назорат алоҳида ўрин тади. Сингапур модели эса юқори даражадаги сиёсий ирода, мустақил тергов органи ва мансабдор шахслар учун қатъий жавобгарлик билан ажралиб туради.

Жанубий Кореяда давлат хизматчилари этикаси, совғалар ва манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қатъий чекловлар мавжуд. Хитойда моделида коррупцияга қарши курашиш марказлашган интизомий назорат ва жиноят-хуқуқий чораларни бирлаштиради, бироқ бу моделда мустақил суд назорати ва процессуал кафолатлар масаласи баҳсли ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш сиёсати сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди. Миллий қонунчилик, алоҳида ваколатли органлар, давлат дастурлари ва халқаро ҳамкорлик механизмлари шакллантирилди. Бироқ замонавий халқаро-хуқуқий тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги фақат жиноят-хуқуқий чоралар билан эмас, балки профилактика, очиқлик, рақамлаштириш, комплаенс, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва активларни қайтариш тизимининг уйғун ишлаши билан белгиланади.

Ўзбекистон учун келгуси босқичдаги асосий вазифа — UNCAC, OECD, FATF ва UNODC стандартларини миллий қонунчилик ва амалиётга чуқур имплементация қилишдан иборат. Шу асосда коррупцияга қарши сиёсат жазоловчи моделдан профилактик, рақамли ва институционал барқарор моделга ўтиши лозим.

Олим САИДОВ,

Тошкент давлат юридик университети

Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси шўъбаси ўқитувчиси, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) Igbiniedon, S.A. Human Rights as a Basis for Recovering the Proceeds of Grand Corruption. African Journal of International and Comparative Law. 2018. Vol. 26, No. 4. P. 483–506.
- 2) Pieth, M., Low, L.A., Bonucci, N. The OECD Convention on Bribery: A Commentary. Cambridge: Cambridge University Press, 2014.
- 3) Pieth, M., Heimann, F. Confronting Corruption: Past Concerns, Present Challenges, and Future Strategies. Oxford: Oxford University Press, 2017.
- 4) Pieth, M. (ed.), Joly, E. Recovering Stolen Assets. Bern: Peter Lang, 2008.
- 5) Rose, C. International Anti-Corruption Norms: Their Creation and Influence on Domestic Legal Systems. Oxford: Oxford University Press, 2015.
- 6) Helfer, L.R. Understanding Change in International Organizations: Global Anti-Corruption and International Cooperation. Duke University School of Law. (Mazkur muallifning xalqaro institutlar va xalqaro hamkorlik bo'yicha ishlari HeinOnline va universitet repozitoriyalarida mavjud.)
- 7) Ryngaert, C. Towards an International Anti-Corruption Court. Utrecht University, 2022.
- 8) United Nations Convention against Corruption, 2003.
- 9) UNODC. Learn about UNCAC.
- 10) OECD Anti-Bribery Convention.
- 11) OECD. Baseline Report of the Fifth Round of Monitoring of Anti-Corruption Reforms in Uzbekistan, 2024.
- 12) FATF. The Use of the FATF Recommendations to Combat Corruption.
- 13) GRECO — Group of States against Corruption. Council of Europe Anti-Corruption Monitoring Mechanism
- 14) O'zbekiston Respublikasining “Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida”gi Qonuni. 2017 yil 3 yanvar, O'RQ-419-son
- 15) O'zbekiston Respublikasining 2026-yil 22-iyundagi O'RQ-1155-son Qonuni.
- 16) Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2025–2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури
- 17) UNODC Regional Anti-Corruption Platform for Central Asia.

“СУДЬЯСИЗ СУД” МУМКИНМИ? СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ДАВРИДА ОДИЛ СУДЛОВНИНГ КЕЛАЖАГИ: ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ СУД

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада суд тизимида сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, унинг одил судловни амалга оширишдаги имкониятлари ҳамда мавжуд хавф-хатарлари таҳлил қилинган. Сунъий интеллектдан фойдаланишнинг халқаро ҳуқуқий ва ахлоқий стандартлари, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, қонунийлик, ҳолислик ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойиллари нуқтаи назаридан баҳоланган. Шунингдек, суд тизимини рақамлаштириш жараёнида сунъий интеллектни жорий этишнинг устувор йўналишлари ҳамда уни қўллашнинг ҳуқуқий чегаралари юзасидан илмий ҳулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, жавобгарлик, технология, рақамли суд, алгоритмик қарор, судья мустақиллиги, ҳолислик, судьясиз суд, инсон ҳуқуқлари.

Тасаввур қилинг, шахс тақдирини ҳал қилувчи ҳужжат экранга юкланади, бир неча сониядан сўнг экранда виртуал инсоннинг: “Жавобгарнинг қаршилиги борми?”, деган овози эшитилади. Бу фантастика эмас, балки Ханчжоу (Хитой) интернет суди томонидан 2019 йилда оммавий ахборот воситаларига намоиш этилган ҳақиқий суд тақдими эди¹. Яна бир мисол, Эстонияда кичик даъволарни мустақил ҳал қилувчи “робот судья”ни лойиҳалаштириш ишлари аллақачон бошланган². Ушбу воқеалар ортдан жиддий савол юзата келади: суд жараёни тўлиқ рақамлаштирилган тақдирда, судьянинг ўрнини алгоритм эгаллаши мумкинми?

Замонавий жамиятда сунъий интеллектнинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда, унинг одил судлов жараёни самарадорлиги ва сифатига хизмат қилиши эса бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилган³. Европа одил судлов самарадорлиги комиссияси (CEPEJ) томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, рақамли трансформация тўлқини Европа Кенгашига аъзо давлатларнинг суд тизимларига нотекис таъсир кўрсатмоқда. Айрим давлатлар аллақачон технология янгиликларини қўллашда анча илгор ёндашувни ривожлантирган бўлса, бошқалари учун бу ҳали энди пайдо бўлаётган масала бўлиб қолмоқда. Масалан, АҚШда “робот адвокатлар” тизими аллақачон ишламоқда ва инсон билан табиий тилда мулоқот қилмоқда⁴.

Саволнинг оғирлиги шундаки, у соф технологик эмас, балки чуқур фалсафий ва ҳуқуқий табиатга эга. Суд — жамиятнинг энг нозик институтларидан бири бўлиб, унда инсон тақдир, эркинлиги ва қадр-қиммати ҳал қилинади. Ҳар қандай технологиянинг бу майдонга кириб келиши икки хил хавфни туғдиради. Биринчидан, агар технологиядан мутлақо воз кечилса, суд тизими ўзининг табиий оғирлиги, яъни иш юклагаси, кечикишлар ва ресурслар етишмаслиги каби муаммолар остида эзилиб, ўз вазифасини бажара олмай қолши мумкин. Бу эса “кечиктирилган адолат — рад этилган адолат”, деган қадимий ҳуқуқий аксиомани амалда тасдиқлайди. Иккинчидан, агар технология назоратсиз жорий этилса, у суд ҳокимиятининг энг муқаддас вазифаси ҳисобланмиш мустақил, адолатли ва шахсга индивидуал ёндашувга асосланган ҳукм чиқариш институтини аста-секин, эҳтиمول сезилмаган ҳолда, статистик ҳисоб-китобга айлантириб қўйиши мумкин.

“Рақамли суд” да суд жараёни ягона ахборот муҳитида амалга оширилади, сунъий интеллект эса иш материалларини саралаш, процессуал муддатларни назорат қилиш, суд амалиётини таҳлил қилиш, ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш ва тарафларга ҳуқуқий ахборот бериш каби ёрдамчи функцияларни бажариши мумкин. Хитойнинг Ханчжоу, Пекин ва Гуанчжоу шаҳарларидаги “интернет судлари” айнан шу моделнинг илгор намунаси ҳисобланади⁵. Уларда иш қўзғатишдан тортиб, ҳужжатларни топшириш, далилларни алмашиш ва текшириш, онлайн тинглов ҳамда ҳукм чиқаришгача бўлган барча босқичлар интернет орқали амалга оширилади. Ханчжоу (Хитой) интернет суди раиси Цянь Дунинг 2019 йилда келтирган маълумотларига кўра, суд икки йил ичида тахминан 20 000 та ишни кўриб чиққан, тинглов вақти эса аънавий усулга нисбатан ўртача 65 фоизга қисқарган⁶.

Хитойда онлайн суд жараёнларининг ривожланиши ахборотлаштириш тенденциясига мослашди. Олий халқ судининг 2022 йилги ҳисоботида кўра, ўша йили мамлакат судлари томонидан 11,439 миллион онлайн иш қўзғатилган ва 1,275 миллион онлайн суд мажлиси ўтказилган⁸. Шу билан бирга, Куньшань суди (Хитой) суд жараёнларини такомиллаштириш, ишларни кўриб чиқиш самарадорлиги ва қарорлар сифатини ошириш мақсадида замонавий сунъий интеллект технологиясига асосланган янги авлод ишларни кўриб чиқиш тизими — “Келажақдаги судья ёрдамчиси”ни ишга туширди⁹. Шунингдек, Alibaba компаниясининг сунъий интеллект технологияси судларга овозли ва видеоёзувларни яратиш, уларни транскрипция қилиш ҳамда суд жараёнларини жонли эфирда намоиш этишда ёрдам бермоқда¹⁰. Бу эса судьяга доимий техник ишлардан халос бўлиб, мураккаб ҳуқуқий таҳлилга кўпроқ вақт ажратиш имконини беради.

Алгоритмик суд: қарор қабул қилиш чегарасига яқинлашиш

Алгоритмик судда сунъий интеллект энди шунчаки ёрдамчи эмас, балки иш ҳолатларини баҳолайди, ҳуқуқий квалификацияни таклиф қилади ва эҳтимолий қарорни шакллантиради. Бу технологиянинг мақоми “ёрдамчи тадқиқотчи”дан “маслаҳатчи”га ўтадиган босқич бўлиб, айнан шу босқичда ҳуқуқий хавотирлар кескин кучаяди. Чунки энди тизим нафақат маълумотни тайёрлайди, балки уни қарор шаклида ҳам тақдим этади.

Айнан шу босқичда Эстониянинг “робот судья” лойиҳаси мисол бўла олади. 2019 йилда Эстония Адлия вазирлиги мутахассис Отт Велсбергга 7 000 еврогача бўлган кичик даъволар бўйича низоларни таҳлил қилиб, қарор чиқарувчи тизим лойиҳасини ишлаб чиқишни топширган. Бунда тарафлар ҳужжатларни юклаши, тизим уларни таҳлил қилиб қарор чиқариши, кейин эса ушбу қарор юзасидан инсон судьяга шикоят қилиш имконияти сақланиши кўзда тутилган эди¹¹.

Бироқ лойиҳа фақат пилот ва концепция даражасида шаклланган бўлиб, тизим қоидаларга асосланган жараёнларга таяниши ҳамда инсон исталган вақтда якуний қарорга эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос мураккаблигини ҳисобга олганда, бошқа иқтисодий ёки илмий соҳалардан фарқли равишда, ҳуқуқий дастурга жойлаштирилган қоидалар вақт ўтиши билан ўзгариб туради. Бу эса маълумотлар базасини маълум вақтдан кейин фойдасиз қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун бутун тизим фақат технологияга эмас, балки инсон томонидан изчил текширилаётган қоидалар занжирига асосланиши зарур. Назаримизда, айнан шу эҳтиёткорлик туфайли, лойиҳанинг эълон қилинганидан бир неча йил ўтганига қарамай, унинг тўлиқ ва кенг миқёсда ишга туширилгани ҳақида расмий тасдиқ мавжуд эмас¹². Бу эса Эстония тажрибасини шов-шувли эълондан ҳақиқий амалиётга ўтиш қанчалик секин ва мураккаб жараён эканлигини кўрсатувчи ўзига хос ибрат дарсига айлантиради.

“Судьясиз суд” нима учун ҳеч қаерда мавжуд эмас?

“Судьясиз суд” деганда инсон судьянинг қарор қабул қилиш жараёнидаги ҳал қилувчи иштироки тўлиқ истисно этилиб, якуний ҳуқуқий қарор сунъий интеллект ёки бошқа автоном тизим томонидан мустақил равишда қабул қилинадиган модель тушунилади. Бундай модель сунъий интеллектнинг судьяга қўмаклашувчи “маслаҳатчи” функциясида мустақил “қарор қабул қилувчи” субъект мақомига ўтишини англатади.

Бироқ ушбу чегара ҳозирги кунгача дунёнинг бирор ишончли ва ҳуқуқий жиҳатдан тан олинган юрисдикциясида амалда босиб ўтилмаган. Хитойнинг технологик жиҳатдан энг ривожланган интернет судларида ҳам сунъий интеллект суд ишларини қабул қилиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, далилларни қайта ишлаш ва процессуал жараёнларни автоматлаштиришда кенг қўлланилаётган бўлса-да, якуний суд қарори инсон судьяси томонидан қабул қилинади ва тасдиқланади¹³.

Худди шунингдек, Бразилия Олий федерал судида қўлланилаётган VICTOR сунъий интеллект тизими мурожаатларни таснифлаш ва суд ишларини саралаш вазифаларини бажаради¹⁴. Шу сабабли тадқиқотчилар мазкур ёндашувни “human-in-the-loop” (“инсон-жараён-ичида”) модели сифатида тавсифалайдилар¹⁵.

Мазкур ёндашув Европа Иттифоқининг 2024/1689-сонли “Сунъий интеллект тўғрисида”ги Низоми (AI Act)да ҳам норматив жиҳатдан мустаҳкамланган. Унга кўра, сунъий интеллект суд фаолиятини қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин, бироқ у судьянинг мустақил қарор қабул қилиш ваколатини алмаштириши мумкин эмас. Якуний ҳуқуқий қарор ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон томонидан қабул қилиниши лозим¹⁶.

Демак, ҳозирги кунда Хитой, Бразилия, Эстония, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, сунъий интеллект судловни қўллаб-қувватловчи восита сифатида ривожланаётган бўлса-да, “судьясиз суд” модели амалиётга жорий этилмаган ва ҳуқуқий жиҳатдан тан олинмаган.

Мазкур фикрни Буюк Британия тажрибаси ҳам яққол тасдиқлайди. Хусусан, Буюк Британия суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича йўриқномада AI судьянинг профессионал ҳуқуқий мулоҳазаси, далилларни бевосита ўрганиши ва якуний қарор қабул қилиш ваколатининг ўрнини боса олмаслиги алоҳида таъкидланган. Сунъий интеллект катта ҳажмдаги материалларни умумлаштириш, ҳужжатларни тизимлаштириш, меморандум ва бошқа ёрдамчи ҳужжатларни тайёрлаш, маъмурий жараёнларни оптимallasштириш каби вазифаларда фойдали восита сифатида эътироф этилади¹⁷.

Бироқ AI томонидан шакллантирилган маълумотлар нотўғри, эскирган ёки ҳатто мавжуд бўлмаган суд қарорлари ва ҳуқуқий манбаларга асосланиши мумкинлиги сабабли, улар судья томонидан мустақил равишда текширилиши шарт. Энг муҳими, AI ёрдамида тайёрланган ҳар қандай материал учун якуний масъулият судьянинг ўзида қолади ва у иш бўйича асосий ҳужжатлар ҳамда далилларни шахсан ўрганиши лозим.

Шу нуктаи назардан, Буюк Британияда ривожлантирилаётган AI асосидаги суд-ҳуқуқ ёрдамчилари ҳам “судьясиз суд” моделига эмас, балки “судья + AI ёрдамчи” концепциясига асосланади. Бунда сунъий интеллект судьяга ҳуқуқий ахборотни излаш, иш материалларини таҳлил қилиш, катта ҳажмдаги матнларни қисқартириш, суд жараёнини ташкилий жиҳатдан энгиллаштириш ва айрим такрорланувчи вазифаларни автоматлаштириш орқали кўмаклашади, бироқ якуний ҳуқуқий ҳулоса ва қарор чиқариш ваколати инсон судьясиди сақланиб қолади.

Нима учун суд тизимида сунъий интеллект керак?

Сунъий интеллектни суд тизимида жорий этишнинг асосий сабаби суд ишлари сонининг йилдан-йилга ортиб бориши, ишларни кўриб чиқиш муддатларининг узайиши ҳамда судьялар юкламасининг ортиши билан боғлиқдир. Замонавий сунъий интеллект технологиялари катта ҳажмдаги суд ҳужжатларини тезкор таҳлил қилиш, ишларни туркумлаш, ҳуқуқий нормалар ва суд амалиётини автоматик қидириш, процессуал ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш каби вазифаларни самарали бажариш имкониятини беради. Бу эса судьяларни такрорланувчи техник вазифалардан озод қилиб, уларнинг асосий эътиборини ҳуқуқий баҳолаш, далилларни таҳлил қилиш ва адолатли қарор қабул қилишга қаратиш имконини яратди.

Шу билан бирга, сунъий интеллектдан фойдаланишнинг мақсади инсон судьясини алмаштириш эмас, балки унинг фаолиятини ахборот ва таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Сунъий интеллект суд амалиётининг изчиллигини таъминлаш, қонунларни бир хил қўллашга кўмаклашиш, инсон омили таъсирида юзага келиши мумкин бўлган айрим техник хатоларни камайтириш ҳамда одил судловнинг тезкорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилади. Шу боис дунёнинг қўллаб-даватларида суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш “human-in-the-loop” (“инсон жараён ичида”) тамойили асосида, яъни якуний қарор қабул қилиш ваколатини инсон судьясиди сақлаб қолган ҳолда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда суд тизимини рақамлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сон фармони билан тасдиқланган “Рақамли суд” концепцияси суд тизимини рақамли трансформация қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Концепцияга мувофиқ, суд ишларини юритиш босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши, сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ва суд харажатларини ҳисоблаш, суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш, суд мажлиси баённомаларини реал вақт режимида матнга айлантириш, суд ҳужжатларининг ягона электрон архивини яратиш ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига интерактив электрон хизматлар қўламини кенгайтириш назарда тутилган. Шунингдек, тарафларга суд материаллари билан электрон шаклда танишиш, мурожаатларни электрон тарзда юбориш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш, ижро варақаларини автоматик равишда ижрога юбориш имкониятларини яратиш белгиланган¹⁸. Мазкур ислохотлар судловнинг тезкорлиги, шаффофлиги ва қўлайлигини оширишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суд тизимини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг ҳар қандай босқичи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда одил судловнинг асосий принципларига қатъий мувофиқ амалга оширилиши лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддасига кўра, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда фаолият юритади¹⁹. Мазкур конституциявий принцип суд ҳокимиятининг мустақиллиги, ҳолислиги ва одил судловнинг адолатли амалга оширилишини кафолатлайди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, одил судлов қонунга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилади²⁰. Демак, келгусида сунъий интеллект технологиялари суд фаолиятига жорий этилган тақдирда ҳам, уларнинг қўлланилиши суд ҳокимиятининг мустақиллиги, қонунийлик, ҳолислик ва одил судлов тамойилларига тўлиқ мос бўлиши, шунингдек, сунъий интеллект фақат судья фаолиятини қўллаб-қувватловчи восита сифатида хизмат қилиши, инсон томонидан якуний қарор қабул қилиш принципини чекламаслиги зарур.

Халқаро ва глобал ҳуқуқий-ахлоқий асослар

Сунъий интеллектни суд тизимида қўллашнинг халқаро ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини белгилловчи муҳим ҳужжатлардан бири Европа Кенгашининг Одил судлов самарадорлиги бўйича Европа комиссияси (CEPEJ) томонидан 2018 йилда қабул қилинган “Суд тизимлари ва уларнинг фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича Европа ахлоқий хартияси” (European Ethical Charter on the Use of Artificial Intelligence in Judicial Systems and their Environment) ҳисобланади. Мазкур Хартияда сунъий интеллектни суд тизимида қўллашнинг бешта асосий ахлоқий тамойили белгиланган бўлиб, улар Европа Кенгашига аъзо давлатларда суд тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг асосий мезонлари ва йўналишларини белгилайди.

Биринчи принцип — асосий ҳуқуқларга ҳурмат. Хартияга кўра, сунъий интеллект тизимлари Европа инсон ҳуқуқлари конвенцияси ва шахсий маълумотларни химоя қилиш стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилиши ҳамда қўлланилиши лозим. Улар одил судловга эришиш ҳуқуқи, тарафларнинг тенглиги, тортишув тамойили, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳуқуқ устуворлигига путур етказмаслиги керак.

Иккинчи принцип — камситмаслик. Сунъий интеллект алгоритмлари ирқий ёки этник мансублик, жинс, соғлиқ ҳолати, диний эътиқод, сиёсий қарашлар ҳамда бошқа нозик шахсий маълумотлардан фойдаланишда алоҳида эҳтиёткор бўлиши лозим. Мазкур принцип судлов жараёнида барча шахсларга нисбатан тенг ва ҳолис муносабатни таъминлашга қаратилган.

Учинчи принцип — сифат ва хавфсизлик. Сунъий интеллект тизимлари ишончли, хавфсиз ва текширилган маълумотларга асосланиши, уларни яратишда судьялар, прокурорлар, адвокатлар, ахборот технологиялари мутахассислари ва бошқа соҳа экспертларининг ҳамкорлиги таъминланиши зарур. Тизимда қўлланиладиган маълумотларнинг келиб чиқиши, яхлитлиги ва қайта ишланиши назорат қилиниши, натижаларнинг ишончлилиги кафолатланиши лозим.

Тўртинчи принцип — шаффофлик, ҳолислик ва адолатлилик. Сунъий интеллект тизимларининг ишлаш мантиғи имкон қадар тушунарли ва текширилаётган бўлиши, қарор қабул қилиш жараёни устидан назоратни таъминлайдиган механизмлар мавжуд бўлиши зарур. Бу фойдаланувчиларнинг тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бешинчи принцип — фойдаланувчи назорати. Хартияга кўра, сунъий интеллект инсоннинг қарор қабул қилиш ваколатини алмаштирмаслиги, балки уни қўллаб-қувватловчи восита бўлиши керак. Судья ёки бошқа ваколатли шахс сунъий интеллект тавсияларини текшириш, уларга қўшилиши ёки рад этиш имкониятига эга бўлиши, тарафлар эса сунъий интеллект қўлланилгани ҳақида хабардор қилиниши ҳамда зарур ҳолларда унинг натижаларига эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Европа Иттифоқи (мажбурий, хавфга асосланган тартибга солиш), Хитой ва Бразилия (амалиётга йўналтирилган, суд тизимининг ўзи томонидан бошқариладиган) ёндашувларини солиштириш шуни кўрсатадики, ҳозирча ягона умумжаҳон модели мавжуд эмас. Бироқ деярли барча ёндашувларда умумий ўзак ғоя такрорланади: сунъий интеллектнинг инсон ҳуқуқларига таъсир даражаси қанчалик юқори бўлса, унга нисбатан назорат ва ҳисобдорлик талаблари ҳам шунчалик қатъий бўлиши керак.

Алгоритмик хавфлар: назарий ва амалий таҳлил

Сунъий интеллект ҳуқуқий фикрлашни олдиндан моделлаштириши оладими?

Сунъий интеллект ҳуқуқий фикрлашнинг айрим элементларини, хусусан, ҳуқуқий нормаларни таҳлил қилиш, суд амалиётига киёсий ўрганиш ва ҳуқуқий ҳулосаларнинг эҳтимолий вариантларини шакллантириш жараёнларини моделлаштириши олади. Машинали ўқитиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш технологиялари орқали у ҳуқуқий муносабатларнинг ўхшаш ҳолатларини аниқлаб, муайян иш бўйича эҳтимолий ҳуқуқий ечимларни прогноз қилиш имкониятига эга. Бу эса ҳуқуқий тадқиқотлар ва амалиёт самарадорлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Бироқ ҳуқуқий фикрлаш фақат ҳуқуқий нормаларни механик қўллаш билан чекланмайди. У адолат, инсон ҳуқуқлари, мутаносиблик, виждон ва ижтимоий қадриятлар каби омилларни ҳам ўз ичига олади. Мазкур элементлар ҳуқуқни қўллаш жараёнида судья ёки ҳуқуқшуноснинг касбий тажрибаси, ҳуқуқий онги ва ахлоқий баҳолашига таянади. Шунинг учун сунъий интеллект ҳуқуқий фикрлашнинг аналитик қисмини моделлаштириши олса-да, унинг қадриятларга асосланган ва дискрецион хусусиятларини тўлиқ қайта яратиб олмайд.

Шу нуктаи назардан, келажақда сунъий интеллектни ҳуқуқшуноснинг ўрнини босувчи эмас, балки унинг интеллектуал ҳамкори сифатида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Сунъий интеллект ҳуқуқий ахборотларни қайта ишлаш, ҳуқуқий таҳлилни автоматлаштириш ва қарор қабул қилиш жараёнига илмий асосланган маълумотлар билан таъминлаш вазифасини бажаради, инсон эса ҳуқуқий баҳолаш, ахлоқий мезонларни ҳисобга олиш ва якуний қарор қабул қилиш масъулиятини сақлаб қолади. Ана шундай инсон ва сунъий интеллект ҳамкорлиги ҳуқуқий адолат, самарадорлик ва шаффофликни таъминлашнинг энг мақбул модели ҳисобланади.

“Қора қути” муаммоси ва уни ҳал этишга қаратилган ёндашувлар

Сунъий интеллект тизимларининг қарор қабул қилиш механизми машинали ўқитиш алгоритмларига асосланади. Бунда кириш ва чиқиш маълумотлари ўртасидаги статистик боғланишлар шакллантирилади, моделнинг ишончилиги эса, биринчи навбатда, ўқитиш учун қўлланилган маълумотлар сифати ҳамда танланган алгоритм хусусиятларига боғлиқ бўлади. Натижада ҳуқуқий соҳада “қора қути” (black box) деб аталувчи муаммо юзага келади, яъни алгоритм муайян ҳулосага қандай мантиқий занжир орқали келганини на фойдаланувчи, на ҳуқуқшунос, ҳатто судья ҳам тўлиқ англай олмамлиги мумкин. Бунинг оқибатида суд қарорининг асосланганлиги, текширувчанлиги ҳамда процесс иштирокчиларининг уни баҳслашиш ҳуқуқи жиддий хавф остида қолади.

“Қора қути” муаммосининг аҳамияти шунчалик юқори баҳоландики, АҚШ Мудофаа вазирлигининг Илғор тадқиқот лойиҳалари агентлиги (DARPA) 2015 йилда “Тушунарли сунъий интеллект” (Explainable Artificial Intelligence — XAI) дастурини ишга туширди. Ушбу дастурнинг асосий мақсади чуқур нейрон тармоқлар каби мураккаб моделларнинг қарор қабул қилиш жараёнига инсон учун тушунарли ва текшириш мумкин бўлган шаклда изоҳлайдиган янги авлод алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат эди²².

Дастур раҳбари Дейв Ённингнинг таъкидлашича, ушбу дастур нафақат юқори аниқликка эришишга, балки сунъий интеллект қарорларининг мантиқини махсус тайёргарликка эга бўлмаган фойдаланувчи ҳам англай оладиган даражада тушунтиришга қаратилган. Шу мақсадда тўрт йил давомида ўн бир тадқиқот жамоаси турли ечимларни синовдан ўтказди.

2021 йилда “Тушунарли сунъий интеллект” дастури якунлари шуни кўрсатдики, изоҳланувчанлик соҳасида сезиларли ютуқларга эришилган бўлса-да, сунъий интеллект ривожланишидаги асосий муаммо аниқлик ва изоҳланувчанлик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш масаласи бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, алгоритмнинг прогноз аниқлиги ошган сари, унинг қарор қабул қилиш мантиқини инсон учун тушунтириш тобора қийинлашади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий соҳада сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш учун алгоритмнинг юқори аниқлиги билан бир қаторда, унинг қарорлари ҳуқуқий текширувга очик, асосланган ва изоҳланувчан бўлиши ҳам зарур. Акс ҳолда, “қора қути” муаммоси одил судловнинг шаффофлик, тортишувчанлик ва адолат тамойилларини таъминлашга жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Жиноий одил судловда сунъий интеллектнинг мутлақ чегаралари

Жиноий одил судлов соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланиш бошқа ҳуқуқ соҳаларига нисбатан анча юқори даражада эҳтиёткорликни талаб қилади. Чунки мазкур соҳада алгоритмлар ва статистик моделларга ҳаддан ташқари таяниш жазони

индивидуаллаштириш тамойилига путур етказиб, детерминистик ёндашувнинг қайта тикланишига олиб келиши мумкин. Ҳолбуки, Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Европа давлатларида жазони индивидуаллаштириш доктринаси жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири сифатида шаклланди ва бугунги кунда ҳам аксарият Европа мамлакатлари жиноят қонунчилиги ҳамда суд амалиётининг муҳим принципларидан бири ҳисобланади²³.

Бу масала ҳуқуқшунослик учун янги эмас. Аксинча, у ўтган ўнлаб йиллар давомида Европа мамлакатлари ҳуқуқий амалиётида кенг муҳокама қилиниб, муайян ҳуқуқий ечимларга эга бўлган. Хусусан, Италия Жиноят-процессуал кодексининг 220-моддаси иккинчи қисми айбланувчининг жиноят содир этишга мойиллиги, унинг характери, шахсий хусусиятлари ёки психологик фазилатларини аниқлаш мақсадида эксперт ҳулосасидан фойдаланишни, (патологик ҳолатлар бундан мустасно), тўғридан-тўғри таққийлайди²⁴.

Шундан келиб чиқиб, жиноий одил судловда қўлланиладиган ҳар қандай сунъий интеллект тизими қонунийлик, инсонпарварлик, адолатчилик ҳамда жазони индивидуаллаштириш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқиши ва қўлланилиши лозим. Энг аввало, жазо тайинлаш бўйича якуний қарор қабул қилиш ваколати судьянинг ўзида сақланиб қолиши шарт. Бунда айбдорнинг шахси, унинг таълими, меҳнат фаолияти, oilaviy ва ижтимоий муҳити, соғлиги, қилмиш содир этилишининг сабаблари ҳамда жазони индивидуаллаштириш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар ҳар томонлама ва холис баҳоланиши зарур.

Сунъий интеллект ушбу маълумотларни таҳлил қилиш ва судьяга тавсиялар беришда ёрдам бериши мумкин, бироқ у судьянинг мустақил ҳуқуқий баҳоси ва якуний қарор қабул қилиш ваколатини алмаштирмаслиги лозим. Шу сабабли сунъий интеллект жиноий одил судловда қарор қабул қилувчи эмас, балки судья фаолиятини қўллаб-қувватловчи ёрдамчи восита сифатида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон учун табақалаштирилган ҳуқуқий модел таклифи

Юқорида таҳлил қилинган халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги ПФ-140-сон фармони билан бошланган “Рақамли суд” концепциясини амалга ошириш жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг табақалаштирилган ҳуқуқий моделини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биринчи тоифага инсон ҳуқуқлари ва суд қарорининг мазмунига бевосита таъсир кўрсатмайдиган техник-маъмурий вазифалар, хусусан, ҳужжат айланиши, процессуал муддатларни назорат қилиш, маълумотларни анонимлаштириш, аудиоёзувларни матнга автоматик ўгириш ҳамда суд харажатларини ҳисоблаш каби функциялар киритилиши мумкин. Бундай тизимлар юқори хавфли тоифага мансуб ҳисобланганлиги сабабли, улар фақат судья назорати остида, тавсия хусусиятида қўлланилиши, уларнинг натижалари эса мустақил далил сифатида эмас, балки қўшимча таҳлилий ахборот сифатида баҳоланиши лозим. Иккинчи тоифага айблов юзасидан ҳуқуқий ҳулоса чиқариш, айбдорликни белгилаш, жазо тури ва миқдорини аниқлаш каби инсон ҳуқуқларига бевосита таъсир этувчи қарорлар қиради. Бу ёндашув судьядан алоҳида текширув ва қатъий назоратни талаб қилади.

Мазкур моделни самарали амалга ошириш учун қатор ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантириш зарур. Аввало, суд тизимида қўлланиладиган сунъий интеллект воситалари учун мустақил техник ва ҳуқуқий аудит механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, иштирокчиларни сунъий интеллектдан фойдаланилганлиги, унинг тавсиявий хусусияти ҳамда ушбу натижаларга нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқи ҳақида аниқ ва тушунарли шаклда хабардор қилиш лозим. Бундан ташқари, янги рақамли воситалар кенг миқёсда жорий этилишидан аввал улар мустақил пилот лойиҳалар доирасида синовдан ўтказилиши, амалий самарадорлиги ва инсон ҳуқуқларига таъсири объектив баҳоланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу моделни амалга оширишда Одил судлов академиясининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки рақамли суд тизимини жорий этиш фақат технологик ечимлар билан эмас, балки судьялар ва суд тизими ходимларининг янги рақамли компетенцияларини шакллантириш билан ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан Академия судьяларни сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича мунтазам тайёрлаш, уларда алгоритмик фикрлаш ва сунъий интеллект натижаларини танқидий баҳолаш қўнимчаларини шакллантириш, суд этикаси ва рақамли ҳуқуқ соҳалари бўйича махсус ўқув дастурларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Одил судлов академияси учун илмий ва амалий таклифлар

“Сунъий интеллект ва рақамли одил судлов” илмий лабораториясини ташкил этиш. Суд тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш фақат



замонавий рақамли воситаларни амалиётга татбиқ этиш билан чекланмай, ушбу жараённинг илмий, ҳуқуқий, технологик ва этик асосларини комплекс тадқиқ этишни, шунингдек, судьялар ҳамда суд тизими ходимларининг рақамли компетенцияларини изчил ривожлантиришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, Одил судлов академияси суд ҳокимиятининг рақамли трансформациясини илмий-услубий жиҳатдан таъминловчи, инновацион ечимларни ишлаб чиқувчи ва уларни амалиётга жорий этишни мувофиқлаштирувчи таянч илмий-таълим муассасаси сифатида алоҳида ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб, Академия ҳузурида “Сунъий интеллект ва рақамли одил судлов” илмий лабораториясини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур лаборатория суд тизимида қўлланилаётган сунъий интеллект тизимлари ва алгоритмларининг самардорлиги, шаффофлиги, ҳолислиги ҳамда амалдаги қонунчилик ва этик стандартларга мувофиқлигини илмий экспертизадан ўтказиш, рақамли одил судловга оид пилот лойиҳаларни таҳлил қилиш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий шароитга мослаштириш, сунъий интеллектни суд амалиётига жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда судьялар ва суд тизими ходимларининг рақамли кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган илмий-услубий дастурларни ишлаб чиқиш каби вазибаларни амалга ошириши мумкин. Натижада лаборатория сунъий интеллектни суд тизимига хавфсиз, масъулиятли ва самарали интеграция қилиш учун зарур бўлган илмий-амалий платформа вазиласини бажаради.

Суд соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича қоидалар мажмуасини ишлаб чиқиш

Суд тизимида сунъий интеллектдан хавфсиз ва масъулиятли фойдаланишни таъминлаш мақсадида махсус “Суд соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланиш қоидалари” мажмуасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу қоидаларда инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, алгоритмлар шаффофлиги ва тушунтирилувчанлиги, ҳолислик ва дискриминацияга йўл қўймаслик, ахборот хавфсизлиги, судья мустақиллигини таъминлаш, инсон назоратининг устуворлиги ҳамда шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш принциплари ўз ифодасини топиши лозим. Шунингдек, қоидаларда сунъий интеллект воситаларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, жорий этиш ва мониторинг қилишнинг асосий талаблари ҳам белгиланиши мумкин.

Сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши суд тизимининг рақамли трансформациясига кучли туртки бермоқда. Бугунги кунда электрон судлов, рақамли далиллар билан ишлаш, видеоконференция орқали суд мажлисларини ўтказиш, ишларни автоматик тақсимлаш, суд амалиётини таҳлил қилиш ва процессуал муддатларни назорат қилиш каби кўплаб жараёнлар рақамлаштирилмоқда. Бу эса суд фаолиятининг тезкорлиги, шаффофлиги ва самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу маънода келажақда рақамли технологияларга тўлиқ интеграциялашган суд тизимининг шаклланиши табиий ва объектив жараён ҳисобланади.

Бироқ “тўлиқ рақамли суд” тушунчаси икки хил мазмунга эга эканлигини фарқлаш муҳим. Биринчи ҳолатда рақамлаштириш суд жараёнининг ташкилий ва техник томонларини қамраб олади. Бунда даъво аризалари электрон тарзда қабул қилинади, далиллар рақамли шаклда тақдим этилади, суд мажлислари видеоконференция орқали ўтказилади, суд ҳужжатлари электрон шаклда расмийлаштирилади ва процессуал ҳаракатларнинг катта қисми автоматлаштирилади. Бундай модел жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида аллақачон жорий этилган бўлиб, келажақда суд тизимининг стандарт шаклига айланиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Иккинчи модел эса судья иштирокисиз, қарорларни тўлиқ алгоритм қабул қиладиган суд тизимини назарда тутди. Мазкур ёндашув, айниқса жиноий одил судловда, жиддий ҳуқуқий, ахлоқий ва инсонпарварликка оид муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки жиноят ишларида қабул қилинадиган қарорлар инсоннинг эркинлиги, тақдири ва ҳуқуқлари билан бевосита боғлиқдир. Айбнинг мавжудлиги, қасд шакли, шахснинг руҳий ҳолати, қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, шунингдек, адолат каби мезонларни фақат статистик моделлар ёки математик ҳисоб-китоблар орқали тўлиқ баҳолаш мумкин эмас. Судья қарор қабул қилишда нафақат қонун нормаларини қўлайди, балки ҳуқуқий тафаккур, ҳаётий тажриба, ички ишонч ва маънавий масъулиятга ҳам таянади. Бу эса ҳозирги сунъий интеллект технологиялари такрорлай олмайдиган инсонга хос хусусиятлардир.

Шу билан бирга, сунъий интеллект технологияларининг ривожланиш суръати ниҳоятда юқори эканлигини ҳисобга олиш лозим. Бугунги кунда сунъий интеллект судьяни алмаштирувчи эмас, балки унинг фаолиятини қўллаб-қувватловчи ёрдамчи

восита сифатида эътироф этилмоқда. Бироқ технологияларнинг келгусидаги ривожланиш йўналиши, уларнинг ҳуқуқий имкониятлари ва суд тизимига таъсири ҳозирча аниқ прогноз қилиб бўлмайдиган даражада динамик ва мавҳумдир. Шу сабабли билдирилган хулосалар ва ёндашувлар сунъий интеллектнинг ҳозирги ривожланиш босқичи, мавжуд халқаро стандартлар ҳамда амалдаги давлатлар тажрибаси асосида шакллантирилган. Келгусида технологиялар, ҳуқуқий тартибга солиш ва суд амалиёти ривожланиши билан бу ёндашувларнинг айрим жиҳатлари қайта кўриб чиқиши ёки такомиллаштирилиши эҳтимолдан холи эмас.

Хулоса қилиб айтганда, келажақ судлари, шубҳасиз, рақамли бўлади. Суд жараёнларининг катта қисми автоматлаштирилади, сунъий интеллект эса судья фаолиятининг ажралмас ёрдамчисига айланади. Бироқ рақамлаштириш адолатнинг инсонпарварлик моҳиятини ўзгартирмаслиги лозим. Сунъий интеллект судьянинг ўрнини эмас, унинг имкониятларини кенгайтириши, қарор қабул қилиш жараёнини янада тезкор, шаффоф ва асосли қилишга хизмат қилиши керак. Демак, технологиялар қанчалик ривожланмасин, суд ҳокимиятининг марказида инсон судья қолади, чунки адолат фақат қонунни қўллаш эмас, балки инсон қадрлари, ҳуқуқлари ва тақдирини англаш ҳамдир.

Нодирбек САЛАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси

Илмий, инновациялар ва ахборот-таҳлилий ишлар бўйича проректори, юридик фанлар доктори, профессор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Automation and Digitalization of Justice in China's Smart Court Systems // The Jamestown Foundation; The Smart Court – A New Pathway to Justice in China? // International Journal for Court Administration; Smart Courts: Toward the Digitisation and Automation of Justice // The China Story.
2. Estonia is Building a "Robot Judge" to Help Clear a Legal Backlog // World Economic Forum; Your Honor, AI // Harvard International Review; Estonia: A Robotically Transformative Nation // The Robotics Law Journal.
3. Council of Europe, European Commission for the Efficiency of Justice (CEPEJ), European Ethical Charter on the Use of Artificial Intelligence in Judicial Systems and their Environment. Strasbourg, 3–4 December 2018.
4. American Bar Association. (2023). Can my lawyer be a robot? Law Practice Today. https://www.americanbar.org/gro-ups/law_practice/resources/law-practice-today/2023february/can-my-lawyer-be-a-robot/.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 30 avgustdagi "Sudlar faoliyatiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini yanada joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PQ-3250-son qarori / Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi.
6. Supreme People's Court of China. (2019). Chinese Courts and Internet Judiciary. <https://english.court.gov.cn/pd/f/ChineseCourtsandInternetJudiciary.pdf>.
7. Shi, C., Sourdin, T., & Li, B. (2021). The Smart Court – A new pathway to justice in China? International Journal for Court Administration, 12(1), Article 4. <https://doi.org/10.36745/ijca.367>.
8. Wang, L. (2024). Application of information technology in judicial field: The development model of online litigation in China. Computer Law & Security Review, 52, 105936. <https://doi.org/10.1016/j.clsr.2024.105936>.
9. Kunshan People's Court. (2024). Kunshan Court explores new "Digital Intelligence Rule of Law" scenarios. First Kunshan. <https://www.ksrmtzx.com/news/detail/209550>.
10. Xinhua News Agency. (2018, April 27). Alibaba to help Chinese courts go on cloud. China Daily. https://regional.chinadaily.com.cn/supreme-peoplescourt/201804/27/c_767484.htm.
11. Niller, E. (2019, March 25). Can AI be a fair judge in court? Estonia thinks so. WIRED. <https://www.wired.com/story/can-ai-be-fair-judge-court-estonia-thinks-so>.
12. Ministry of Justice and Digital Affairs of Estonia. (2022, February 16). Estonia does not develop AI Judge. <https://www.justdigi.ee/en/news/estonia-does-not-develop-ai-judge>.
13. Zheng, G. G. (2020). China's Grand Design of People's Smart Courts. Asian Journal of Law and Society, 7(3), 561–582. <https://doi.org/10.1017/als.2020.20>.
14. Supremo Tribunal Federal. (2021, August 19). Projeto Victor avança em pesquisa e desenvolvimento para identificação dos temas de repercussão geral. <https://portal.stf.jus.br/noticias/verNoticiaDetalhe.asp?idConteudo=471331&ori=1+&utm>.
15. European Union. (2024). Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act). Official Journal of the European Union, L. 2024/1689. <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2024/1689/oj>.
16. Artificial Intelligence (AI): Guidance for Judicial Office Holders. Courts and Tribunals Judiciary, 31 October 2025, pp. 5–7.
17. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3-sentabrdagi "Sud hokimiyati organlari faoliyatini raqamlashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PQ-4818-son qarori / Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi.
18. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 21-avgustdagi "Sudlar faoliyatiga sun'iy intellekt texnologiyalarini joriy etish orqali odil sudlovga erishish darajasini oshirish hamda sud tizimining moddiy-texnik ta'minotini yaxshilashga doir qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida" gi PF-140-son farmoni/Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 23.08.2025-y., 06/25/140/0771-son/
19. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi / Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 01.05.2023-y., 03/23/837/0241-son.
20. O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 28-iyuldagi "Sudlar to'g'risida" gi O'RQ-703-son qonuni / Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 14.07.2026-y., 03/26/1158/0727-son.
21. European Commission for the Efficiency of Justice (CEPEJ). European Ethical Charter on the Use of Artificial Intelligence in Judicial Systems and Their Environment. Council of Europe, 2018.
22. Gunning, D. and Aha, D.W. (2019). DARPA's Explainable Artificial Intelligence Program. AI Magazine, 40: 44–58. <https://doi.org/10.1609/aimag.v40i2.2850>.
23. Ashworth, A. (2021). Sentencing and Criminal Justice (8th ed.). Hart Publishing.
24. Italian Republic. (1988). Codice di procedura penale (Decreto del Presidente della Repubblica 22 settembre 1988, n. 447, art. 220(2)).

ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМЛАРИГА ОИД ҚОИДАЛАР ҲАМДА УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ СЎНГГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада икки томонлама инвестиция битимлари ҳамда минтақавий савдо шартномаларида назарда тутилган инвестицияга оид қоидаларнинг шаклланиши, ҳуқуқий табиати ва замонавий ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Халқаро инвестиция ҳуқуқининг асосий манбалари сифатида икки томонлама инвестиция битимлари ва минтақавий савдо шартномаларининг ўрни, улар орқали хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш механизмлари, инвесторларга бериладиган халқаро-ҳуқуқий кафолатлар ҳамда инвестор-давлат низоларини ҳал қилиш тизими ўрганилган.

Калит сўзлар: икки томонлама инвестиция битими, халқаро инвестиция ҳуқуқи, минтақавий савдо шартномаси, халқаро инвестиция шартномалари, хорижий инвестициялар, инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, инвестор – давлат низоларини ҳал қилиш (ISDS).

Бугунги кунга қадар инвестицияларни қабул қилувчи давлатлар ва хорижий инвесторлар ўртасидаги муносабатларга оид ҳуқуқий тартиб-таомилларнинг асосий қисми кўп томонлама ҳуқуқий асос мавжуд эмаслиги сабабли, икки томонлама инвестиция шартномалари (Инвестиция шартномалари) ҳамда Минтақавий савдо битимлари (Савдо битимлари) киритилган инвестицияга оид қоидалар орқали тартибга солинади.

Халқаро одат ҳуқуқига кўра, хорижий инвестицияларга муносабат бўйича минимал кафолатларни белгилувчи қоидалар икки асрдан кўпроқ вақт давомида мавжуд бўлиб келган. Бу каби кафолатларни таъминлаш учун икки томонлама инвестиция шартномалари хорижий инвестор ва инвестициялар фаолиятини тартибга солидиган илк халқаро шартномалар сифатида расмийлаштирила бошланди. Халқаро ҳужжатларда бир томон инвесторларини бошқа давлат ҳудудига ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш назарда тутилади. Бундай шартномалар инвестор-давлат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги тартиб-қоидалар киритилган (илк икки томонлама инвестиция Битими Германия Федератив Республикаси билан Покистон Исломи Республикаси ўртасида 1959 йил имзоланган) ушбу қоидалар яқин вақтгача улар пайдо бўлганидан бери сезиларли даражада ўзгармаган. Сўнгги 19 йил ичида бутун дунё бўйлаб музокара қилинган битимлар сони сезиларли даражада ошди (2007 йил июнь ойига келиб 2500 дан ошди).

Халқаро инвестиция шартномаларининг (ХИШ) иккинчи гуруҳи Минтақавий савдо келишувларига киритилган инвестиция қоидаларидан иборат. Сўнгги ўн йилликда бутун дунё бўйлаб Минтақавий савдо битимлари сони барқарор равишда ўсиб бормоқда (2026 йил ҳолатига кўра 382 тани ташкил этади - <https://rtais.wto.org/UI/PublicMaintainRTAHome.aspx>). Минтақавий савдо шартномалари одатда товарлар, хизматлар, сармоя ҳамда инсон капиталининг ҳаракатини осонлаштириш мақсадида бир минтақадаги давлатлар ўртасида ишлаб чиқилади ва имзоланади. Бу каби халқаро шартномалар жуда хилма-хил бўлиб, фақат иқтисодий ҳамкорликни назарда тутувчи келишувлардан тортиб, умумий бозорни яратадиган келишувларгача бўлади. Жумладан, икки томонлама, кўп томонлама, минтақавий ва минтақалараро бўлиши мумкин. Уларнинг тарафлари бир хил ёки иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида бўлган давлатларни қамраб олиши мумкин (https://www.wto.org/english/tratop_e/region_e/region_e.htm).

Халқаро оммавий ҳуқуқда бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ, сўнгги 10 йил ичида инвестиция қоидалари ва интизомлари, хусусан халқаро иқтисодий ва сиёсий контекстга мос иккита тенденция яққол кўриниб турибди (International Investment Agreements Navigator/UNCTAD Investment Policy Hub).

Биринчидан, инвестиция халқаро иқтисодиётнинг чуқур ўзгариши ва "глобаллашуви"да савдо ўрнини босувчи сифатида тасаввур қилинган эски парадигма ҳисобланади. Савдо ҳам, инвестиция ҳам халқаро корпорациялар кўлида тобора рақобатбардош ва глобаллашиб бораётган халқаро бозорга хизмат қилиш учун бир-бирини тўлдирувчи стратегиялар эканлиги аён бўлди. Хизматлар халқаро савдосининг кескин ўсиши ва глобал миқёсда ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши билан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётларини ўзаро боғлиқ жаҳон иқтисодиётига мослаштиришдаги асосий ролини тобора кўпроқ англаб етмоқдалар. Сўнгги ўн йилликда инвестиция қоидалари халқаро контекстга мослашди. Хусусан, айнан шундай контекст Минтақавий савдо битимлари ҳамда Икки томонлама инвестиция битимларидаги инвестиция боблари ва улар ўртасидаги асосий фарқларни кўриш мумкин.

Минтақавий савдо битимлари ҳамда Икки томонлама Инвестиция битимларидаги инвестиция бўлимларининг аксарияти ўртасидаги асосий фарқ уларнинг тегишли

асослари кенглигидир. Икки томонлама инвестиция шартномаларининг аксарияти инвестицияларни ҳимоя қилишга қаратилган мажбуриятларни ўз ичига олса-да, Минтақавий савдо битимлардаги инвестиция бўлимларининг аксарияти ортидаги мантиқ нафақат инвестицияларни ҳимоя қилишни таъминлаш, балки иложи борида қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларга кириш ҳуқуқини рағбатлантиришдир. Икки томонлама инвестиция шартномалар асосидаги бундай ўзгариш кўп жиҳатдан сўнгги 50 йил ичида халқаро инвестиция оқимлари содир бўлган тарихий контекст эволюциясининг таъсиридир (UNCTAD/WEB/ITE/IIA/2006/9).

Шунингдек, сўнгги ўн йилликда инвестиция қоидаларини шакллантиришнинг яна бир муҳим омили инвестор-давлат низоларини ҳал қилиш (ISDS) ишлари сонининг кескин ошиб кетиши бўлди (Chapter X: Final Provisions ICSID).

Инвестор-давлат низоларини ҳал қилиш билан боғлиқ қоидалар 1960 йиллардан бери Икки томонлама инвестиция шартномаларида акс эттирила бошлаган. Ушбу қоидалардан арбитраж ишларида фойдаланиш сўнгги ўн йилликка қадар камдан-кам ҳолларда бўлган. 1987 йилдан - Жаҳон банкининг Инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро маркази (ICSID) арбитраж жараёнида Икки томонлама инвестиция шартномаларига асосланган биринчи инвестор-давлат низои қайд этилганидан – 1998 йил апрелига қадар ICSIDга Икки томонлама инвестиция шартномалар билан боғлиқ 14 та иш кўриб чиқилган. Бирок, 1990 йилларнинг охиридан бошлаб ишлар сони жуда кўпайди. Шартномага асосланган ишларнинг умумий сони 2007 йил охирига келиб камида 290 тага етди, улардан 182 таси ICSIDга (ICSIDнинг қўшимча воситасини ҳам қўшган ҳолда) ва 100 дан ортиқ бошқа арбитраж судларига тақдим этилди (The ICSID Caseload - Statistics / ICSID). Инвестиция музокараларини кўриб чиқишда арбитражлар Аҳдлашувчи Томонлар қабул қилган Икки томонлама инвестиция шартномаларда белгиланган тушунчалар ва мажбуриятларнинг кенглиги синовдан ўтказиб бошланди. Хусусан, сўнгги ўн йилликда бир қатор мамлакатлар товарлар ва хизматлар савдосини либераллаштирадиган, шу билан бирга аъёнавий равишда Икки томонлама инвестиция шартномаларда пайдо бўлганларга ўхшаш инвестицияларни ҳимоя қилиш қоидаларини ўз ичига олган "янги авлод" (The reform of international investment agreements – state of play | UN Trade and Development (UNCTAD) Минтақавий савдо шартномаларини расмийлаштириб бошлади. Ушбу янги авлод Минтақавий савдо шартномалари, Икки томонлама инвестиция шартномаларнинг "янги авлоди" сингари, инвестиция билан боғлиқ амалиётида янгиликларни акс эттирмоқда.

Шимолий Америка Эркин Савдо Шартномаси (NAFTA) аъзо мамлакатлари ва Америка, Осиё-Тинч океани ҳавзаси ва Шимолий Африкадаги бошқа мамлакатлар томонидан Минтақавий савдо шартномалари янги Икки томонлама инвестиция шартномаларига оид қоидаларни ўз ичига олади. Инвестиция низолари, хусусан, NAFTAни амалга ошириш мақсадида юзага келган низолар шундай янги авлод Икки томонлама инвестиция шартномалар қоидаларини такомиллаштиришга, шунингдек, ушбу шартномаларга бир қатор тартиб-таомилларга оид ва моҳиятан янгиликларни киритишга таъсир кўрсатгани намоён бўлмоқда (USMCA Curbs How Much Investors Can Sue Countries—Sort of | International Institute for Sustainable Development).

Ҳуқуқий нуктаи назардан, Икки томонлама инвестиция шартномаларнинг тузилиши ва мазмунини бутун дунё бўйлаб жуда ўхшаш. Бундай шартномаларда инвестицияларни қабул қилиш, адолатли ва тенг ҳуқуқли режим; миллий режим ва энг кўп қулайлик қоида (National Treatment NT; Most favored nations - MFN), Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида, Аҳдлашувчи Томон ва Инвестор ўртасида низоларни ҳал этиш, экспроприация ва компенсация; тўловларни ўтказиш каби асосий элементлар акс эттирилади.



1960 – 70 йиллардан бошлаб деколонизация ҳаракати кучайиб бораётган бир пайтда, кўпга собиқ Европа мустамлакалари янги мустақил давлатларга айланди. Бунда инвесторлар собиқ мустамлакачилик давлатларида мавжуд қонунчилик томонидан берилган ҳуқуқий ҳимояни йўқотиш, янги ҳукмрон элита томонидан илгари сурилган иқтисодий миллатчиликнинг ўсиб бораётган тенденцияси билан ҳам дуч келишди. Янги мустақил давлатлардаги бир неча ҳукуматлар ўз иқтисодиётларини хорижий манфаатлар томонидан узоқ муддатли эксплуатация қилиш, деб ҳисоблаган нарсга душманлик билан муносабатда бўлишди ва натижада ўзларининг сиёсий ва иқтисодий сиёсатларини, хусусан, табиий ресурслари устидан миллий суверенитетларини тасдиқлашга йўналтиришди. Сармоя экспорт қилувчи давлатлар чет элдаги инвестицияларини ҳимоя қилишнинг минимал стандартини белгилайдиган инвестиция режимлари бўйича музокара олиб бориш учун аниқ рағбатга эга эдилар (<https://opiniojuris.org/2020/05/20/re-discovering-the-origins-of-bilateral-investment-treaties/> Re-discovering the Origins of Bilateral Investment Treaties - Opinio Juris).

Икки томонлама инвестиция шартномаларининг пайдо бўлиши ва характерини тушунтирувчи иккинчи омил 1950 – 60 йилларда жаҳон иқтисодиётида ҳукмронлик қилган ишлаб чиқариш шакллари ва халқаро меҳнат тақсимоти эди. Бу даврда ривожланаётган мамлакатларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (Foreign Direct Investment), хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашга, жумладан, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги секторига ёки импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш сиёсати томонидан илгари сурилган ишлаб чиқариш саноатига қаратилган эди (https://unctad.org/system/files/official-document/wir2007p4_en.pdf).

Инвесторлар чет элда эгалик қилган хусусий мулкни ҳимоя қилиш масаласи иқтисодий миллатчилик кенг тарқалган ва экспроприация ёки миллийлаштириш хавфи мавжуд бўлган тарихий даврда тобора муҳим аҳамият касб этди. 1980 йилларга келиб бутун дунё бўйлаб тузилган тахминан 400 та халқаро шартномаларнинг аксарияти бир томондан ривожланган капитал экспорт қилувчи давлат ва бошқа томондан ривожланаётган капитал импорт қилувчи давлат ўртасида, одатда Европа ва Африка ёки Осиё минтақасидаги давлатлар ўртасида музокара олиб борилганлиги ҳам тасдиқлайди.

Анъанавий инвестиция шартномалари хорижий инвестицияларга сармояларни қабул қилувчи давлатларда ташкил этиш ҳуқуқини берувчи воситалар сифатида тасаввур қилинмаган. Улар – хорижий инвесторларнинг мулкни фақат уларга инвестиция қилишга рухсат берилиши мумкин бўлган иқтисодий фаолиятда ҳимоя қилиш учун бир қатор қафолатлар беришга қаратилган шартномалардир.

Инвестиция шартномаларининг моҳияти ва мақсадларини улар пайдо бўлган тарихий шароитга қараб яхшироқ тушуниш мумкин. Биринчи икки томонлама инвестиция шартномаси 1959 йилда Германия Федератив Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган (https://unctad.org/system/files/official-document/webiteia20069_en.pdf).

Янги авлод инвестиция шартномалари - икки томонлама инвестиция шартномалари ҳамда Минтақавий савдо битимларидаги инвестиция бўлимлари бўлиб, улар нафақат инвестицияларни ҳимоя қилишни, балки босқичма-босқич либераллаштиришни ҳам таъминлайди. Бу каби халқаро шартномалар Канада, Чили, Япония, Мексика, Перу, Колумбия, Марказий Америка мамлакатлари, Сингапур, Марокаш, Австралия ва Қўшма Штатлар каби давлатлар томонидан тузилган икки томонлама инвестиция битимларига ҳам тегишли. Бу турдаги икки томонлама инвестиция шартномалар аввалги тузилган ҳар қандай келишувга қараганда анча кенг қамровли; батафсилроқ ва кўп жиҳатдан қатъийроқ ҳисобланади.

Янги авлод инвестиция келишувлари қамраб олинган хорижий инвесторларга қабул қилувчи давлатда ташкил этиш ҳуқуқига нисбатан миллий ва энг қулай давлат режимини тақдим этади. Бу ҳуқуқ одатда қабул қилувчи давлатга ушбу ҳуқуқ қўлланилмайдиган иқтисодиётнинг тармоқлари ёки фаолиятини белгилашга имкон берувчи қоида, яъни “салбий рўйхат” ёндашуви билан белгиланади. Ушбу ёндашув Қўшма Штатлар, сўнгги йилларда Канада ва Япония томонидан ҳам ўзларининг янги авлод икки томонлама шартномаларида, шунингдек, Лотин Америкаси ва Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа турли мамлакатлари томонидан ўзларининг Минтақавий савдо келишувларида қўлланилмоқда.

Ушбу ёндашувдан фойдаланган ҳолда кўпроқ келишувлар тузилаётганлиги сабабли, иловалар ҳам бироз мураккаблашди. Битта иловада Аҳдлашувчи Томон-

лар эътибор қаратиши мумкин бўлган мажбуриятларнинг бир ёки бир нечасига зид бўлган амалдаги қонунлар ва қоидалар рўйхати акс эттирилади.

Мос келмайдиган чоралар иловасининг таъсири шартнома тузилган пайтда Аҳдлашувчи Томонларнинг ички қонунчилиги ва икки томонлама инвестиция битимлари мажбуриятлари ўртасидаги мувофиқлик даражасини боғлашдан иборат. Шундай қилиб, ушбу шартномалар кучга киргандан сўнг, томонлар ушбу иловага киритилган ҳар қандай мос келмайдиган чораларни фақат тузатиш чоранинг ўзгартиришдан олдин мавжуд бўлган тегишли мажбуриятга мувофиқлигини камайтирмасагина ўзгартиришлари мумкин. Япония ва Вьетнам ўртасида музокара қилинган икки томонлама инвестиция битимининг 6-моддаси (<https://investmentpolicy.unctad.org/international-investment-agreements/treaties/bit/2164/japan>) бу ёндашувни кўрсатади:

“6-МОДДА

1. 2 ёки 4-модда қоидаларига қарамай, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Шартнома кучга кирган санада ушбу Шартноманинг 2-илоvasида кўрсатилган соҳаларда ёки масалаларга нисбатан мавжуд бўлган ҳар қандай истисно чорани сақлаб қолиши мумкин.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Шартнома кучга кирган санада бошқа Аҳдлашувчи Томонни 2-иловада кўрсатилган соҳаларда ёки масалаларга оид барча мавжуд истисно чоралар ҳақида хабардор қилади.

Бундай хабарнома ҳар бир истисно чоранинг қуйидаги элементлари ҳақида маълумотни ўз ичига олиши керак:

- (a) соҳа ва кичик соҳа ёки масала;
- (b) истисно чорига нисбатан мажбурият ёки модда;
- (c) истисно чоранинг ҳуқуқий манбаи;
- (d) истисно чоранинг қисқача тавсифи;
- (e) истисно чоранинг мақсади.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон юқоридаги 2-бандга мувофиқ хабар қилинган истисно чораларни босқичма-босқич камайтириш ёки бартараф этишга ҳаракат қилади.

4. Ушбу Шартнома кучга киргандан сўнг, ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон соҳаларда ёки 2-иловада кўрсатилган масалаларга нисбатан бирон бир янги истисно чорани қабул қилмайди”.

Кўпгина янги авлод икки томонлама инвестиция шартномалари, шунингдек, Аҳдлашувчи Томонлар бу каби шартномалар мажбуриятларининг бир ёки бир нечасига мос келмайдиган чораларни сақлаб қолиши ёки қабул қилиши мумкин бўлган иқтисодий фаолият ёки соҳалар рўйхатини ўз ичига олган иккинчи турдаги иловани ҳам назарда тутди.

Шундай қилиб, ушбу 2-иловага киритилган соҳалар ёки секторларда томонлар қатъий мажбуриятларни ўз зиммаларига олмайдилар.

Бунинг ўрнига, Аҳдлашувчи Томонлар музокаралар пайтида мавжуд бўлмаган янги номувофиқ чораларни кўриш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладилар. Шунинг учун бу турдаги илова кўпинча “келажакдаги чоралар” иловаси сифатида танилган.”

Илхомжон АБДРАИМОВ,

Ташиқ ишлар вазирлиги Шартнома-ҳуқуқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. N.D. Rubins, Investor-State Arbitration (OUP 2008);
2. Z.Douglas, International Law of Investment Claims (CUP 2012) 321;
3. R.Dolzer and M.Stevens, Bilateral Investment Treaties (Kluwer Law International 1995);
4. <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/83/soufraki-v-uae>;
5. <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/206/siag-v-egypt>;
6. <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/75/champion-trading-and-ameritrade-v-egypt>;
7. C.McLachlan, L.Shore and M.Weigner, International Investment Arbitration: Substantive Principles (OUP 2017);
8. ICSID Convention;
9. C.H.Shreuer, The ICSID Convention a Commentary, (2nd edn,CUP 2009);
10. Champion Trading Company, Ameritrade International inc,v, Egypt, ICSID Case No.ARB/02/9, Decision on Jurisdiction, (21 October 2003);
11. <https://rtais.wto.org/UI/PublicMaintainRTAHome.aspx>;
12. https://www.wto.org/english/tratop_e/region_e/region_e.htm;
13. International Investment Agreements Navigator/UNCTAD Investment Policy Hub;
14. UNCTAD/WEB/ITE/IIA/2006/9;
15. <https://opiniojuris.org/2020/05/20/re-discovering-the-origins-of-bilateral-investment-treaties/> Re-discovering the Origins of Bilateral Investment Treaties - Opinio Juris;
16. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2007p4_en.pdf.

РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада рақамли маркетинг шароитида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчасининг назарий-ҳуқуқий асослари ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий мазмуни таҳлил қилинган. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтига оид илмий ёндашувлар қиёсий ўрганилиб, уларнинг рақамли иқтисодиёт шароитида қўлланилиши баҳоланган. Рақамли платформалар, алгоритмик қарорлар, сунъий интеллект, шахсий маълумотларга ишлов бериш, манипулятив интерфейслар ва яширин реклама каби замонавий ҳуқуқий ҳавфларнинг истеъмолчилар ҳуқуқларига таъсири нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: рақамли маркетинг, истеъмолчилар ҳуқуқлари, ҳуқуқий ҳимоя, фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усуллари, рақамли платформалар, сунъий интеллект, алгоритмик қарорлар, шахсий маълумотлар, яширин реклама, маънавий зарар.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — шахсларнинг товарлар сотиб олиш ёки хизматлардан фойдаланиш жараёнидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий қоидалар ва қафолатлар мажмуасидир. Ушбу ҳуқуқларга мувофиқ, сотиб олинётган товар ёки хизмат хавфсиз, сифатли ва белгиланган мақсадга мос бўлиши лозим. Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқлари нуқсонли ёки сифатсиз товарни қайтариш, уни алмаштириш, тўланган маблағни қайтариб олиш ҳамда товар ёки хизмат белгиланган талабларга жавоб бермаган тақдирда етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади¹.

Олим А.Е. Шерстобитовнинг фикрича, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқбузарга нисбатан давлат мажбурият чораларини қўллашга қаратилган ҳуқуқий чоралар (воситалар) тизимидан иборатдир².

Шунингдек, Л.А. Шашкова истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни бузилган истеъмолчилар ҳуқуқларини тиклаш ва (ёки) уларга етказилган зарарни компенсация қилишга қаратилган ҳуқуқий воситалар мажмуаси сифатида тушунишни таклиф этади³.

А.В. Таскаев эса истеъмолчининг лозим даражадаги рекламага бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишни қонун ҳужжатларида назарда тутилган, реклама истеъмолчисига бузилган ҳуқуқини тиклаш ҳамда ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи чораларни қўллаш имкониятини берувчи ҳуқуқ сифатида таърифлайди⁴.

Юқорида келтирилган илмий қарашлар таҳлили шуни кўрсатадики, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тушунчасига нисбатан юридик адабиётларда ягона ёндашув шаклланмаган. Айрим олимлар мазкур институти ҳуқуқий чора-тадбирлар ёки ҳуқуқий қафолатлар тизими сифатида талқин этсалар, бошқалари уни ҳуқуқбузарга нисбатан давлат мажбурият чораларини қўллаш механизми ёки бузилган ҳуқуқларни тиклашга қаратилган ҳуқуқий воситалар мажмуаси сифатида баҳолайдилар. Шунингдек, айрим муаллифлар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни фақат ҳуқуқий механизм сифатида эмас, балки жамоатчилик иштирокини ҳам қамраб олувчи комплекс институт сифатида кўрадилар. Бу эса мазкур ҳуқуқий институтининг кўп қиррали ва комплекс хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бизнингча, мазкур ёндашувларнинг аксарияти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумий назарий асосларини очиб берса-да, улар рақамли иқтисодиёт ва рақамли маркетинг муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олмайди. Хусусан, мазкур таърифларда ҳуқуқий ҳимоя асосан аъёнавий товар ва хизматлар бозоридаги муносабатлар нуқтаи назаридан ёритилган бўлиб, рақамли платформалар, алгоритмик қарорлар, шахсий маълумотлардан маркетинг мақсадларида фойдаланиш, манипулятив рақамли интерфейслар, яширин реклама ва сунъий интеллект

орқали амалга оширилаётган ҳуқуқбузарликлар етарлича инобатга олинмаган.

Шу муносабат билан, рақамли маркетинг шароитида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни фақат ҳуқуқларни тиклаш ёки ҳуқуқбузарга нисбатан мажбурият чораларини қўллаш сифатида эмас, балки истеъмолчининг рақамли муҳитдаги ахборот, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш, улар бузилишининг олдини олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплашга хизмат қилувчи фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усуллари тизими сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув Фуқаролик кодексида назарда тутилган ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш, ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни тўхтатиш, битимни ҳақиқӣ эмас деб топиш, зарарларни қоплаш ва маънавий зарарни компенсация қилиш каби фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усуллари рақамли маркетинг муносабатларига мос равишда қўллаш имконини беради. Бу эса рақамли маркетинг шароитида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтининг фуқаролик-ҳуқуқий мазмуни янада тўлиқ ва замонавий талқин қилишга хизмат қилади.

Рақамли маркетингда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари амалга оширилиши муайян ҳуқуқий шакллар орқали таъминланади. Илмий адабиётларда ушбу шакллар, одатда, юрисдикциявий ва ноюрисдикциявий ҳимоя шакллари ажратилади. Юрисдикциявий ҳимоя шакли ваколатли давлат органлари томонидан истеъмолчининг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини англатади. Бунда ҳуқуқлари бузилган истеъмолчи судга ёки қонун билан ваколат берилган давлат органига мурожаат қилиб, бузилган ҳуқуқини тиклаш, ҳуқуқбузарликни тўхтатиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усуллари айнан мазкур юрисдикциявий шакл доирасида амалга оширилади. Жумладан, ҳуқуқни тан олиш, ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш, ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни тўхтатиш, битимни ҳақиқӣ эмас деб топиш ва унинг ҳақиқӣ эмаслиги оқибатларини қўллаш, зарарларни қоплаш, неустойка ундириш, маънавий зарарни компенсация қилиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа фуқаролик-ҳуқуқий усуллар ваколатли органлар томонидан қўлланилади.

Рақамли маркетинг муносабатларида мазкур ҳимоя усуллари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки рақамли платформалар, ижтимоий тармоқлар, электрон савдо майдончалари ва бошқа рақамли муҳитларда истеъмолчининг ҳуқуқлари кўпинча ёлгон ёки чалғитувчи реклама, сохта шарҳлар, яширин реклама, алгоритмлар орқали манипуляция қилиш, шахсий маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш каби ҳаракатлар натижасида бузилади. Бундай ҳолларда истеъмолчи судга ёки ваколатли давлат органига мурожаат қилиш орқали

ушбу фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усулларини қўллашни талаб қилиши мумкин.

Юрисдикциявий ҳимоя, ўз навбатида, икки кўринишда амалга оширилади: умумий (суд тартибида) ва махсус (маъмурий тартибда). Суд тартиби фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий шакли ҳисобланиб, истеъмолчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ва ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этишнинг энг самарали кафолати сифатида намоён бўлади. Маъмурий тартиб эса қонунчиликда бевосита назарда тутилган ҳолларда ваколатли давлат органлари томонидан ноқонуний рақамли рекламани тўхтатиш, уни бартараф этиш, мажбурий аксилреклама тарқатиш, жарима қўллаш ёки бошқа таъсир чораларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, рақамли маркетинг соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат давлат органлари фаолияти билан чекланмайди. Ноюрисдикциявий шакллар, жумладан, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар, шунингдек, истеъмолчининг мустақил равишда ҳуқуқбузарга талаб қўйиши, рақамли платформага шикоят юбориши ёки реклама мазмунини рад этишни талаб қилиши ҳам ҳуқуқларни самарали таъминлашга хизмат қилади.

Демак, рақамли маркетингда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари фақат моддий-ҳуқуқий воситалар йиғиндиси эмас, балки уларни амалга оширишнинг суд, маъмурий ва ноюрисдикциявий шакллари билан ўзаро узвий боғланган яхлит ҳуқуқий механизми ташкил этади. Айнан ушбу механизм рақамли муҳитда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусияти мазкур соҳада вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг қуйидаги икки мустақил гуруҳга ажратилиши орқали намоён бўлади:

Хусусий манфаатларни амалга оширишга қаратилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Мазкур муносабатлар истеъмолчиларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда уларни фуқаролик-ҳуқуқий воситалар орқали ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни қамраб олади.

Оммавий манфаатларни амалга оширишга қаратилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Ушбу муносабатлар давлат томонидан истеъмол бозорини тартибга солиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш, қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш, рақобат муҳитини муҳофаза қилиш ҳамда жамоат манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади⁵.

Шундан келиб чиқиб, рақамли маркетингда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари деганда қонунчиликда назарда тутилган ҳамда истеъмолчининг рақамли муҳитдаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш, ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни бартараф этиш ва рақамли платформаларнинг инсофли фаолиятини таъминлашга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий воситалар тизими тушунилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий манбалардан бирини Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 221-І-сон «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни⁶ ташкил этади. Мазкур Қонуннинг 4-моддасида истеъмолчининг асосий ҳуқуқлари сифатида товар (иш, хизмат) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товарни эркин танлаш, унинг сифатли ва хавфсиз бўлишини, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тўлиқ қопланишини талаб қилиш ҳамда суд ва бошқа ваколатли органларга мурожаат қилиш

ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Мазкур ҳуқуқлар рақамли маркетинг муносабатларида ҳам универсал ҳуқуқий кафолат вазифасини бажаради. Масалан, интернетда тарқатилаётган реклама ҳақиқатга мос бўлиши, истеъмолчини чалғитмаслиги, унинг эркин танловига ғайриқонуний таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Шунингдек, 221-І-сонли қонуннинг 5 ва 6-моддаларида ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчининг истеъмолчига ўз вақтида, зарур, тўғри ва тушунарли ахборот бериш мажбурияти белгиланган. Ҳуқуқий нуқтаи назардан мазкур нормалар рақамли маркетингдаги ахборот шаффофлиги тамойилининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Чунки электрон тижорат ва рақамли рекламада истеъмолчининг эркин танлови айнан унга тақдим этилган ахборотнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигига боғлиқ. Шу маънода мазкур нормалар таргетланган реклама, инфлюенсер маркетинги, маркетингплейслардаги маҳсулот тавсифи, электрон каталоглар ва рақамли оферталарга ҳам татбиқ қилиниши мумкин.

Хусусан, 221-І-сонли қонуннинг 7-моддаси рақамли маркетинг учун энг муҳим нормалардан бири ҳисобланади. Унда товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумот тақдим этилган тақдирда истеъмолчининг шартномани бекор қилиш, етказилган зарарни қоплаш ҳамда бошқа фуқаролик-ҳуқуқий талабларни қўйиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Айниқса, моддада нотўғри реклама натижасида истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги белгиланган. Бу қоида рақамли маркетингдаги ёлғон реклама, сохта шарҳлар, чалғитувчи маълумотлар, сохта чегирмалар, алгоритмик манипуляциялар ва бошқа алдовга асосланган рақамли маркетинг амалиётларига қарши фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоянинг муҳим ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Шунингдек, Қонуннинг 13–20-моддаларида нуқсонли товарлар, шартнома шартларининг бузилиши ва етказилган зарар ҳолатларида истеъмолчининг ҳуқуқлари батафсил тартибга солинган. Ушбу нормалар истеъмолчига товарни алмаштириш, нуқсонларни бепул бартараф этиш, нархни камайтириш, шартномани бекор қилиш, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш каби бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя воситаларини тақдим этади. Рақамли маркетинг шароитида мазкур ҳуқуқлар онлайн савдо платформалари, электрон маркетингплейслар, мобил иловалар ва масофавий шартномалар доирасида ҳам амал қилади.

Қонун таҳлили шуни кўрсатадики, унда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий моддий-ҳуқуқий кафолатлари шакллантирилган бўлса-да, рақамли маркетингнинг замонавий хавф-хатарлари етарли даражада ҳисобга олинмаган. Хусусан, алгоритмик реклама, шахсийлаштирилган таклифлар, сунъий интеллект орқали қарор қабул қилиш, чалғитувчи рақамли интерфейслар, таъсир кўрсатувчи шахслар орқали маркетинг, яширин реклама, сохта рейтинг ва шарҳлар, автоматлаштирилган нарх дискриминацияси каби муносабатлар мазкур Қонунда мустақил ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Нилуфар БАҲРОМОВА,

Тошкент давлат юридик университети Халқаро ва республика миқёсидаги тадбирларни мувофиқлаштириш бўлими ходими.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Deutch, S. (1994). Are consumer rights human rights? Osgoode Hall Law Journal, 32(3). Retrieved from <https://digitalcommons.osgoode.yorku.ca/cgi/viewcontent.cgi?article=1668&context=ohlj>
2. Щерстобитов, А. Е. Гражданско - правовые вопросы охраны прав потребителей. / А. Е. Щерстобитов. - М.: Изд. - во МГУ, 1993. С.36.
3. Шашкова Л.А. Права потребителей и их защита в Российской Федерации гражданско-правовыми средствами: дисс...канд. юрид. наук. - Ульяновск, 2004. - С.40.
4. Таскаев А. В. Права потребителей на надлежащую рекламу по гражданскому праву России: дисс... канд. юрид. наук. - М., 2004.
5. Саид-Ғазиева Н. Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. дисс. ... юридик фан. ном. Тошкент-2014. Б.41.
6. O'zbekiston Respublikasi Qonuni, 26.04.1996 yildagi 221-I-son <https://lex.uz/ru/docs/-4704>

ТЕРГОВ СУДЬЯСИГА ШИКОЯТ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИ: ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ, ЧЕГАРАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ *мазкур мақолада суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорлари ҳамда ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан тергов судьясига шикоят қилиш тизимидаги мавжуд норматив бўшлиқлар ва тизимли муаммолар очиб берилган. Мақолада илгор хорижий тажриба ва маҳаллий олимларнинг қарашлари қиёсий ўрганилиб, тергов судьясининг назорат ваколатларини кенгайтириш, адвокатларнинг илтимосномалари рад этилганда судга мурожаат қилиш механизмини яратиш ҳамда Жиноят-процессуал кодексига янги махсус боб киритиш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *тергов судьяси, суд назорати, судга қадар иш юритиш, шикоят қилиш институти, процессуал ҳаракатсизлик, ҳимоячи ваколатлари, тортишувчанлик принципи, процессуал муддатлар.*

Жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида давлат мажбурлов чораларини қўллаш устидан кучли назорат механизмини ўрнатиш бугунги куннинг энг долзарб талабларидан бирига айланган¹. Мамлакатимизда суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини кафолатлаш ҳамда халқаро эътироф этилган “Habeas Corpus” институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш мақсадида изчил ва тизимли ишлар олиб боришмоқда. Суд назорати жиноят ишини тергов қилиш жараёнида тергов органларининг ўзбошимчалигига чек қўйиш ва шахснинг дахлсизлигини кафолатловчи муҳим процессуал институт саналади².

Айнан жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд томонидан ишончли таъминлаш мақсадида юртимизда жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судларида тергов судьяси лавозими жорий этилди.

Янги қонунчиликка асосан тергов судьясининг ваколатлари шахснинг дахлсизлик, ҳаракатланиш ва мулк ҳуқуқларини чекловчи энг оғир мажбурлов чораларини қамраб олади. Бугунги кунда қамоққа олиш, тинтув ўтказиш, ёзишмаларни хатлаш ва бошқа мажбурлов чоралари қўллаш бўйича илтимосномалар бевосита тергов судьяси томонидан кўриб чиқилмоқда. Ушбу ўзгаришлар жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашда катта қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 27-моддасида процесс иштирокчиларининг процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи умумий тарзда мустақамланган. Ушбу қонун нормасига мувофиқ, манфаатдор шахслар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидирлар. Бироқ, қонунчиликда судга қадар бўлган босқичда мазкур шикоятларни бериш шакли, муддатлари ва уларни тергов судьяси томонидан кўриб чиқишнинг аниқ механизмлари тизимли равишда тўлиқ очиб берилмаган. Бу эса амалиётда шикоятларни кўриб чиқишда турлича талкинлар ва тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиб, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келмоқда. Шу сабабли амалдаги процессуал қонунчиликни чуқур таҳлил қилиш ва ундаги зиддиятларни бартараф этиш йўллари излаш талаб қилинади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка асосан прокурор жиноят процессида энг катта ваколатларга эга бўлган марказий субъектлардан бири ҳисобланади. Прокурор ҳам

дастлабки терговга раҳбарлик қилади, ҳам қонунлар ижроси устидан назорат функциясини бир вақтнинг ўзида амалга оширади. Бу эса терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, терговчи ва суриштирувчиларнинг ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар аксарият ҳолларда прокурор томонидан объектив кўриб чиқилмаслиги ҳолатларига олиб келмоқда. Шу сабабли, бугунги кунда мазкур шикоятларни кўриб чиқиб ҳал этиш механизмга мустақил ва холис суд ҳокимияти (тергов судьяси)ни ҳам кенг жалб этиш, яъни прокурор назорати билан бир қаторда муқобил суд тартибидеги назорат тизимини ривожлантириш эҳтиёжи вужудга келди. Бу эса тергов жараёнида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишни халқаро стандартларга мослаштиришнинг муҳим шартидир.

Бугунги кунда юртимизда тергов судьяси томонидан шахснинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги илтимосномалар кўриб чиқилмоқда ва бу оператив суд назоратининг асосий институти ҳисобланади³. Мазкур жараёнда тергов судьясининг ваколат доираси шунчаки жиноят-процессуал нормаларининг шаклий (формал) талабларига риоя этилганлигини кузатиш билан чекланмайди. Зеро, суд назоратининг асл моҳияти суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан тақдим этилган қарорлар ҳамда уларга илова қилинган материалларнинг объектив асослантирилганлигини ва мутаносиблик тамойилларига мувофиқлигини чуқур ҳуқуқий баҳолашни талаб этади.

Бу ўринда суд назоратининг процессуал чегарасини аниқ белгилаб олиш лозим: тергов судьясининг институционал вазифаси жиноят ишини мазмунан (моҳиятан) ҳал қилиш ёки шахснинг айбдорлиги тўғрисида узил-кесил ҳулосага келиш эмас, балки суриштирувчи ёки терговчининг муайян процессуал ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги қарорининг қонунийлиги, асослилиги ва зарурлигини текшириш орқали судга қадар босқичда инсон ҳуқуқлари тизимининг самарали ҳимоясини таъминлашдан иборатдир.

Судга қадар иш юритиш босқичида ҳимоячи ваколатларини кенгайтириш ва унинг жиноят процессидаги ролини фаоллаштириш бевосита тергов судьяси назорати доирасини кенгайтириш билан боғлиқ. Амалиётда ҳимоячининг исбот қилиш жараёнидаги иштироки, хусусан, далилларни тўплаш ёки эксперт ҳулосаларини олишга қаратилган ҳаракатлари дастлабки тергов органининг мутлақ ихтиёрига боғланиб қолган. Терговчи айблов позициясида тургани

сабабли, ҳимоя томонининг вазларини объектив текширишдан шахсан манфаатдор бўлмайди. Ҳимоячи бундай асоссиз рад қарорлари устидан тезкорлик билан судга шикоят қила олмаса, процессуал тенглик ва тортишувчанлик тамойиллари бузилади. Амалиётда ҳимоячининг шикоятларига беписандлик ва ўз вақтида жавоб бермаслик адвокатура институтининг нуфузига салбий таъсир кўрсатади. Бундай тизимли муаммолар судга қадар иш юритиш босқичида адвокатларнинг фаоллигини ошириш учун қонунчилик механизмларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Ушбу тизимли муаммони бартараф этиш ва процессуал мутаносибликни таъминлаш мақсадида, адвокатларнинг қонуний илтимосномалари суриштирувчи ёки терговчи томонидан рад этилган тақдирда, уларга ушбу қарор устидан бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқини ЖПК нормаларида қатъий белгилаб қўйиш тақозо этилади. Бу механизм жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда нафақат давлат органлари, балки ҳимоя тарафининг ҳам имкониятларини тенглаштирувчи энг самарали институтга айланади.

Судга қадар бўлган босқичда тортишувлик муҳитини яратиш учун тергов судьясига ҳимоя томонининг рад этилган илтимосномаларини ҳолисона кўриб чиқиш ва терговчининг зиммасига зарур тергов ҳаракатларини (экспертиза тайинлаш, гувоҳларни сўроқ қилиш ва ҳ.к.) ўтказиш мажбуриятини юклаш ҳақида ажрим чиқариш ҳуқуқи берилиши лозим. Суднинг мажбурий қарори ушбу жараёнга татбиқ этилиши эса адвокатуранинг суриштирув ва тергов органлари билан тенг ҳуқуқли субъект сифатида намоён бўлишини таъминлайди.

Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига сабаб бўлаётган яна бир қатор тизимли муаммолар мавжуд. Хусусан, тергов органларида иш ҳажмининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши ва ходимларнинг хизмат фаолиятига асосан жиноятчилик статистикасига қараб баҳо берилиши жиддий нуқсондир⁴. Бундай ёндашув терговчиларни жиноятни ҳар қандай усул билан бўлса-да тезроқ фош этишга ва айблаш позициясига оғиб кетишга ундайди. Натижада жараён иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқларини чеклаш ҳолатлари кўпаяди ва фуқароларнинг асосли шикоятлари юзага келади.

Суд-тергов амалиётида шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида учрайдиган яна бир муаммо бу сансалорлик ва қоғозбозликнинг ҳамон сақланиб қолаётганлигидир. Фуқаролар томонидан тергов органларининг ҳаракатлари устидан берилган шикоятлар кўпинча ўша ҳаракатни амалга оширган идоранинг ўзига ёки юқори турувчи прокурорга юборилади. Прокурор томонидан ушбу шикоятларни кўриб чиқишда баъзан идоравий манфаатлар устунлик қилиб, шикоятлар асоссиз равишда рад этилиши кузатилмоқда. Бу эса жиноят процесси иштирокчиларининг давлат органларига ва одил судлов тизимига бўлган ишончини кескин пасайтиради. Шикоятларни мустақил ва ҳолис суд томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаслиги натижасида бузилган ҳуқуқларни тезкорлик билан тиклаш имконияти йўқолмоқда. Ушбу муаммони бартараф этиш учун судга қадар бўлган босқичда шикоятларнинг тергов судьяси томонидан кўриб чиқилишини таъминлаш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида судга қадар босқичдаги суд назоратининг функционал имкониятлари муайян даражада чекланган бўлиб, у асосан шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи процессуал мажбурлов чораларини санкциялаш шаклида намоён бўлмоқда. Дастлабки тергов ва суриштирув органларининг деярли барча процессуал қарорлари ва ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) устидан назорат функцияси ҳанузгача фақат прокурор назорати доирасида сақланиб қолган. Хусусан, жиноят ишини кўзга тиши рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш (ёхуд тугатишни рад этиш) тўғрисидаги қарорлар устидан тўғридан-тўғри тергов судьясига мурожаат қилиш ва ушбу шикоятларни суд мажлисида тортишувчанлик муҳитида кўриб чиқишнинг процессуал механизми амалиётда шаклланмаган.

Тергов судьясининг ваколатларини кенгайтириш ва судга қадар бўлган босқичда тарафлар шикоятларини кўриб чиқишни тартибга солиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексига “Судга қадар иш юритишда мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш” – деб номланган янги махсус бобни киритиш зарурияти вужудга келган, деб ҳисоблаймиз. Ушбу бобда нафақат процесс иштирокчилари, балки судга қадар бўлган босқичда манфаатларига путур етган учинчи шахсларнинг ҳам судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланиши лозим. Шикоят қилиш предмети сифатида нафақат ноқонуний қарорлар, балки мансабдор шахсларнинг “ҳаракатсизлиги” ҳам аниқ белгиланиши шарт. Ҳаракатсизлик – бу шахс бажариши шарт бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслиги натижасида инсон ҳуқуқларининг бузилишидир⁵. Масалан, аризани рўйхатга олмаслик ёки илтимосномаларни кўриб чиқмаслик устидан бевосита судга шикоят қилиш механизми жорий этилиши керак.

Шикоятларни кўриб чиқишнинг аниқ ва қисқа муддатларини белгилаш процессуал сансалорликнинг олдини олади. Ноқонуний қарор устидан шикоятни у билан танишган кундан бошлаб беш кунлик муддат ичида бериш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Судда шикоятларни кўриб чиқиш шакли тарафларнинг тортишуви ва тенглиги тамойилларига тўлиқ асосланиши лозим. Жараён одатда очик суд мажлисида ўтказилиши, фақат истисно ҳоллардагина ёпиқ мажлисга рухсат берилиши кафолатланиши керак. Бундай шаффоф механизм фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инсон қадр-қиммати фақатгина кучли ва фаол суд назорати орқалигина тўлақонли кафолатланади.

Баъзи хорижий давлатларнинг (масалан, Қозоғистон, Украина) шикоят қилиниши лозим бўлган қарор ва ҳаракатларга оид жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил қилиб, у ерда ҳам қонун чиқарувчи дастлабки тергов босқичида суд тартибида шикоят қилиниши лозим бўлган муайян қарорлар, ҳаракатлар ва ҳаракатсизликлар рўйхатини чеклаб қўйилмаганлиги ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Масалан, Қозоғистон Республикаси ЖПКга мувофиқ, “судга терговни амалга оширувчи шахс – прокурор, суд ёки судьянинг қарорлари ва ҳаракатлари” устидан шикоят қилиниши мумкин⁶.

Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, қонунчиликда муайян чекловлар бўлмаса, судгача бўлган босқичда фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни амалга ошириш имконсиз бўлади. Шу сабабли, келгусида Жиноят-процессуал кодексида судгача бўлган босқичда шикоят предмети бўла олмайдиган ҳолатларни ҳам аниқ белгилаб қўйиши лозим.

Биринчидан, суриштирувчи ёки терговчининг далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган бирор-бир муайян тергов ҳаракатини – масалан, тергов эксперименти, экспертиза тайинлаш, юзлаштириш ёки ҳодиса жойини кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисидаги қарорлари устидан берилган шикоятларни рад этиш лозим бўлади. Зеро, жиноят-процессуал қонунчилиги (ЖПКнинг 36 ва 38¹-моддалари) талабларига мувофиқ, терговчи ва суриштирувчи жиноий таъқибни амалга оширувчи процессуал жиҳатдан мустақил мансабдор шахслар ҳисобланади. Улар жиноят иши бўйича дастлабки терговнинг йўналиши ва тактикасини мустақил белгилаш, шунингдек, далилларни тўплаш воситалари, муайян тергов ҳаракатларини ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда усулларини бевосита танлаш эксклюзив ҳуқуқига эга. Судга қадар бўлган босқичда тергов органининг жиноят ишини юритиш тактикаси доирасида у ёки бу тергов ҳаракати ўтказилишини чеклаш ҳақида тергов судьясига шикоят қилиниши ва суднинг бу жараёнга аралашуви дастлабки тергов органининг мустақиллигига путур етказиши ҳамда суд ҳокимиятининг ҳолислик ва бетарафлик мақомини хавф остида қолдиради.

Иккинчидан, жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичдаги ваколатли мансабдор шахслар томонидан жиноят ишини ёки жиноий таъқибни тарафларнинг ярашганлиги ёхуд амнистия актини қўллаш асосларига кўра тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарорлари тергов судьяси томонидан амалга ошириладиган суд назоратининг предметини ташкил этмаслиги лозим. Мазкур тоифадаги процессуал қарорларнинг қонунийлиги ва асослилиги кейинчалик жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ишни мазмунан кўриб чиқиш жараёнида комплекс ҳуқуқий баҳоланиши боис, бир процессуал ҳужжат устидан параллел равишда ҳам тергов судьяси, ҳам мазмунан иш кўрувчи суд томонидан такрорий назорат юритилиши процессуал тежамкорлик ва функционал мутаносиблик принципларига зид ҳисобланади.

Учинчидан, суриштирувчи ёки терговчининг шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги процессуал қарорлари тергов судьяси томонидан амалга ошириладиган суд назоратининг предмети ҳисобланмаслиги зарур. Зеро, шахсга қўйилган айбловнинг асослилиги, далилларнинг етарлилиги ва шахснинг айбдорлиги ёки айбсизлиги масаласига ҳуқуқий баҳо бериш - ишни мазмунан кўриб чиқувчи суднинг мутлақ ваколати доирасига кирилади. Агар судга қадар бўлган босқичда тергов судьяси айблов эълон қилиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлигини текширишга киришса, у аслида жиноий таъқиб органининг функциясини бажаришга ёки бўлажак суд ҳукмини олдиндан белгилаб қўйиш хавфини юзага келтиради. Тергов органининг бу борадаги ҳатолари жиноят ишини мазмунан кўриш босқичида бартараф этилиб, шахснинг қонунсиз жиноий таъқибга учрагани аниқланган тақдирда, унга нисбатан жиноят-процессуал қонунчилигида белгилан-

ган тўлиқ реабилитация институти ва етказилган зарарни қоплаш механизмлари қўлланилади.

Бу борада Россиялик ҳуқуқшунос олим В.Б.Малининнинг фикрига эътибор қаратиш лозим. Унга кўра “суд жиноят иши бўйича суд муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин бўлган масалаларни олдиндан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас”⁷.

Мазкур назарий қарашлар замирида жиноят процессидаги муддатидан олдин ҳуқуқий баҳо беришни истисно этиш концепцияси ётади. В.Б.Малининнинг ушбу позициясини шарҳлаган ҳолда айтиш мумкинки, агар судга қадар бўлган босқичда тергов судьяси шахсга нисбатан қўйилган айблов ёки гумоннинг мазмунан тўғри ёки нотўғри эканлигини текширишга киришса, у ўзи билмаган ҳолда жиноят ишини келгусида мазмунан кўрувчи суднинг ваколат доирасига дахл қилади. Натижада тергов судьясининг ҳулосаси келгусида ишни асосий суд муҳокамасида кўрадиган судья учун ўзига хос “психологик ва ҳуқуқий чегара” (прецедент) яратиб қўяди, бу эса жиноят процессидаги энг олий тамойил - суднинг мустақиллиги ва ҳолислиги принципини хавф остида қолдиради.

Тергов судьясининг вазифаси терговнинг асосий мазмуни ва айбловнинг моҳиятини тафтиш қилиш эмас, балки тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг процессуал жиҳатдан бузилмаганлигини таъминлаш билан чекланиши лозим. Шахснинг айбдорлиги масаласи каби асосий баҳслар эса, фақат тортишувлик принципи тўлиқ таъминланадиган асосий суд мажлисининг предмети бўлиб қолиши шарт.

Ҳулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ишни судга қадар юритиш босқичида конституциявий ҳуқуқларни чекловчи қарорлар устидан берилган шикоятларни суд томонидан кўриб чиқилиши давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатининг ажралмас ва муҳим қисмидир. Шикоятларнинг мустақил судья томонидан кўриб чиқилиши тергов органларининг масъулиятини оширади ва турли хил суиистеъ-молчиликларнинг барвақт олдини олади. Ушбу тизимнинг самарали ишлаши фуқароларнинг давлат ислохотларига ва одил судловга бўлган ишончини юқори босқичга кўтарди.

Зафаржон ОМОНОВ,

Одил судлов академияси ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мамадиев С.Н. Жиноят процессининг судгача босқичларида мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш: Юридик фанлар номзоди диссертацияси автореферати. Тошкент, 2011. Б.37-39.
2. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати монография. – Тошкент: Судьялар олий мактаби, 2020. Б.23-26.
3. Рыжих А. Н. Полномочия суда на досудебных стадиях уголовного процесса : автореферат. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2008. – С. 36-37.
4. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш: Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б. 235-236 (Амалийотчи ходимлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари асосида).
5. Чеджемов З. Т. Роль суда в обеспечении прав и свобод граждан на досудебном производстве по УПК РФ : автореферат. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 156.
6. Қозоғистон Республикаси ЖПК 100-моддаси. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852.
7. Малинин В. Б. Проблемы применения ст. 125 УПК РФ // Вестник института. 2012. № 2. – С. 47–50.

ОИЛАДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Оила тушунчаси ижтимоий ва ҳуқуқий маъноларга эга. Ижтимоий жиҳатдан бу тушунча остида никоҳ ёки қариндошлик негизида шахсий номулкӣ ва мулкӣ муносабатларга эга, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда болаларни тарбиялаш асосида узвий боғлиқ бўлган шахслар тушунилади.

Ҳуқуқий жиҳатдан оила институти деганда эса никоҳ, қариндошлик, фарзандликка олиш, патронат ёки болаларни тарбияга олишнинг бошқа шакллари (ҳомийлик, васийлик) туфайли юзага келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахслар доираси тушунилади. С.Гришаев ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтганидек, ижтимоий маънода оила никоҳ тугаши билан бекор бўлиши мумкин, аммо ҳуқуқий жиҳатдан тугамайди (мисол учун, эр-хотин аллақачон ажрашиб, бирга яшамаса ҳам, ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари сақланиб қолиши мумкин).

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик соҳасидаги оила тушунчаси юридик жиҳатга яқин ва узвий боғлиқ бўлиб, ушбу тушунча остида никоҳ, қариндошлик, болани фарзандликка олиш (асраб олиш ёки боқиб олиш), васийлик, ҳомийлик, патронат каби шакллardan вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахслар доираси тушунилиши керак.

Маълумки, оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар доирасидаги муаммолар ўзининг кўп қирралиги билан ажралиб туради. Бу борадаги муаммоларни ўрганиш айниқса бугунги кунда ўта долзарб масала ҳисобланади. Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар уларнинг мураккаблиги, содир этилиши усуллари, вақти, турли-туманлиги, кенг ёйилганлиги ва шахсга қаратилганлиги билан бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади.

Оила доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг кўпчилигида жабрланувчилар ўзларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмайди. Мисол учун, тўсатдан юзага келган хавфни бартараф этишда оила аъзосининг ожиз аҳволида эканлиги унинг жабрланувчи бўлишига шароит яратди. Бу ҳолат жиноят содир этилишига кўмаклашувчи вазифани ўтайди.

Оила-турмуш соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳалла ўртасидаги тизимли, самарали ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Маҳалла жамоатчилиги назорати, ижтимоий-маънавий таъсир ва барвақт профилактика ишларининг биринчи бўлини ташкил этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эса ҳуқуқий чоралар, маъмурий ва жиноий жавобгарлик механизмларини қўллайдди.

Ушбу ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5938-сон фармони (2020 йил 18 февраль), “Обод ва хавфсиз маҳалла” концепцияси, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.02.2020 йилдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институти янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли фармонининг асосий мақсади аҳоли осойишталигини таъминлаш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нурунийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш эканлиги белгиланиб, тегишли чора-тадбирлар қайд этилган.

Шунингдек, маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиш тизими жорий қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2013 йилдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида (Фуқаролар йиғинининг ваколатлари) маҳалла фаоллари фуқаролар йиғини ҳудудида оила-турмуш тарзида содир бўладиган ҳуқуқбузарликлар, яъни хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд бундай тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлашда, шунингдек бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида бевосита иштирок этиши белгиланган.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда эса профилактиканинг асосий вазифалари қайд этилган бўлиб, унга кўра: шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш; ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш; ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, уни содир этишга мойил бўлган ёки содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш; жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш белгиланган.

Оила муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра – жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга бўлиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. (МЖТКнинг 10-моддаси).

Жиноий ҳуқуқбузарлик эса Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдидини пайдо қиладиган ҳолатлардир (ЖКнинг 14-моддаси). Улар мисолида ҳаётга, соғлиққа қарши ва бошқа шу каби жиноятларни кўрсатиш мумкин. Шу ўринда, бу каби жиноятларда назарда тутилган маъмурий преюдицияли ҳуқуқбузарликлар ҳам улар қаторида бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш энг муҳим криминалогик институтлардан бири сифатида уни содир этган шахсга бевосита таъсир қилиш билан чекланадиган ҳуқуқбузарликлар оқибатларига қарши курашишдан кўлама анча кенг бўлган жараёндир.

Замонавий қарашларга кўра, олдини олиш чораларининг икки даражали тизимидан фойдаланилади, яъни аҳолининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган умумий чора-тадбирлар мажмуидан иборат умумий ижтимоий даража, ҳамда бевосита жиноятлар сабаблари ва шароитларига йўналтирилган махсус криминалогик даража.

Бирок, уч даражали ёндашув нисбатан кўпроқ урф бўлган:

1. Умумиҷтимоий (бутун ҷамият даражасида амалга оширилади);

2. Ғуруҳли (турли ғоялар остида бирлашган ғуруҳларга қаратилади);

3. Индивидуал (объект – маълум бир шахс), у ўз навбатида қуйидаги турларга бўлинади: а) эрта профилактика; б) бевосита профилактика; в) жиноятлар профилактикаси; д) рецидивлар профилактикаси.

Оилага қарши ва унда вужудга келадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг барча таркибий элементлари, шунингдек олдини олиш чораларини амалга ошириш даражалари, фикримизча, умумий стратегияда, яъни ушбу турдаги ҳуқуқбузарликни имкон қадар қамайтириш мураккаб мақсадига эришиш усули сифатида узоқ вақтга мўлжалланган, умумий, деталлашмаган режасида бирлаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги "Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2896-сонли қарорига кўра профилактика инспекторларининг энг муҳим вазифалари сифатида профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик ҷамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлашга, ҷамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш белгиланган.

Шу жиҳатдан, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликка сабаб бўлувчи шахснинг ўзига хос хусусиятларини, яъни, оила-турмуш муносабатлари доирасида иштирок этувчиларнинг ёши, жинси, оиладаги мавқеи, тажовузорлиги, руҳий ҳолати, алкоголь, ғиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи, муқаддам судланганлиги, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишни истамаслиги, лоқайдлиги, қиморбозлиги, хотинбозлиги, енгил табиатлиги, агрессив ҳулқ-атвори ва ҳ.к. ўрганиб бориши зарур ҳисобланади.

Ўз фаолиятини олиб боришда профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган маҳалла ҳудудларидаги фаоллар билан биргаликда "носоголом оила"ларни ўрганиш, уларнинг қоралама рўйхатини шакллантирган ҳолда, ҳафталик ва ойлик профилактик суҳбатлар ўтказиб туриш, уларнинг салбий хатти-ҳаракатлари оқибатида ҳуқуқбузарлик келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш, бу каби ҳаракатларда хонадонма-хонадон ҳаракатланиб, дин пешволаридан фойдаланиб, анъанавий дин, урф-одат ва қонунчилик талаблари асосида профилактик суҳбатлар ҳам яқка ҳам умумий шаклларида ўтказиб бориш зарур ҳисобланади.

Оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар куч ишлатиш орқали оила аъзоларини қасддан қалтаклаш, ҳўрлаш, ҳақорат ёки тўхмат қилиш ҳамда унинг руҳий саломатлигининг бузилиши ва кадр-қимматига зарар етказилишида намоён бўлади.

Бундан ташқари, шуни унутмаслик лозимки, инсон ҳулқ-атворининг шаклланиши, кўп жиҳатдан оиладаги муҳит таъсирига боғлиқ бўлиб, болаларнинг катталарга тақлид қилиши асосида ривожланиб боради. Оила қанчалик тартибли, унинг аъзолари ўртасидаги муносабат самимий бўлса, оила тарбияси ҳам шунчалик муваффақиятли бўлади.

Худди шу жиҳатдан, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлик асосида оилада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида олиб борадиган ҳаракатлари ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

Ўз ўрнида оила-турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактикаси бўйича алоҳида ҳуқуқбузарликлар турларини ҳисобга олган ҳолда бир қатор қуйидаги индивидуал профилактик чораларни тақлиф қилиш мумкин:

1) Оилада нормал ҳаёт бузилишининг (вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсиз шахсларни таъминлашдан бўйин товлаш, кўп хотинли бўлиш, никоҳ ёшига етмаган шахс билан турмуш қуриш, аёлни эрга тегишга мажбурлаш ёки бунга тўсқинлик қилиш) олдини олиш учун барча ҷамоат бирлашмаларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек ички ишлар идоралари саъй-ҳаракатларининг профилактика объектига таъсирини максимал даражада ошириш мақсадида бирлаштириш зарур.

2) профилактик суҳбат амалга оширадиган шахслар зарур психологик ва педагогик билимларга эга бўлишлари керак. Ҳар бир суҳбатни ўтказиш муайян вазифани ҳал қилиш мақсадини кўзлаши шарт: ҷабрланувчининг виктим хатти-ҳаракатлари сабабларини аниқлаш; ҷабрланувчи ва жиноий қилмиш содир этган шахс томонидан ҳам ўз хатти-ҳаракатларини қайта кўриб чиқиш; ҷабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари ва воситалари ёки жиноят содир этган шахсга таъсир қилиш имкони тўғрисида ҳабардор қилиш ва ҳ.к.

3) ҷамиятнинг бўлаги бўлган оилалар билан фаол ишлайдиган маҳалла фаоллари вакили ва профилактика инспекторларининг малакасини мунтазам ошириб бориш зарур.

Ана шундай кенг кўламли тадбирлар ўз ўрнида амалга оширилса барча учун муқаддас саналган оилалар мустаҳкам бўлади ва оилада содир этиладиган жиноятлар сони кескин камаяди.

Камола МИРШАЕВА,

Одил судлов академияси

Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш

бўлими бош мутахассиси,

ю.ф.ф.д.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гришвеев С.П. Постатейный комментарий к Семейному кодексу Российской Федерации. 2-е изд. перераб. и доп. Подготовлен для системы "Консультант Плюс", 2017. – С.168. Доступ из справ.-правовой системы "Консультант Плюс".
2. Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
3. Теоретические основы предупреждения преступности на современном этапе развития российского общества / под общей ред. Р.В.Журбина, - М.: "Проспект", 2016. 656с.
4. О.В. Старков. Роль криминальной ситуации в бытовых насильственных преступлениях. Автореф. дисс. ... к.ю.н.: 12.00.08. - М., 1981. – С.12.

РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада акс эттириш назарияси ва рақамли (виртуал) из концепцияси негизда рақамли далилнинг гносеологик табиати очиб берилган, унинг олти та доктринал белгиси ва улардан келиб чиқувчи методологик оқибатлар тизимлаштирилган. “Асл нусха – криминалистик нусха” дихотомияси таҳлил этилиб, далил яхлитлигини хеш-функция орқали таъминлашнинг назарий асоси ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли далил, рақамли (виртуал) из, акс эттириш назарияси, волатиллик, криминалистик нусха, хеш-функция, жонли криминалистика, ISO/IEC 27037.

Жиноий хатти-ҳаракатларнинг рақамли муҳит доирасига ўтиши криминалистика назарияси ва амалиёти учун сифат жиҳатидан янги вазифани келтириб чиқарди. Асрлар давомида моддий изларни излаш, қайд этиш ва баҳолашга мослашган илмий билиш методологиясини моҳият-мазмунан ўзгача табиатга эга объект — рақамли ахборот муҳити билан ишлашга мослаштириш объектив заруратга айланди.

Ушбу жараён Ўзбекистон қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Президентнинг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон қарори ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда такомиллаштириш вазифасини белгилаб берди. Ушбу сиёсатнинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли қонуни рақамли далилларни жиноят-процессуал қонунчиликка мустақил институт сифатида киритди. Шу тариқа миллий ҳуқуқ тизимида рақамли исботлашнинг норматив пойдевори яратилди.

Бироқ ҳар қандай ҳуқуқий институтнинг самарали амал қилиши унинг замирида ётувчи назарий асосларнинг ишлаб чиқилганлик даражасига бевосита боғлиқ. Рақамли далилнинг мақбуллиги ва ишончилиги масаласи ортида унинг табиатини илмий англаш муаммоси ётади: далил нима эканини билмасдан туриб, у билан қандай ишлашни белгилаб бўлмайди. Шу боис қонунчилик янгиликларини ҳаёт-

га татбиқ этиш аввало назарий-методологик асосни талаб этади.

Р.С.Белкин асослаганидек, ҳар қандай жиноят объектив воқеликда из қолдиради ва криминалистиканинг предметини айнан ана шу акс этиш қонуниятлари ташкил этади. Анъанавий изда акс этиш физик-моддий шаклда намоён бўлса, рақамли изда у ахборот тизими ҳолатининг ўзгаришида, файллар, журнал ёзувлари ва мета-маълумотларда рўй беради. Шу асосда В.А.Мещеряков рақамли изни моддий ва идеал излар ўртасидаги мустақил, “виртуал” категория сифатида таърифлайди ҳамда у моддий ташувчида мавжуд бўлса-да, бевосита идрок этилмайди ва фақат дастурий-техник восита орқали маъно касб этади, дейди. Ушбу ёндашув Е.Р.Россинская илмий мактабининг криминалистик фаолиятнинг ахборот-компьютер таъминоти назариясида тизимли ривожлантирилди, В.Ю.Агибалов эса виртуал изларнинг процессуал расмийлаштирилиши хусусиятларини очиб берди. Мазкур қарашлар мажмуи рақамли далилни ашёвий далилнинг тури эмас, балки алоҳида методологик режим талаб этувчи мустақил билиш объекти сифатида квалификация қилиш имконини беради.

Рақамли далилнинг криминалистик табиати олти доктринал белгида намоён бўлади ва уларнинг ҳар бири тергов амалиёти учун муайян методологик оқибатни келтириб чиқаради:

Биринчидан, рақамли ахборот виртуал хусусиятга эга бўлиб, у инсон сезги аъзолари билан бевосита идрок этилмайди, фақат аппарат-дастурий воситалар орқали “кўринади”. Шу боис мутахассис иштироки бундай далил билан ишлашда факультатив эмас, балки конститутив шартга айланади;

Иккинчидан, рақамли ахборотнинг бир қисми волатил, яъни ўткинчи табиатга эга: тезкор хотирадаги маълумотлар, фаол тармоқ уланишлари тизим ўчирилиши билан изсиз йўқолади. Бу эса далилларни тизим ишлаб турган ҳолатда қайд этишга йўналтирилган “жонли криминалистика” протоколларини қўллашни тақозо этади;

Учинчидан, рақамли ахборот ўта ўзгарувчан бўлиб, сониялар ичида изсиз модификация қилиниши мумкин. Шунинг учун унинг яхлитлигини объектив назорат қилиш механизми (хеш-қиймат орқали қайд этиш) зарурий талабга айланади;



Тўртинчидан, рақамли ахборот сифат йўқотмасдан айнан нусхаланади. Айнан шу хусусият тадқиқотни асл ташувчида эмас, балки криминалистик нусхада ўтказиш стандартини илмий асослайди;

Бешинчидан, рақамли далил тарқоқ жойлашуви билан ажралиб туради: ягона далил бир вақтнинг ўзида бир нечта қурилмада ва "булутли" сақлагичларда мавжуд бўлиши мумкин. Бу ҳолат "асл нусха" тушунчасининг анъанавий ҳудудий боғлиқлигини йўққа чиқаради;

Ниҳоят, олтинчидан, рақамли объект мета-ахборийлик хусусиятига эга — у ўзи ҳақидаги хизматчи маълумотларни (яратилган вақти, ўзгартирилган санаси, муаллифи ва ҳ.к.) ўзида сақлайди. Бир томондан, бу далилнинг диагностик потенциалини сезиларли оширади, иккинчи томондан, мета-маълумотларнинг ўзи ҳам сохталаштирилиши мумкинлиги уларга танқидий ёндашувни талаб қилади.

Юқорида санаб ўтилган белгилардан "асл нусха – криминалистик нусха" зидлиги алоҳида назарий аҳамият касб этади. Анъанавий далил ҳуқуқида "асл" тушунчаси объектнинг моддий якка-ягоналигига таянса, рақамли муҳитда ташувчи ва ахборот бир-биридан нисбатан мустақил бўлганлиги боис криминалистик аҳамият муайян физик жисмга эмас, ундаги ахборотнинг ўзгартирилмаган ҳолатига кўчади.

Шу сабабли замонавий рақамли криминалистикада исботлаш жараёнининг асосий объекти яхлитлиги математик тасдиқланган айнан нусха криминалистик нусха ҳисобланади. Яхлитлиқнинг ўзи хеш-функция орқали таъминланади, асл ташувчи ва нусхадан ҳисобланган хеш-суммаларнинг (SHA-256 ва шу каби алгоритмлар бўйича) мослиги айнан ўхшашликни объектив, тақрорланувчан ва мустақил текширилувчан тарзда исботлайди. Ушбу механизм моҳиятан далил яхлитлиги талабининг рақамли соҳага трансформацияси бўлиб, у ISO/IEC 27037 халқаро стандартида рақамли далилларни аниқлаш, йиғиш, олиш ва сақлашнинг умумэтироф этилган қондаси сифатида мустаҳкамланган.

Юқоридаги таҳлил эксперт иш юритишининг тўртта методологик тамойилини асослаш имконини беради.

Биринчи тамойил — изоляция. Рақамли ахборотнинг бир қисми ўткинчи табиатга эга ва масофадан туриб ўзгартирилиши мумкин. Шу боис қурилма аввало тармоқдан узилиши ва зарур ҳолларда электромагнит ҳимоя воситасига жойлаштирилиши лозим, акс ҳолда далил экспертга етиб боргунга қадар ўзгариб ёки йўқолиб кетиши мумкин.

Иккинчи тамойил — асл ташувчи билан бевосита ишламаслик. Барча тадқиқот ҳаракатлари асл қурилмада эмас, балки ундан олинган криминалистик нусхада ўтказилади. Бу асл ҳолатни ҳар қандай тасодифий ўзгаришдан сақлайди.

Учинчи тамойил — яхлитлиқни математик ҳужжатлаштириш. Ишнинг ҳар бир босқичида ахборотнинг хеш-суммаси қайд этиб борилади. Хеш-қийматлар-

нинг мослиги маълумот ўзгармаганини объектив, инсон гувоҳлигига боғлиқ бўлмаган усулда исботлайди.

Тўртинчи тамойил — ҳаракатларнинг узлуксиз ҳужжатлаштирилиши. Далилни ким, қачон, қандай восита билан олгани ва у билан қандай ишлагани босқичма-босқич қайд этилади. Шу тариқа далилнинг олиншидан то судгача бўлган бутун "хаёт йўли" кузатувчан бўлиб қолади.

Ушбу тамойилларнинг аҳамияти шундаки, уларнинг бузилиши далил ишончилигини айнан тадқиқотдан аввалги босқичдаёқ қайтмас тарзда йўққа чиқаради. Бошқача айтганда, далил нотўғри олинган ёки сақланган бўлса, кейинчалик қўлланадиган энг мукамал эксперт методикаси ҳам бу нуқсонни бартараф эта олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли далил анъанавий ашёвий далилнинг шунчаки "электрон кўриниши" эмас. У ўзига хос табиатга эга мустақил криминалистик объектдир. Бундай далилни оддий кўз билан кўриб бўлмайди, у тез йўқолади ва осон ўзгартирилади, айти пайтда сифат йўқотмасдан айнан нусхаланади ҳамда бир вақтнинг ўзида бир нечта жойда сақланиши мумкин. Ана шу хусусиятлар далил ишончилигини баҳолашга бўлган қарашни ҳам ўзгартиради. Шу билан бирга, ишончилиқ далил сақланган қурилманинг "ягоналигига" эмас, балки ундаги ахборот ўзгармаганлигининг математик исботига таянади.

Демак, рақамли далиллар билан ишлаш услубияти назария ва амалиёт ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Далилнинг табиатини қанчалик чуқур англасак, унинг суддаги тақдири шунчалик мустаҳкам бўлади. Бу эса пировардида одил судлов сифатининг илмий кафолатига хизмат қилади.

Саидолим НУРИДДИНОВ,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" - ги ЎРҚ-1003-сонли қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/7228758>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги "Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-122-сон қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/ru/docs/5851527>
3. Белкин Р.С. Курс криминалистики: В 3 т. Т. 1: Общая теория криминалистики. — М.: Юрист, 1997. — 408 с.
4. Мещеряков В.А. Преступления в сфере компьютерной информации: основы теории и практики расследования. — Воронеж: Изд-во Воронежского государственного университета, 2002. 408 с.
5. Россинская Е.Р., Семикаленова А.И., Рядовский И.А., Сааков Т.А. Теория информационно-компьютерного обеспечения криминалистической деятельности: монография / под ред. Е.Р. Россинской. — М.: Проспект, 2023. — 256 с.
6. Агибалов В.Ю. Виртуальные следы в криминалистике и уголовном процессе. — М.: Юрлитинформ, 2012. 408 с.
7. Россинская Е.Р., Сааков Т.А., Проблемы собирания цифровых следов преступлений из социальных сетей и мессенджеров // Криминалистика: вчера, сегодня, завтра. 2020. №3 (15) // Электрон манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-sobiraniya-tsifrovyyh-sledov-prestupleniy-iz-sotsialnyh-setey-i-messendzhеров>
8. ISO/IEC 27037:2012. Information technology — Security techniques — Guidelines for identification, collection, acquisition and preservation of digital evidence. — Geneva: ISO, 2012.

“ВОЯГА ЕТМАГАН” ТУШУНЧАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ: мақолада вояга етмаган шахсларнинг жиноят-процессуал мақоми, уларнинг ҳуқуқий табиати ҳамда мазкур соҳадаги миллий ва хорижий ёндашувлар қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Вояга етмаганлик ҳолати нафақат календарь ёш мезони, балки махсус процессуал ҳимояни талаб этувчи комплекс ҳуқуқий институт сифатида асосланади. Шунингдек, вояга етмаганларнинг жиноят процессидаги иштирокини таъминлашга қаратилган қўшимча кафолатлар тизими таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: вояга етмаган, жиноят процесси, ҳуқуқий мақом, ювенал адлия, психологик ёш, процессуал кафолатлар, ресоциализация.

Глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи халқаро ва миллий даражада устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, жамиятнинг энг заиф қатлами ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бирига айланган. Вояга етмаган шахслар ўзларининг психологик ҳусусиятлари, ижтимоий онгининг шаклланиш босқичида эканлиги ҳамда ҳаётини тажрибасининг чекланганлиги сабабли жиноят процессида алоҳида ҳимоя ва махсус ёндашувга муҳтождирлар.

“Вояга етмаган” тушунчаси фақат ёш кўрсаткичи билан чекланмай, балки мураккаб ҳуқуқий ва ижтимоий-психологик категория сифатида намоён бўлади. Жиноят-процессуал қонунчилигида мазкур тушунчанинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш шахснинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш ва инсонпарварлик тамойилларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ миллий ва хорижий қонунчиликдаги ёндашувлар турлича бўлиб, бу соҳада ягона назарий концепцияни шакллантириш ҳамда миллий амалиётни халқаро стандартларга мослаштириш зарурати мавжуд.

Ҳуқуқий доктринада вояга етмаганлик — шахснинг тўлиқ муомала лаёқатида эга эмаслиги ҳамда давлат томонидан алоҳида ҳимояга муҳтожлиги билан изоҳланади. Бу ҳолат жиноят процессида икки томонлама аҳамият касб этади.

Субъектив жиҳатдан вояга етмаган шахс ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини ва ҳуқуқий оқибатларини тўлиқ англаб етмаслиги мумкин, бу эса унинг айби даражасини баҳолашда алоҳида ёндашувни талаб этади.

Объектив томондан эса қонун чиқарувчи ушбу тоифадаги шахслар учун қўшимча процессуал кафолатлар (ҳимоячи иштирокининг мажбурийлиги, қонуний вакиллар қатнашуви ва ҳ.к.) белгилайди.

Миллий қонунчилигимизда вояга етмаганларнинг жиноят процессидаги иштироки алоҳида ва комплекс тартибда бошқарилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасида жиноий жавобгарлик ёши босқичма-босқич (13, 14, 16 ёш) белгиланган бўлса, Жиноят-процессуал кодексининг 60-бобида вояга етмаганларга нисбатан иш юритишнинг ўзига хос ҳусусиятлари мустаҳкамланган.

Амалдаги тартибга кўра, тергов ва суд органлари вояга етмаганлар ишларини кўриб чиқишда қуйидаги мажбурий вазифаларни бажариши лозим:

1. Уларнинг яшаш ва тарбияланиш шароитларини ҳар томонлама ўрганиш.

2. Психологик ҳолатини ва ақлий ривожланиш даражасини баҳолаш.

3. Жазо чорасини қўллашда қайта тарбиялаш ва ижтимоий мослашув (ресоциализация) имкониятларини биринчи ўринга қўйиш.

Халқаро амалиётда эса вояга етмаганларнинг жиноят-процессуал мақомига оид иккита асосий моделни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- **Континентал модель** (Германия, Австрия): Бу ерда “ақлий етилганлик” (intellectual maturity) мезони календарь ёшдан устун туради. Агар 14 ёшга тўлган ўсмир ўз қилмишининг моҳиятини англаш даражасида ривожланмаган бўлса, у жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

- **Либерал-реабилитацион модель** (Япония, Скандинавия давлатлари): Ушбу тизимларда жазолашдан кўра реабилитацияга устувор аҳамият берилади. Суд жараёнлари ёпик, норасмий ва кўпроқ ижтимоий суҳбат шаклида ўтказилади, бу эса боланинг руҳиятига салбий таъсирнинг олдини олади.

Ушбу мавзуда олиб борган изланишларимиз натижаси шуни кўрсатадики, вояга етмаганлик ҳолатини фақатгина физиологик ёш мезони сифатида эмас, балки жиноят процессида махсус ҳуқуқий режимни таъминловчи “юридик имтиёзлар ва кафолатлар тизими” сифатида баҳолаш лозим. Мазкур тизимнинг янгиланган мазмуни қуйидаги учта асосий элементни ўз ичига олиши керак:

1. **Профессионал мажбурий иштирок:** Нафақат ҳимоячи ва вакил, балки вояга етмаганлар билан ишлашга ихтисослашган психолог ва педагогларнинг тергов ва суднинг барча босқичларида фаол иштирокини таъминлаш.

2. **Вақт ва муҳит чекловлари:** Процессуал ҳаракатларнинг максимал қисқартирилган вақти ва бола учун стресс бўлмаган махсус сўроқ хоналаридан фойдаланиш.

3. **Кенгайтирилган конфиденциаллик:** Вояга етмаган шахснинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топиши учун унинг судланганлиги ёки процессуал иштироки ҳақидаги маълумотларни қатъий сир сақлаш тизимини модернизация қилиш.

Ўтказилган илмий таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- **Биринчидан**, ЖПКга шахснинг календарь ёши билан бирга унинг “психологик ёши” ва “етилганлик даражаси”ни инобатга олиш нормасини киритиш. Бу руҳий ривожланиши

орқада қолган ўсмирларни асоссиз жавобгарликдан ҳимоя қилади.

• **Иккинчидан**, БМТнинг "Пекин қоидалари"ни миллий қонунчиликка янада чуқурроқ имплементация қилиш, хусусан, вояга етмаганлар ишлари бўйича терговчи ва судьяларнинг ихтисослашувини (ювенал адлия) қонунан мустаҳкамлаш.

• **Учинчидан**, тергов жараёнида "дўстона муҳит" тамойилини жорий этиш, бунда болани сўроқ қилиш жараёни видеотасвирга олиниши ва судда ушбу видеодан фойдаланиш орқали болани қайта сўроқ қилиш (re-victimization) амалиётига чек қўйиш лозим.

Ушбу ислохотларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида ҳимоя қилишга ва жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Халқаро жиноят-ҳуқуқий тизимларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортиш ёши бўйича ягона универсал стандарт мавжуд эмас. Бу ҳолат ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, ҳуқуқий анъаналари, болалар психофизиологик хусусиятларига оид ёндашувлари ҳамда жиноятчилик ҳолати билан белгиланади.

Умуман олганда, халқаро амалиётда жиноий жавобгарликнинг минимал ёши 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган диапазонда белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткич турли ҳуқуқий моделларнинг мавжудлигини кўрсатади.

1. Жуда паст ёш (7 ёш).

Айрим давлатларда жиноий жавобгарликнинг минимал чегараси 7 ёш қилиб белгиланган бўлиб, бу энг қатъий моделлардан бири ҳисобланади. Ушбу тоифага Гренада, Иордания, Кувайт, Ливан, Қатар, Саудия Арабистони, Яман, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Покистон ва бошқа давлатлар киради.

Бу моделда асосий эътибор боланинг ҳаракатларини англаш қобилиятига эмас, балки ҳуқуқий жавобгарликнинг эрта босқичда бошланишига қаратилади.

2. Паст ёш (10 ёш).

10 ёш жиноий жавобгарликнинг минимал чегараси сифатида Бангладеш, Ироқ, Оман, Эфиопия, Швейцария, Буюк Британия, Австралия, Бутан, Непал, Жанубий Африка Республикаси ва бир қатор бошқа давлатларда қўлланилади.

Айрим тизимларда (масалан, Буюк Британия) қўшимча мезон сифатида боланинг ўз хатти-ҳаракатларининг ҳуқуқий оқибатларини англаш қобилияти ҳам баҳоланади, бу эса индивидуал ёндашувни англатади.

3. Ўрта ёш (12 ёш).

12 ёшдан жиноий жавобгарликни белгилаш нисбатан мувозанатли ва энг кенг тарқалган моделлардан бири ҳисобланади. Бу тоифага Венесуэла, Бельгия, Нидерландия, Исроил, Туркия, Сингапур, Марокко, Гана, Уганда, Шри-Ланка ва бошқа давлатлар киради.

Бу модел боланинг ривожланиш даражаси ва ижтимоий масъулиятини эътиборга олишга асосланади.

4. Юқори ёш (13–14 ёш).

Айрим давлатларда жиноий жавобгарлик 13–14 ёшдан бошланади. Масалан, Чили, Германия, Италия, Австрия, Беларусь, Россия Федерацияси, Грузия, Литва, Хорватия каби давлатларда ушбу ёш қўлланилади.

Бу ёндашув болаларни жиноий тизимга кечроқ киритиш ва реабилитацияга устуворлик беришга асосланган.

5. 15 ёш ва ундан юқори.

Сербия, Словакия, Испания, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Вьетнам, Тожикистон, Финляндия, Швеция, Норвегия, Дания каби давлатларда жиноий жавобгарликнинг минимал ёши 15 ёш этиб белгиланган.

Бу модел болаларни жиноий таъсир доирасидан мумкин қадар узокроқ сақлашга қаратилган бўлиб, ижтимоий-тарбиявий чораларга устуворлик беради.

6. 16 ёш (юқори минимал чегара)

Айрим давлатларда жиноий жавобгарлик фақат 16 ёшдан бошланади. Масалан, Аргентина, Люксембург, Куба, Тимор-Лешти, Кабо-Верде, Гвинея-Бисау ва бошқа давлатлар.

Бу модел энг гуманистик ёндашувлардан бири ҳисобланиб, болаларни жиноий тизимдан ҳимоя қилишга қаратилган.

Халқаро қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики:

- энг паст минимал ёш — 7 ёш;
- энг юқори амалдаги стандарт — 16 ёш;
- кўпчилик давлатлар 12–15 ёш диапазонини қўллаиди.

Шу билан бирга, замонавий тенденциялар қуйидаги йўналишларни намоён этмоқда:

1. жиноий жавобгарлик ёшини ошириш тенденцияси;
2. болаларга нисбатан реабилитацион ёндашувни кучайтириш;
3. "болаларга мослаштирилган одил судлов" (child-friendly justice) тизимини ривожлантириш;
4. индивидуал психофизиологик баҳолаш мезонларини жорий этиш.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жиноий жавобгарликнинг минимал ёшига оид халқаро ёндашувлар давлатларнинг ҳуқуқий тизими, ижтимоий-иқтисодий шароити ва миллий анъаналарига қараб фарқ қилса-да, умумий тенденция вояга етмаганларни жиноий адлия тизимига эрта жалб этишдан кўра, уларни ижтимоий реабилитация қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тарбиявий таъсир чораларини кучайтиришга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришда инсонпарварлик тамойилларини изчил мустаҳкамлаш, жиноий жавобгарликнинг минимал ёшини илмий асосланган мезонлар асосида қайта баҳолаш ҳамда профилактика ва тарбиявий таъсир механизмларининг самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Адилжон БАБАЕВ,

Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-263-сон "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида" ги Қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонуни, 07.01.2008 й.
6. БМТнинг "Бола ҳуқуқлари тўғрисида" ги Конвенцияси, 1989 й.
7. United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice ("Beijing Rules"), 1985.
8. United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (Riyadh Guidelines), 1990.
9. Rustambayev M.H. Criminal Law (General Part): Textbook. – Tashkent: Ministry of Internal Affairs Academy, 2018.
10. Abdullayev A.A. Criminology and Juvenile Delinquency Prevention. – Tashkent: Fan, 2020.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ СУБЪЕКТЛАШТИРИШНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАҲДИДИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур тадқиқот сунъий интеллект (СИ) ва автоном тизимларнинг жадал ривожланиши шароитида юзага келаётган фундаментал ҳуқуқий ва онтологик инқирозларни таҳлил қилишга қаратилган. Таҳлиллар якунида амалдаги халқаро ҳуқуқ, хусусан, Европа Иттифоқининг “AI Act” регламенти нормалари танқидий ўрганилиб, келажак қонунчилиги учун инсон марказлашган “Масъулиятли субъектлик” (чекланган электрон вакил ва қатъий жавобгарлик) вояси тақлиф қилинган.*

Калит сўзлар: *сунъий интеллект, жавобгарликдан қочиш, алгоритмик ҳисоблаш, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий субъектлик, юридик фараз, жавобгарлик бўшлиғи.*

Сунъий интеллектни субъектлаштириш тарафдорларининг энг кучли далиллари иқтисодий самарадорлик ва утилитар этика билан боғлиқ. Иеремия Бентам асос солган утилитаризм таълимотига кўра, кўп одамга кўп фойда келтирадиган қоидалар энг тўғри йўл ҳисобланади.¹ Агар сунъий интеллектни ҳуқуқий субъект сифатида тан олиш рақамли иқтисодиётни ривожлантирса ва жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш тизимини соддалаштирса, у ҳолда бундай мақомни жорий этиш ўзини оқлайди, деган фараз мавжуд.²

Уго Пагалло каби олимлар Рим ҳуқуқидаги “peculium” (қулга ўз фаолиятини юритиши учун берилган алоҳида мол-мулк) институтига қиёслаган ҳолда, сунъий интеллект учун махсус жамғармалар ташкил этиш ғоясини қўллаб-қувватлайди.³ Бу доктринага кўра, сунъий интеллект мустақил тарзда савдо-сотиқни амалга оширади ва унинг ҳисоб рақамида тўпланган капитал “Digital Peculium” деб аталади. Агар сунъий интеллект бирор шахсга зиён етказса, ишлаб чиқарувчи билан судлашиб ўтирмасдан, жабрланувчи тўғридан-тўғри сунъий интеллектнинг ўзи (унинг жамғармаси) ҳисобидан компенсация олади.⁴ Бу ёндашув амалий фойда нуқтаи назаридан тезкор транзакциялар ва инновацияларнинг ривожланиши учун ўта қулай механизм бўлиб кўринади.

Бирок, функционал иқтисодий фойдани инсон кадр-қиммати устуворлигидан юқори қўйиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг таянч принципларини емириб юборади. Сунъий интеллектни субъектлаштириш қуйидаги учта глобал инқирозни келтириб чиқариш хавфини туғдиради:

1. Жавобгарликдан қочиш. Энг катта хавф шундаки, корпорациялар ва трансмиллий технологик гигантлар сунъий интеллектга субъектлик мақоми бериш ғоясидан ўз хатолари ҳамда инсон ҳуқуқларини оммавий равишда бузиш ҳолатлари учун юридик иммунитет излаш воситаси сифатида фойдаланишлари мумкин⁵ ёхуд тиббий хато учун машинанинг ўзи “айбдор” деб топилса, амалда бундан манфаат кўраётган капитал эгалари қонун олдидаги жавобгарликдан мутлақо четда қолади.⁶ Европа Иттифоқининг 285 нафар эксперти Европа комиссиясига йўллаган очиқ хатида ушбу фикрни қатъий таъкидлаб, машиналарни персонификация қилиш корпорациялар жавобгарлигини четлаб ўтишга хизмат қилувчи восита эканини баён қилган.⁷

2. Жиноят ҳуқуқи инқирози. Жиноят ҳуқуқида қилмишни жиноят деб топиш учун икки элемент зарур: жиноий ҳаракат ва айбдорлик (қасд ёки эҳтиётсизлик). Сунъий интеллект жиноий ҳаракатни содир этиши мумкин, бироқ унинг фаолиятида психологик ирода — айбдорлик, қасд ёки эҳтиётсизлик мутлақо

мавжуд эмас. Дастурий код жазодан қўрқмайди, унга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган “ўчириб қўйиш” ёки “дастурий хотирани тозалаш” каби чоралар ҳуқуқий жазо эмас, балки шунчаки техник ўзгартириш ҳисобланади. Жиноий субъектликни машинага бериш жиноят ҳуқуқининг асосий мақсадлари ҳисобланган қайта тарбиялаш ва ижтимоий адолатни тиклаш ғояларини мазмунсизлантиради.

3. Инсон кадр-қиммати ва ижодкорликнинг қадрсизланиши. Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан кибер-шахсларнинг яратилиши машинани инсон даражасига кўтармайди, аксинча, инсонни машина даражасига туширади. С. Бозаров таъкидлаганидек, агар машиналарга муайян субъектив ҳуқуқлар берилса, улар ресурслар ва ҳуқуқий ҳимоя учун инсонлар билан рақобатга киришади. Жоанна Брайсон таъбири билан айтганда, роботлар ва сунъий интеллект инсонлар томонидан яратилган буюм, яъни “асбоб” сифатида қолиши шарт.⁸ Объектнинг субъект даражасига сунъий равишда чиқарилиши интеллектуал мулк ҳуқуқида инсон ижодий фаолиятининг қадрсизланишига ҳамда маънавий монополияларнинг юзага келишига туртки бўлади.

Ҳуқуқий доктринада узоқ йиллар давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг, бугунги кунда илғор халқаро ҳамжамият субъект ва объект ўртасидаги муносабатни инсон манфаатлари устуворлиги асосида ҳал этиш йўлидан бормоқда. Буни амалдаги аниқ ҳуқуқий нормаларда ҳам кўриш мумкин.

Европа Иттифоқининг 2024 йилда кучга кирган Сунъий интеллект тўғрисидаги акти киберҳуқуқ соҳасида “таваккалчиликка асосланган ёндашув” орқали ягона универсал мезонни белгилаб берди.⁹ Қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган дастлабки йилларда Европа парламенти томонидан автоном роботларга “электрон шахс” мақомини бериш тақлиф этилган бўлса-да, Сунъий интеллект тўғрисидаги актининг якуний таҳририда бу хавфли ғоядан мутлақо воз кечилди. Янги актга кўра, сунъий интеллект субъект эмас, балки бозорга чиқариладиган ва инсон ҳаёти ҳамда ҳуқуқларига хавф туғдириши мумкин бўлган “маҳсулот” ҳисобланади. Тизимлар тақиқланган, юқори ва паст хавфли тоифаларга ажратилиб, юқори хавфли тизимлар учун инсон назоратини таъминлаш ва доимий алгоритмик аудит ўтказиш мажбурияти белгиланди. Бу қарор инсон ҳуқуқларини ҳуқуқий тартибга солишнинг марказий қадрияти сифатида эътироф этишнинг ёрқин ифодасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2021 йилда тасдиқланган “Сунъий интеллект этикаси бўйича тавсияномаси” ҳам бевосита технологик субъектлаштириш ғоясига қарши қаратилган.¹⁰ Ҳужжатда аниқ белгиланганки, сунъий интеллект

тизимлари ҳеч қачон ҳуқуқий ёки ахлоқий жавобгарликнинг якуний субъекти бўла олмайди. Халқаро стандартларга кўра, ҳар қандай зарар учун ҳуқуқий жавобгарлик барибери инсонлар, давлатлар ёки трансмиллий корпорациялар (юридик шахслар) зиммасига юклатилиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 21 январдаги ЎРҚ–1115-сон қонунида ҳам мазкур халқаро конвергенция эътироф этилган бўлиб, унда сунъий интеллект “технологик ечимлар мажмуи” сифатида таснифланган ҳамда у томонидан шакллантирилган хулосаларнинг юридик қарор қабул қилишда устувор аҳамиятга эга бўлиши таъкидланган.¹¹

Интеллектуал мулк соҳасида Буюк Британиянинг 1988 йилги қонуни сунъий интеллект яратган асарлар бўйича муаллифлик ҳуқуқини айнан тизимнинг ишлашини таъминлаган ва уни зарур тартибда созлаган шахсга, яъни жисмоний шахсга тегишли деб белгилаш орқали халқаро прецедент яратган эди.¹² АҚШ суди ҳам “Thaler v. Vidal” прецедентида DABUS номи сунъий интеллект тизимининг патент муаллифи сифатида эътироф этилиш тўғрисидаги талабини қатъий рад этиб, муаллифлик ҳуқуқи фақат инсонга хос экани тамойилини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.¹³

Юқоридаги комплекс танқидий таҳлилларга таяниб шу хулосага келиш мумкинки, автоном сунъий интеллектга юридик шахс мақомига тенглаштирилган тўлақонли ҳуқуқий субъектлик бериш ҳуқуқшуносликнинг эволюцион хатоси бўлар эди. Бу тенденция инсоннинг асосий ҳуқуқлари парадигмасига зид бўлиб, жавобгарликни яширишга хизмат қилувчи ҳамда инсон қадр-қимматини кибермаконда ашёвий даражага туширувчи технологик таҳдид ҳисобланади.

Бироқ, автоном тизимларнинг транзакцион фаоллиги (смарт-шартномалар) ва қутилмаган деликтлари амалдаги фуқаролик қонунчилиги нормалари билан осон ҳал этилмайди. “Жавобгарлик бўшлиғи”ни тўлдириш ҳамда инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида мазкур тадқиқот доирасида мутлақо янги ва мувозанатли ҳуқуқий модель — “Масъулиятли субъектлик” ёки “Чекланган электрон вакиллик” концепциясини жорий этиш таклиф этилади.

У учта таянч ҳуқуқий устунга асосланади.

Биринчидан, сунъий интеллект фуқаролик муомаласида “шахс” эмас, балки қонуний эгасининг ахборот иродасини ифодаловчи “электрон вакил” сифатида эътироф этилиши лозим.

Электрон вакилнинг мустақил транзакциялари (масалан, электрон тижоратда) ўз-ўзидан ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Бироқ ушбу оқибатлар юзасидан пайдо бўладиган мулкӣ ва ҳуқуқий талаблар бевосита уни дастурлаган ёки ундан амалда фойдаланаётган (уни бошқараётган) асосий субъект — операторга нисбатан қўйилади.

Иккинчидан, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқида юқори хавфли сунъий интеллект тизимлари фаолияти натижасида етказилган зарар учун мутлақ (қатъий) жавобгарлик институти жорий этилиши лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасига қуйидаги нормани киритиш таклиф этилади:

Теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик.

Фаолияти теварак-атрофдагилар учун ортиқча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, транспорт воситалари эгалари, автоном бошқарув тизимлари ҳамда юқори

хавфли сунъий интеллект тизимлари операторлари), агар зарар бартараф этиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, ортиқча хавф манбаи етказган зарарни қоплашга мажбур.”

Бунда айбдорликни исботлаш мажбуриятини жабрланувчи зиммасидан оператор ёки ишлаб чиқарувчи зиммасига ўтказиш адолат тамойилига тўлиқ мос келади.

Учинчидан, молиявий барқарорликни таъминлаш ва “жавобгарлик бўшлиғи”нинг иқтисодий ечимини яратиш мақсадида мажбурий алгоритмик суғурталаш механизмининг жорий этиш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 961-моддасига қуйидаги бешинчи қисмни киритиш таклиф этилади:

“Юқори хавфли сунъий интеллект тизимларидан (автоном транспорт воситалари, тиббий диагностика тизимлари) фойдаланиш учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни талаб этади.”

Агар сунъий интеллект тўлақонли ҳуқуқ субъекти ҳисобланмаса, унга мўлжалланган мустақил мақсадли жамғарма институти мажбурий суғурта полислари билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ. Тизим ишга туширилишидан аввал унинг эҳтимолий хавфи учун махсус кафолат жамғармаларига бадал тўланиши, натижада “қора қути” қарорлари оқибатида жабр кўрган шахслар узоқ бюрократик суд жараёнларисиз айнан шу суғурта механизми орқали тезкор компенсация олиш имкониятига эга бўлиши таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқ — инсонлар томонидан инсоният учун яратилган ахлоқий-ижтимоий тартибга солувчи ноёб ҳодисадир. Технологик тараққиёт қанчалик автоном даражага етмасин, ҳуқуқ субъект ва объект ўртасидаги чегарани аниқ сақлаши, сунъий интеллектни инсон ҳуқуқларига таҳдид солувчи автоном кучга эмас, балки масъулият билан бошқариладиган ёрдамчи механизмга айлантириши шарт.

Абдуманнон САИДОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Одиl судлов академияси
кабинет мудири.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. J Bentham, An Introduction to the Principles of Morals and Legislation (Clarendon Press 1907) 14.
2. F Voxidov, 'Sun'iy intellekt va huquqiy javobgarlik' (2025) 11(1) International Journal of Scientific Researchers 562.
3. U Pagallo, The Laws of Robots: Crimes, Contracts, and Torts (Springer 2013) 45.
4. 'Back to (for) the Future: AI and The Dualism of Persona and Res in Roman Law' (2021) 12(1) European Journal of Law and Technology.
5. S Bozarov, 'Sun'iy intellekt doirasida huquqiy javobgarlik' (DSc thesis, Tashkent State University of Law 2023) 22.
6. A Matthias, 'The responsibility gap: Ascribing responsibility for the actions of learning automata' (2004) 6(3) Ethics and Information Technology 175.
7. Open Letter to the European Commission Artificial Intelligence and Robotics, 'Robotics Open Letter' (2018) 2.
8. J J Bryson, 'Robots should be slaves' in Close engagements with artificial companions (John Benjamins 2018) 65.
9. Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act) OJ L1689/1.
10. UNESCO, 'Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence' (2021) 12.
11. O'zbekiston Respublikasining "Sun'iy intellektni qo'llash orqali yuzaga keladigan munosabatlar tartibga solinishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga qo'shimcha va o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi Qonuni 2026 (O'QR-1115-son).
12. Copyright, Designs and Patents Act 1988, s 9(3) (United Kingdom).
13. Thaler v Vidal (2022) 43 F.4th 1207 (United States Court of Appeals for the Federal Circuit).

СУҒУРТА ФИРИБГАРЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – ТИЗИМНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Маълумки суғурта тизимининг барқарорлиги суғурта ҳодисаси юз берганда қонун ва суғурта шартномаси асосида товон тўланишини таъминлаш билан бир қаторда, суғурта фондларининг асоссиз талаблар ҳисобига сарфланишига йўл қўймасликни ҳам талаб этади.

Суғурта ҳодисасини сунъий равишда яратиш, зарар миқдорини қасддан ошириб кўрсатиш, бир ҳодиса бўйича такрорий товон талаб қилиш, суғурта ҳодисасининг муҳим ҳолатларини яшириш ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлардан фойдаланиш каби хатти-ҳаракатлар суғурта муносабатларидаги ишончга ва суғурта фондларининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бироқ суғурта фирибгарлигининг олдини олиш мақсади қонуний суғурта талабларини асоссиз чеклашга олиб келмаслиги керак. Суғурта талабида шубҳали белги мавжудлиги билан ҳуқуқбузарликнинг исботланганлиги ўртасида аниқ ҳуқуқий чегара сақланиши зарур. Акс ҳолда суғурталовчининг ички риск баҳоси суғурта товонини рад этишнинг мустақил ва етарлича асосланмаган воситасига айланиши мумкин.

Ўз навбатида, рақамли суғурта хизматларининг кенгайиши, катта ҳажмдаги маълумотларни автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш ва рискларни алгоритмик баҳолаш имкониятларининг ортиши мавжуд ҳуқуқий механизмларни суғурта фирибгарлиги хавфларини барвақт аниқлашнинг замонавий усуллари билан уйғунлаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Суғурта товонини асоссиз олиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасида икки қонуний манфаат ўртасида мувозанат таъминланиши лозим. Бир томондан, суғурта ташкилоти суғурта фондини ноқонуний ва асоссиз талаблар таъсиридан ҳимоя қилиши керак. Иккинчи томондан, суғурта ҳодисаси юз берган шахс фақат шубҳа ёки автоматлаштирилган риск баҳоси сабабли суғурта товонини олиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги лозим.

Шу нуқтаи назардан, “шубҳали суғурта талаби” тушунчасини профилактик-процессуал категория сифатида ҳуқуқий муомалага киритиш таклиф этилади. Шубҳали суғурта талаби — бир ёки бир нечта объект ва текширилиши мумкин бўлган риск индикатори мавжудлиги сабабли кўшимча верификация талаб қиладиган суғурта товонини олиш ҳақидаги талабдир.

Бундай мақом шахснинг айбдорлигини ёки ҳуқуқбузарлик содир этганлигини англатмаслиги керак. Унинг ҳуқуқий вазифаси суғурта талабини текшириш жараёнини аниқланган риск даражасига мутаносиб равишда чуқурлаштиришдан иборат бўлиши лозим.

Мазкур ёндашув профилактика ва юридик жавобгарликни бир-биридан ажратиш имконини беради. Профилактика хавфни аниқлаш ва текширишга

қаратилса, ҳуқуқий жавобгарлик ёки суғурта товонига доир салбий қарор тегишли фактлар текширилиб, уларга қонунчилик ва суғурта шартномаси асосида ҳуқуқий баҳо берилгандан кейингина юзага келиши мумкин.

Риск индикатори асоссиз суғурта товони олиш эҳтимоли одатдаги ҳолатга нисбатан юқорироқ бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи объектив ва текшириладиган белги сифатида талқин қилиниши мумкин.

Бундай индикаторларга ҳужжатлардаги жиддий номувофиқликлар, суғурта ҳодисаси тавсифи билан текширилган ҳолатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, зарар миқдорининг етарлича асосланмаган тарзда оширилиши, ўзаро боғлиқ суғурта талабларининг такрорланиши, бир ҳодиса юзасидан турли суғурта ташкилотларига мурожаат қилиш ёки суғурталовчининг ички жараёнларидаги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар кириши мумкин. Риск индикаторининг асосий ҳуқуқий хусусияти унинг мустақил далил вазифасини бажармаслигидир.

Суғурта товонини асоссиз олиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда суғурта талабларини ҳуқуқий верификация қилишнинг беш босқичли модели таклиф этилади. Бунда суғурта товонини асоссиз олиш хавфи аниқланган пайтдан якуний қарор қабул қилингунга қадар қуйидаги моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади:

**РИСК ИНДИКАТОРИ → ВЕРИФИКАЦИЯ →
ДАЛИЛ → ҲУҚУҚИЙ БАҲОЛАШ → ҚАРОР**

Биринчи босқич — риск индикаторини аниқлаш. Ушбу босқичда суғурта талабида объектив риск белгиси қайд этилади. Бироқ ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақида якуний хулоса чиқарилмайди.

Иккинчи босқич — верификация. Аниқланган сигналнинг фактик асоси қонуний ва мутаносиб усуллар билан текширилади. Заруратга кўра ҳужжатлар, суғурта ҳодисасининг тафсилотлари ва зарар миқдорига оид маълумотлар аниқлаштирилади.

Учинчи босқич — далилларни шакллантириш ва баҳолаш. Текширув натижасида тасдиқланган фактларнинг далилий аҳамияти аниқланади. Тасдиқланмаган тахмин, статистик ноодатийлик ёки алгоритмик риск балли мустақил юридик далил билан тенглаштирилмайди.

Тўртинчи босқич — ҳуқуқий баҳолаш. Аниқланган ва текширилган фактлар амалдаги қонунчилик ҳамда суғурта шартномаси шартлари билан солиштирилади ва уларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилади.

Бешинчи босқич — қарор қабул қилиш. Ваколатли шахс томонидан асосланган қарор қабул қилинади. Қарор фақат риск индикаторига ёки автоматлаштирилган риск балига эмас, текширилган фактлар ва аниқ ҳуқуқий асосга таяниши лозим.

Мазкур моделнинг илмий-амалий аҳамияти шундаки, у техник ёки ташкилий “шубҳа”ни юридик ҳулосага айлантиришдан олдин верификация, далил ва ҳуқуқий баҳолаш босқичларини мажбурий мантикий бўгин сифатида ажратиш беради.

Суғурта ташкилотидида фирибгарликка қарши фаолият фақат махсус дастурий воситалардан фойдаланиш билан чекланмаслиги лозим. Самарали тизим ҳуқуқий, ташкилий ва ахборот-таҳлилий чораларни ўзаро бирлаштириши керак. Бундай тизимнинг асосий элементлари сифатида фирибгарлик рискларини даврий баҳолаш, риск индикаторлари реестрини юритиш, кучайтирилган верификация тартибини белгилаш, ваколатларни ажратиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, ходимларни ўқитиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ички аудит ва автоматлаштирилган риск моделларини даврий текширишни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Халқаро суғурта назоратчилари ассоциацияси – (International Association of Insurance Supervisors — IAIS) суғурта бозорларини тартибга солувчи ва назорат қилувчи давлат органларини бирлаштирувчи глобал халқаро ташкилот. У 1994 йилда тузилган бўлиб, қароргоҳи Швейцариянинг Базель шаҳрида жойлашган. Ушбу ассоциациянинг фаолиятидаги ёндашувларида ҳам фирибгарликни тийиб туриш, олдини олиш, аниқлаш, хабар бериш ва тегишли чораларни кўриш ўзаро боғлиқ бошқарув вазифалари сифатида қаралади.

Рақамли технологиялар катта ҳажмдаги суғурта маълумотларини таҳлил қилиш ва одатий текширувда аниқлаш қийин бўлган боғлиқликларни аниқлаш имконини беради. Бироқ автоматлаштирилган тизим томонидан шакллантирилган юқори риск бали шахсинг ҳуқуқбузарлик содир этганлигини англатмайди. Шахс учун жиддий салбий оқибат туғдирувчи қарор фақат автоматлаштирилган риск баҳосига таянмаслиги лозим. Ваколатли ходим тизим аниқлаган риск сабабларини тушуниши, асосий маълумотларни текшириши, қўшимча верификация ўтказиши ва зарур ҳолларда алгоритмик ҳулосани рад этиш имкониятига эга бўлиши керак.

OECD — Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг тамойиллари ишончли ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи сунъий интеллектдан фойдаланишга йўналтирилган бўлиб, 2019-йилда қабул қилинган ва 2024-йилда янгиланган. Европа Итти-

фоқининг 2024/1689-сон Сунъий интеллект тўғрисидаги регламенти ҳам инсон марказидаги ва ишончли сунъий интеллектни ривожлантириш билан бирга фундаментал ҳуқуқларни ҳимоя қилишни кўзда тутиди. Ушбу халқаро ёндашувлар Ўзбекистон суғурта тизимига тўғридан-тўғри татбиқ этиладиган норма сифатида эмас, балки қиёсий-ҳуқуқий йўналиш сифатида аҳамиятлидир.

Суғурта товонини асоссиз олиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммосини фақат умумий тавсиялар билан эмас, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сон қонуннинг 3-моддасидаги асосий тушунчаларни қуйидаги таъриф билан тўлдириш таклиф этилади.:

“Шубҳали суғурта талаби — бир ёки бир нечта объектив ва текширилиши мумкин бўлган риск индикатори мавжудлиги сабабли қўшимча верификация талаб қиладиган суғурта товонини олиш ҳақидаги талаб”.

“Риск индикатори — суғурта товонини асоссиз олиш эҳтимоли юқорилигини кўрсатиши мумкин бўлган ва қўшимча текширувни бошлаш учун хизмат қиладиган объектив белги бўлиб, унинг мавжудлиги ўз-ўзидан суғурта товонини рад этиш ёки шахсни ҳуқуқбузар деб ҳисоблаш учун мустақил ҳуқуқий асос бўлмайди”.

“Верификация — суғурта талаби бўйича аниқланган риск индикаторининг фактик асосини қонунчилик ва суғурта шартномаси доирасида текшириш жараёни”.

Юқорида таклиф этилаётган ўзгартиришлар натижасида суғурта ташкилотларида суғурта фирибгарлиги хавфини барвақт аниқлаш учун аниқ ва қонуний механизм яратилади.

Суғурта товонини асоссиз олиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат содир этилган қилмишга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш билан чекланмаслиги керак. Замонавий профилактика механизми хавфни барвақт аниқлаш, аниқланган сигнални қонуний ва мутаносиб текшириш, далилий аҳамиятга эга фактларни ажратиш ҳамда мустақил ҳуқуқий баҳолаш асосида қарор қабул қилишни талаб этади.

Беҳзоджон СОДИҚОВ,

*“Ўзғаросуғурта” АЖ бошқаруви
бош юрист маслаҳатчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 23-ноябрдаги ЎРҚ-730-сон “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни.
2. International Association of Insurance Supervisors. Суғурта соҳасида фирибгарликни тийиб туриш, олдини олиш, аниқлаш, хабар бериш ва бартараф этишга оид амалий-услубий ҳужжатлар.
3. OECD. OECD AI Principles. 2019; updated in May 2024.
4. European Parliament and Council of the European Union. Regulation (EU) 2024/1689 of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act).

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР ИНСТИТУТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Марказий Осиё давлатлари жиноят қонунчилигида қўшимча жазолар институтининг ҳуқуқий табиати, қўлланиш асослари ҳамда амалий аҳамияти таҳлил қилинади. Хусусан, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон жиноят қонунчилигида назарда тутилган қўшимча жазолар турлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилади. Шунингдек, қўшимча жазоларнинг асосий жазолар билан ўзаро боғлиқлиги, уларнинг жиноят содир этилишининг олдини олишдаги роли ҳамда жазони индивидуаллаштиришдаги аҳамияти ёритилади. Мақолада суд амалиёти ва мавжуд ҳуқуқий муаммолар таҳлили асосида қўшимча жазолар институтини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қўшимча жазолар, жазо тизими, жиноий жавобгарлик, муқобил жазо, квазидавлат сектори, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, жазони индивидуаллаштириш, муайян касб билан шуғулланишдан умрбод маҳрум қилиш.

Жиноят ҳуқуқида жазо институти давлатнинг жиноятчиликка қарши курашишдаги асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Жиноят учун жазо тайинлашидан асосий мақсад – жиноятчига зарар етказиш эмас, балки уни ўз қилмишини англаган ва тўғри хулоса чиқарган ижтимоий фойдали шахсга айлантиришдир. Сўнгги йилларда жазоларни либераллаштириш жараёни доирасида озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазо турлари долзарб бўлиб келмоқда.

Жазолар нафақат жиноят содир этган шахсни жазолаш, балки унинг қайта тарбияланиши, янги жиноятларнинг олдини олиш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш вазифаларини бажаради. Шу нуқтаи назардан, асосий жазолар билан бир қаторда қўшимча жазолар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қўшимча жазолар суд томонидан асосий жазога қўшимча тарзда тайинланиб, жиноятчининг ҳуқуқий мақомига маълум чекловлар киритади. Марказий Осиё давлатлари жиноят қонунчилигида қўшимча жазолар институти ўзига хос тарзда тартибга солинган.

Қозғоғистон қонун ижодкорлари 2014-йилги Жиноят кодексига жазолар тизimini ўзгартириб, инсонпарварлик йўналишини танлади. Янги Жиноят кодексига муайян лавозимларни эгаллаш ёки фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ҳуқуқий моҳияти қайта кўриб чиқилди ва у фақат қўшимча жазо сифатида қўлланиши белгиланди.

Қозғоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига мувофиқ, муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш давлат хизматида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, молия ташкилотларида муайян лавозимларни эгаллашни ёхуд муайян касбий ёки бошқа фаолият билан шуғулланишни тақиқлашдан иборатдир.

Унинг моҳияти шундан иборатки, маҳкум муайян касбий ёки бошқа меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ёхуд ҳукмда кўрсатилган лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан, шу тариқа келажақда жиноят содир этиш имкониятидан ҳам маҳрум қилинади. Ушбу жазо умумий қондага кўра, бир йилдан ўн йилгача бўлган муддатга белгиланади. Шу билан бирга, қонунда муайян фаолият билан шуғулланиш ёки лавозимни эгаллашни тақиқлаш муддати умрбод белгиланиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам назарда тутилган.

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятларни содир этганлик, шунингдек, вояга етмаганларни жиноий ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга жалб қилганлик учун муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси мажбурий тартибда тайинланади ҳамда муайян лавозимларни ва вояга етмаганлар билан ишлашга оид лавозимларни эгаллашни умрбод тақиқлашни англатади.

Коррупцияга оид жиноятларни содир этганлик учун муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси мажбурий тартибда тайинланади ҳамда давлат хизматидаги, судья, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги, Қозғоғистон Республикаси Миллий Банки ва унинг идораларидаги, молия бозори ва молия ташкилотларини тартибга солиш, назорат қилиш ва кузатиш бўйича ваколатли органдаги, давлат ташкилотларидаги ва квазидавлат сектори субъектларидаги лавозимларни эгаллашни умрбод тақиқлашни англатади.

Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 48-моддасига мувофиқ, жазолар икки хил мақомда – яъни асосий ва қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин. Хусусан, қуйидаги жазо турлари қўшимча жазо сифатида белгиланиши мумкин:

Жарима (49-модда): Бу жазо мустақил тарзда қўлланилиши мумкин бўлгани каби, Жиноят кодексининг Махсус қисмларида назарда тутилган ҳолларда қўшимча

жазо сифатида ҳам тайинланади. Жариманинг ўзи жазоловчи бўлиши билан бирга, иқтисодий зарар етказилган жиноятларда таъсирчан восита ҳисобланади.

Муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш (50-модда): Бу жазо суд томонидан бир йилдан йигирма йилгача муддатга тайинланади. Жиноят хусусияти суд томонидан мазкур жазонинг тайинлаши эҳтиёжини белгилайди. Жазо фақат давлат хизматидаги лавозимларга эмас, балки ҳар қандай касбий фаолиятга тааллуқли бўлиши мумкин.

Махсус, ҳарбий унвонлардан, давлат мукофотларидан ва фахрий унвонлардан маҳрум қилиш (51-модда): Бу жазо оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган тақдирда қўлланилади. Шахснинг ижтимоий мақомини чекловчи ушбу жазо уни жамоатчилик олдида маънан жазолашга ҳам хизмат қилади.

Мол-мулкни мусодара қилиш (57-модда): Жиноят натижасида орттирилган мулкни давлат фойдасига олиб қўйиш орқали жиноят фойдасини йўққа чиқариш кўзда тутилади. Жиноят қуроллари, воситалари, ёки ноқонуний равишда олинган активлар мусодара қилинади. Мусодара биринчи навбатда жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни таъминлаши лозим.

Бундан ташқари ушбу мамлакат Жиноят-ижроия кодексига асосий жазолардан ташқари, қўшимча жазо чораларининг ижросини тартибга солувчи алоҳида нормалар мавжуд.

Унвон ва мукофотлардан маҳрум қилиш жазоси. Жиноят-ижроия кодексининг 197-моддасига мувофиқ, суд томонидан ҳарбий, махсус унвонлар, давлат мукофотлари ва фахрий унвонлардан маҳрум қилиш жазоси тайинланганидан сўнг, ҳукм кучга киргач ҳукм нусхаси ушбу унвон ёки мукофотни берган органга юборилади. Бу орган ёки мансабдор шахс тегишли ёзувларни амалга оширади ҳамда жазони ижро этиш бўйича зарур чораларни кўради. Бу чоралар қуйидагилардан иборат:

- Маҳрум этиш ҳақида ҳужжатларга ёзув киритиш;
- Имтиёз ва ҳуқуқлардан маҳрум қилиш;
- Тегишли давлат мукофотларини қайтариб олиш.

Агар маҳкум ҳарбий захирада бўлса, ҳукм нусхаси ҳарбий рўйхатдаги ҳарбий комиссариатга юборилади. Жазони ижро этганлик тўғрисида маълумотлар бир ой муддат ичида судга юборилади.

Мулкни мусодара қилиш жазоси. Тожикистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 198–204-моддаларида мусодара жазоси тартиби батафсил баён этилган. Суд мусодарани тайинлаганидан сўнг, ҳукм, ижро варақаси ва мулк рўйхатининг нусхалари ижро органига юборилади. Агар мулк рўйхати мавжуд бўлмаса, бу ҳақида маълумотнома илова қилинади. Ижро ҳаракатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Мулк мавжудлигини аниқлаш;
- Мулкни рўйхатга олиш ва пломба қўйиш;
- Осудаликда сақланишини таъминлаш;
- Умумий мулкдаги улушлар аниқланса, суд орқали уларни ажратиш.

Мусодара қилинадиган мулкка қуйидагилар кирди:

- Маҳкумнинг барча мол-мулки, шу жумладан банкдаги ҳисоб рақамлари;
- Тижорат ташкилотларидаги улушлар;
- Ишончли бошқарувга топширилган мулклар.

Шунингдек, суд ҳукми асосида аниқланмаган, бироқ кейинчалик топилган ва мусодара қилиш учун асос бўлган мулклар бўйича ҳам алоҳида суд қарори чиқарилади.

ЖИКнинг 202-моддасига мувофиқ, мусодара қилинган мулк даъволар (исклар) тўлиқ қондирилганидан сўнг қўйидаги тарзда тақсимланади:

- Пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар, қимматбаҳо металллар ва тошлар — молия органларига;

- Кўчмас мулк, транспорт, озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари ва бошқа мулк — давлат мулкни бошқариш органларига.

Транспорт, сақлаш ва ҳужжатларни тиклаш харажатлари ҳам ана шу органлар томонидан қопланади. Мулкдан фойдаланиш, баҳолаш ва сотиш тартиби эса Молия вазирлиги ҳамда Инвестиция ва давлат мулкни бошқариш қўмитаси томонидан белгиланади. Мусодара қилинадиган мулк бошқа юридик ёки жисмоний шахслар қўлида бўлса, улар бу ҳақда судга ёки молия органларига хабар беришлари шарт. Агар ушбу мулк уларнинг сақловида бўлса, улар мулкнинг бутлигини таъминлашга мажбурдирлар. Мулкни яшириш, йўқ қилиш ёки ўзлаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Туркменистон Жиноят кодексининг 42-моддасида жазолар классификацияси келтирилган бўлиб, айрим жазо турлари фақат асосий жазо сифатида (масалан, озодликдан маҳрум қилиш, мажбурий ишлар ва ҳ.к.), айримлари эса фақат қўшимча жазо сифатида, айримлари эса иккала мақомда ҳам белгиланиши мумкин. Қўйидаги жазо турлари айнан қўшимча жазо сифатида назарда тутилган ёки қўлланиши мумкин бўлган жазо шакллари:

Етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш (43-модда). Бу жазо айбдорни жиноят натижасида етказилган моддий ёки маънавий зарарни бартараф этиш, зарарни тўлаш ва жабрланувчидан уэр сўрашга мажбур этади. Бу, алоҳида жазо шакли сифатида белгиланса-да, унинг ижтимоий-маънавий ва компенсацион характери уни қўшимча жазо сифатида янада долзарб қилади. Айбдор бу мажбуриятдан бўйин товлаган тақдирда, суд томонидан у бошқа жазо тури билан алмаштирилади (масалан, жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари).

Муайян лавозимни эгаллаш ёки фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш (45-модда). Бу жазо шахсни давлат органлари, корхоналар ёки жамоат бирлашмаларида муайян лавозимларни эгаллаш ёки маълум касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этади. У жиноятнинг хусусиятига қараб асосий жазо сифатида 1 йилдан 5 йилгача, қўшимча жазо сифатида эса 1 йилдан 3 йилгача муддатта тайинланиши мумкин. Мазкур жазонинг қўлланиши, айниқса, хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноят содир этилган ҳолларда самарали ҳисобланади.

Давлат мукофотлари ва унвонлардан маҳрум қилиш (46-модда). Ушбу жазо фақат оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади. Суд ҳукми билан Туркменистон Президенти томонидан берилган фахрий унвонлар, ҳарбий ёки бошқа унвонлар, орден ва медаллар бекор қилинади. Бу жазо ахлоқий ва ижтимоий масъулиятни оширишга хизмат қилади ва суд томонидан қабул қилинган тақдимнома асосида амалга оширилади.

Муайян жойда яшаш мажбуриятини юклаш (49-модда). Мазкур жазо жиноятчини ўз яшаш жойидан бошқа ҳудудга мажбурий кўчириш орқали қўлланилади. Асосий жазо сифатида 5 йилдан 10 йилгача, қўшимча жазо сифатида эса 1 йилдан 3 йилгача муддатта тайинланади. Жазонинг бу тури жиноятчининг муҳитини ўзгартириш, жинояткор алоқаларни узиш ва ижтимоий реабилитацияни таъминлаш мақсадида хизмат қилади.

Мол-мулкни мусодара қилиш (50-модда). Мол-мулкни мусодара қилиш жазоси айбдорнинг ноқонуний йўл билан орттирилган мол-мулкни, ёки бу жиноят воситаси ёки натижаси бўлган мулкни давлат фойдасига мажбурий олиб қўйишни назарда тутати. Бу жазо жиноятдан олинган фойдани йўққа чиқариш, жиноятчиликни молиявий жиҳатдан самарасиз қилиш мақсадида қўлланилади. Бу жазо фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, яъни гаразли мақсадларда содир этилган жиноятлар учун тайинланиши мумкин.

Туркменистон Республикаси жиноят қонунчилигида қўшимча жазолар алоҳида институт сифатида шаклланган бўлиб, жиноятга комплекс ёндашуви таъминлайди. Шунингдек, Туркменистон жиноят қонунчилиги тизимида қўшимча жазолар институтининг ижроси муҳим амалий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга. Мазкур институт жиноий жавобгарликни тўлиқ ва самарали амалга ошириш, жазонинг мақсадларига эришиш ҳамда жиноятчиликка нисбатан профилактик чора сифатида хизмат қилади. Туркменистон Жиноят-ижроия кодексининг VI бўлимида қўшимча жазоларни ижро этиш механизмлари белгиланган.

Туркменистон Жиноят-ижроия кодексининг 160-моддасига кўра, агар суд томонидан айбланувчи ҳарбий ёки бошқа унвондан маҳрум этилса, суд ушбу унвонни берган

орган ёки мансабдор шахсга суд ҳукми нусхасини юборади. Шундан сўнг, тегишли орган ушбу унвонни олиб ташлаш бўйича ҳужжатларда белги қўяди ва унга бириктирилган имтиёз ва ҳуқуқлардан маҳрум қилиш чораларини кўради.

Мулкни мусодара қилиш (конфискация) — Туркменистон қонунчилигида муҳим қўшимча жазо тури бўлиб, жиноят содир этилганидан кейин орттирилган мулкни давлат фойдасига олиб қўйишни назарда тутати. Жиноят-ижроия кодексининг 161-моддасига кўра, конфискация қилиш тўғрисидаги ҳукм қонуний қучга киргач суд ижро варақаси, мол-мулк рўйхати ва ҳукм нусхасини суд ижросисига юборади.

Суд ижросиси эса ушбу мулкни аниқлайди, рўйхатга олади, рўйхатни тасдиқлатади ва уни сақлаш чораларини кўради. Мулкнинг рўйхати алоҳида ҳуқуқий тартибда юритилади ҳамда судья томонидан тасдиқланиши шарт. Шу билан бирга, ушбу мулк ўзга шахсларга (жисмоний ёки юридик) сақлаш учун топширилган бўлса, улар мазкур мулкни ёмонлаштириш, яшириш ёки ўзлаштириш учун қонун олдида жавобгар ҳисобланади.

Туркменистон жиноят қонунчилигида қўшимча жазоларнинг ижроси пухта ҳуқуқий асосга эга бўлиб, уларнинг мақсади фақат жазони қўллаш билан чекланмай, балки давлат манфаатлари ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё мамлакатлари – Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон жиноят қонунчилигида қўшимча жазолар институти муҳим амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлиб, бу жазо чораси жиноят ҳуқуқий таъсир чораларининг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, бу давлатларнинг жиноят кодексларида қўшимча жазолар мустақил жазо тури сифатида ҳам, асосий жазога қўшимча тарзда тайинланадиган чора сифатида ҳам белгиланган. Жумладан, давлат мукофотларидан, ҳарбий ёки фахрий унвонлардан маҳрум қилиш, муайян лавозимда ишлаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш каби чоралар жазо тизимини либераллаштириш ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутати.

Шунингдек, қўшимча жазоларнинг ижро этилиш тартиби, уларнинг ҳуқуқий оқибатлари ва қўлланиш механизмларида айрим умумийликлар билан бирга, ҳар бир мамлакат қонунчилигида хос миллий хусусиятлар ҳам мавжуд. Масалан, айрим давлатларда бундай жазоларни қўллаш фақат суд ҳукми билан расмийлаштирилса, бошқаларида эса ижро ҳарёенига бошқа давлат органларининг ҳам жалб этилиши кўзда тутилган.

Ушбу жиҳатлар Марказий Осиё минтақасида қўшимча жазолар институтининг ўзига хос моделини шакллантириш имкониятини яратати. Шунингдек, қўшимча жазоларнинг амалда самарали қўлланилиши фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан адолатли муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

Нуржамал АМЕТОВА,

Қорақалпоқ давлат университети мустақил тадқиқотчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аметова Н. К. Қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси: Ўзбекистон ва Қозғистон қонунчилигида // Ҳуқуқ ва бурч — 2025. — № 10. — Б. 38.
2. Гельдибаев М. Х. Лишение права занимать определённые должности или заниматься определённой деятельностью: новеллы уголовного законодательства Республики Казахстан // Вестник Московского университета МВД России. — 2019. — № 3. — С. 69–72.
3. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК (в действующей редакции) // Информационно-правовая система нормативных правовых актов Республики Казахстан «Әділет». — URL: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226> (дата обращения: 17.08.2026).
4. Нурадел М. Лишение права занимать определённые должности или заниматься определённой деятельностью как вид уголовного наказания в Республике Казахстан // Пробелы в российском законодательстве. — 2023. — Т. 16. — № 5. — С. 410–416. — EDN: ZPKBFR. — URL: <https://journals.eco-vector.com/2072-3164/article/view/568920> (дата обращения: 17.08.2026).
5. Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574 (в действующей редакции) // Национальный центр законодательства при Президенте Республики Таджикистан. — URL: <https://ncz.tj/content/уголовный-кодекс-республики-таджикистан> (дата обращения: 17.08.2026).
6. Кодекс исполнения уголовных наказаний Республики Таджикистан от 6 августа 2001 года № 32 (в действующей редакции) // Национальный центр законодательства при Президенте Республики Таджикистан. — URL: <https://ncz.tj/content/кодекс-исполнения-уголовных-наказаний-республики-таджикистан> (дата обращения: 17.08.2026).
7. Уголовный кодекс Туркменистана от 17 апреля 2022 года № 456-VI (новая редакция, введенная в действие с 1 января 2023 года) // Официальный сайт Меджлиса Туркменистана. — URL: <https://mejlis.gov.tm/single-code/27?lang=ru> (дата обращения: 17.08.2026).
8. Уголовно-исполнительный кодекс Туркменистана от 25 марта 2011 года № 164-IV (в действующей редакции) // Официальный сайт Меджлиса Туркменистана. — URL: <https://mejlis.gov.tm/single-code/13?lang=ru> (дата обращения: 17.08.2026).

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ

Жаҳон ҳамжамиятида XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида шаклланган “Тикловчи одил судлов” (Restorative Justice) концепцияси жиноятга анъанавий равишда фақат давлат ва қонунга қарши қаратилган ҳаракат деб қарашдан воз кечиб, уни биринчи навбатда шахслар ўртасидаги ижтимоий можаро сифатида баҳолашни илғари суради. Ушбу концепциянинг энг муҳим, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан самарали воситаларидан бири шубҳасиз ярашув институти ҳисобланади.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноят қонунчилигини декриминализация қилиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида ярашув институтининг ҳуқуқий мақоми ва қўлланиш кўлами босқичма-босқич кенгайиб бормоқда.

Бироқ, бугунги кундаги глобаллашув шиддати, ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаётимизга кириб бориши натижасида жиноятларнинг янгича трансформацияси, шунингдек, рақамли маконда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши ушбу институтни назарий жиҳатдан қайта идрок этишни, унинг миллий моделини ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий таҳлил қилишни ва мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни илмий асосда бартараф этишни тақозо этмоқда.

Жорий йил 16 февралда Президентимизнинг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, унда қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш бўйича 2030 йилга қадар бажариладиган бир қатор устувор вазифалар қаторида, жиноят иши юритувида ярашув институтидан фойдаланиш имкониятини 20 фоизга ошириш ҳам белгиланди.

Жиноят қонунчилиги тарихига назар ташласак, ярашув институти расман 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”даги Қонун билан Жиноят кодексига 66¹-модда сифатида киритилганини кўрамиз.

Дастлабки йилларда ушбу модданинг амал қилиш доираси чекланган бўлиб, у фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва шахсга қарши содир этиладиган бир нечта энгил жиноятларнигина қамраб олган эди. Бироқ, йиллар давомида тўпланган ижобий суд амалиёти ва ижтимоий зарурият туфайли ярашув институти қўлланиладиган жиноят таркиблари босқичма-босқич кенгайтирилиб, бугунги кунда уларнинг сони 50 тани ташкил этмоқда.

Миллий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, суриштирув ва дастлабки тергов босқичидаёқ ишларнинг ярашув асосида тугатилиши давлат бюджети маблағлари ҳамда тергов органларининг инсоний ресурсларини сезиларли даражада тежашга, яъни процессуал иқтисод тамойилининг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, бу жараёнда давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ортиқча бюрократик тўсиқлар камайиб, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончи ортмоқда. Бироқ, маҳаллий қонунчилик ва амалиётда ҳали ўз ечимини кутаётган бир қанча тизимли муаммолар ҳам мавжудки, уларни бартараф этмасдан туриб ярашув институтининг самарадорлигини ошириб бўлмайди. Масалан, амалиётда жабрланувчи вафот этган ҳолатларда унинг қонуний вакиллари ёки ҳуқуқий ворислари билан ярашиш масаласи билан боғлиқ, шунингдек, суриштирув ёки тергов органи хатоси туфайли судлар томонидан шахснинг ҳаракатлари ҳукм билан ярашув доирасига тушадиган моддага қайта малакаланган-

да айбдор шахсга ярашув институтини татбиқ этиш ёки этмаслик билан боғлиқ ҳолатлар ҳамон назарий ва амалий баҳсларга сабаб бўлмоқда, чунки амалдаги қонунчиликда ва Олий суд Пленуми қарорларида ушбу тоифадаги ишлар бўйича ярашувнинг чегаралари тўлиқ аниқлаштирилмаган.

Ушбу соҳадаги миллий муаммоларни чуқурроқ тушуниш ва уларга тўғри илмий ечим топиш учун ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси ҳамда уларда шаклланган ҳуқуқий моделларни қиёсий таҳлил қилиш ўта муҳимдир. Жаҳон юридик амалиётида жиноий жавобгарликдан ярашув асосида озод қилиш тизими асосан иккита йирик ҳуқуқ оиласи — континентал (романо-герман) ва англо-саксон ҳуқуқ тизимлари доирасида ривожланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Континентал ҳуқуқ тизимининг энг ёрқин вакили бўлган Германияда ушбу институт “Täter-Opfer-Ausgleich” (қисқача TOA) деб аталади, бу ўзбек тилига таржима қилинганда “Жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги мувозанат ёки ярашув” деган мазмунни англатади. Германия Жиноят кодексининг 46а-параграфи ва Жиноят-процессуал кодексининг 155а-параграфига мувофиқ, ушбу тизим Ўзбекистондаги каби фақат жиноятларнинг конкрет рўйхати билан чекланиб қолмайди. Германияда ярашув институти нафақат энгил ёки ўртача оғир жиноятларда, балки баъзи оғир жиноятлар содир этилган ҳолатларда ҳам суд томонидан жазони кескин енгиллаштирувчи ёки шахсни жавобгарликдан бутунлай озод қилувчи мустақил омил сифатида баҳолашни мумкин. Германия моделининг энг эътиборли жиҳати шундаки, яраштириш жараёни терговчи ёки судья томонидан эмас, балки мустақил ижтимоий хизматлар ва махсус тайёргарликдан ўтган профессионал нодавлат медиаторлар томонидан амалга оширилади. Бу эса жиноят процессини юритувчи давлат органлари ходимларининг ҳолислигини сақлаб қолишга ва томонларга ҳеч қандай маъмурий босим ўтказилмаслигига кафолат беради.

Францияда эса “Transaction pénale” (жиноий битим ёки транзакция) институти амал қилади, унга кўра прокурор судгача бўлган босқичда айбланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаш, жабрланувчи билан келишиш ва давлат фойдасига муайян мажбуриятларни бажариш эвазига жиноят ишини судга юбормасдан тугатишни таклиф этиш ваколатига эга.

Англо-саксон ҳуқуқ тизими амал қиладиган АҚШ ва Буюк Британияда эса вазият бироз бошқачароқ шаклланган бўлиб, у ерда жиноий можароларни муқобил ҳал этиш кўпроқ “Plea bargaining” (айбга иқроорлик бўйича келишув) шаклида намоён бўлади. Бу тизимда давлат номидан иш юритувчи прокурор ва айбланувчи ҳамда унинг адвокати ўртасида ўзаро манфаатли битим тузилади, яъни айбланувчи ўз айбига иқроор бўлиш эвазига енгилроқ жазо олади ёки айбловнинг баъзи моддалари олиб ташланади. Бироқ, кейинги йилларда ушбу тизимда ҳам “Victim-Offender Mediation” (VOM), яъни бевосита жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги медиация усули кенг оммалашмоқда, бунда жабрланувчининг тикланиши ва унга етказилган маънавий жароҳатни даволашга асосий урғу берилади.

Халқаро тажрибани миллий қонунчилигимиз билан таққослаганимизда, Ўзбекистондаги ярашув институтининг баъзи чекланган ва қотиб қолган қуйидаги айрим жиҳатлари яққол кўзга ташланади. Биринчидан, бизнинг Жиноят кодексимизда ярашув қўлланилиши мумкин бўлган жиноятларнинг қатъий ва ўзгартирилмайдиган рўйхати (номенклатураси) белгиланган бўлиб, ушбу рўйхатга кирмаган, лекин ижтимоий хавфлилик даражаси ва келтирган зарари бўйича унча оғир бўлмаган бошқа жиноятларда, ҳатто томонлар бир-бирини кечириб, зарар бир неча барава қилиб қопланган тақдирда ҳам ярашув институтини қўллаш имконияти мавжуд эмас. Иккинчидан, бизда ярашув жараёни ва у бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тўғридан-тўғри масъул органлар, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья каби процессуал шахслар томонидан амалга оширилади, бу эса амалиётда баъзан субъектив омилларнинг аралашуви, хусусан тергов органлари томонидан жиноятларни очиш, ишларни тугатиш кўрсаткичларини сунъий равишда яхшилаш учун томонларни мажбуран яраштириш ёки аксинча, коррупцион манфаатлар йўлида бу жараёни пайсалга солиш хавфини туғдиради. Ваҳоланки, бошқа ривожланган давлатларда бундай муҳим ва нозик ижтимоий-психологик жараён давлат органидан ажратилган ҳолис воситачилар, яъни профессионал медиаторлар иштирокида ўтказилади.

Яна бир жиддий муаммо замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар, хусусан, рақамли маконда энг кўп содир этилаётган молиявий фирибгарлик ва фуқароларнинг банк пластик карталаридан пул маблағларини яширинча талон-тарож қилиш (киберўғрилик) ҳолатлари билан боғлиқдир. Амалдаги Жиноят кодексига киритилган сўнгги ўзгартиришларга кўра, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда содир этилган ўғрилик (ЖК 169-моддасининг тегишли қисми) оғир жиноятлар тоифасига киритилган ва шу сабабли ушбу жиноятлар бўйича Жиноят кодексининг 66¹-моддасини қўллаш тақиқланади. Бироқ, суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, кўп ҳолатларда ёшлар ёки вояга етмаган шахслар компьютер технологиялари ёки ижтимоий тармоқлардаги турли алдовларга учиб, баъзан билмасдан ёки қизиққонлик оқибатида бошқа бир фуқаронинг картасидан кичик миқдордаги пул маблағини ечиб оладилар ёки ўтказиб юборадилар.

Тергов жараёнида улар ўз айбини тўлиқ тан олиб, етказилган моддий зарарни қоплаган, жабрланувчи уларни кечириб, даъвоси йўқлигини билдирса ҳам, қонундаги чеклов туфайли ушбу тоифадаги ишларни ярашув муносабати билан тугатишнинг иложи йўқ. Натижада, ҳали ҳаётни тўлиқ тушуниб етмаган ёш йигит-қизлар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилмоқда ёки уларнинг зиммасига умрбод судланганлик (гарчи, вояга етмаганлар жазони ўтаб бўлган айрим истисноларни ҳисобга олмасада судланмаган ҳисоблансаларда, уларнинг ўтмишда ҳукм қилингани ва жазони ўтагани билан боғлиқ маълумотлар тизимда сақланади) тамғаси босилмоқда, бу эса уларнинг келажақда жамиятда ўз ўрнини топишлари, таълим олишлари ва фойдали меҳнат билан шуғулланишлари жиддий тўсиқ бўлмоқда. Ваҳоланки, тикловчи одил судлов тамойиллари ва Германия ёки Франция каби давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, агар жиноят биринчи марта содир этилган бўлса, шахснинг ижтимоий хавфлилиги юқори бўлмаса ва энг муҳими жабрланувчининг ҳуқуқлари тўлиқ тикланган бўлса, давлат мажбурият чораларини қўллашдан кўра томонларнинг ярашувига йўл бериши жамият учун анча фойдалироқ ва инсонпарварроқ ечим ҳисобланади.

Юқорида баён этилган назарий мулоҳазалар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини қиёсий ўрганиш натижасида Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва тизимли такомиллаштиришга қаратилган бир қанча илмий ва амалий таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, Жиноят кодекси 66¹-моддасининг ҳозирги тузилмасини тубдан ўзгартириш лозим, яъни қонун матнида ярашув қўлланилиши мумкин бўлган жиноятларнинг аниқ моддама-модда келтирилган рўйхатидан воз кечиб, бунинг ўрнига кодексга умумий ва мосланувчан норма киритилиб, унда содир этилган жиноятнинг тури ва кодексдаги моддасидан қатъи назар, агар у қонунчилик бўйича ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кирса, шахс муқаддам қасддан содир этилган жинояти учун судланмаган бўлса, ўз айбига иқрор бўлиб, етказилган барча моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаган бўлса, ярашув институтини қўллаш имкониятини қафолатлаш лозим. Фикримизча, бундай ўзгартириш қонуннинг қотиб қолганлигини бартараф этади ҳамда судларга ҳар бир жиноят ишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, адолатли қарор қабул қилиш имконини кенгайтиради.

Иккинчидан, Жиноят-процессуал кодексига жиноят ишлари бўйича профессионал медиация усулини тўлиқ имплементация қилиш ва унинг ҳуқуқий механизмларини яратиш зарур. Бунда суриштирувчи, терговчи ёки судья томонлардан ярашиш истаги тўғрисида ариза олгандан сўнг, уларни тўғридан-тўғри яраштириш билан ўзи шуғулланмасдан, ишни махсус рўйхатдан ўтган, мустақил ва ҳолис профессионал медиаторга йўналтириши керак. Профессионал медиатор томонларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиб, улар ўртасидаги ярашув жараёни, яъни зарарни қоплаш ва бошқа шартлар расмийлаштирилганидан сўнг тузиладиган ва медиатор томонидан тасдиқланадиган "ярашув битими" ёки "келишув битими" жиноят ишини тугатиш учун суд ва тергов органларига мажбурий юридик кучга эга бўлган ҳужжат сифатида қабул қилиниши лозим. Фикримизча, бу тизим суд ва суриштирув ёки тергов органларининг иш ҳажмини кескин камайтириш билан бир қаторда, соҳада инсон омили ва субъектив ёндашувларни йўқотиб, коррупциянинг олдини олишда кучли превентив воситага айланади.

Учинчидан, иши суд муҳокамасида кўрилатган шахснинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 66¹-моддасида келтириб ўтилган рўйхатдаги моддага қайта малакаланганда, бундай шахсларга нисбатан ярашув институтини қўллаш учун судларга ваколат берувчи янги қонун нормасини қабул қилиш ва татбиқ этишнинг янгича тартиб ва механизмларни ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бу эса, минглаб айбланган шахсларнинг жавобгарликдан озод этилиши ва судланмасдан қолишига, шикоятларнинг камайишига ҳамда яқунда адолатли қарор қабул қилинишига хизмат қилган бўлар эди.

Тўртинчидан, кибермаконда содир этилаётган ва ижтимоий хавфлилиги унчалик юқори бўлмаган молиявий жиноятлар, хусусан, банк карталари ва электрон ҳамёнлардан фойдаланган ҳолда содир этилган баъзи жиноий қилмишлар бўйича, агар ушбу қилмиш шахс томонидан биринчи марта содир этилган бўлса, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ ҳажмда, ҳатто қонунда белгиланган қўшимча компенсациялар билан бирга қопланган тақдирда, истисно тариқасида ярашув институтини қўллашга рухсат берувчи махсус норматив ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши давлатимизда юридик соҳада олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини қисқа муддатларда тиклашга ҳамда одил судловнинг сифати, шаффолиги ва самарадорлигини халқаро стандартлар даражасида таъминлашга хизмат қилади.

Бекзод ЖУМБАЕВ,

жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг раиси.



ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада шахсий ҳаёт дахлсизлигини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилишининг Франция Республикаси, Италия Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси тажрибаси мисолида қиёсий-ҳуқуқий таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: шахсий ҳаёт дахлсизлиги, жиноий-ҳуқуқий ҳимоя, қиёсий жиноят ҳуқуқи, шахсий маълумотлар, маъмурий преюдиция, оғирлаштирувчи белгилар.

Рақамли технологияларнинг кундалик турмушга ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларига жадал кириб бориши шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқига тажовуз қилиш усуллари ҳамда шакллари-нинг кескин ўзгаришига олиб келмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари шахсий маълумотларни йиғиш, сақлаш ва тарқатиш жараёнларини мисли қўрилмаган даражада осонлаштирди. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқини жиноий-ҳуқуқий воситалар орқали кафолатли ҳимоя қилиш механизмларини қайта қўриб чиқиш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳар ким шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ, мазкур конституциявий норманинг амалдаги Жиноят кодекси (141¹ ва 141²-моддалар) нормалари билан мутаносиблиги ҳамда уни қўллаш амалиётида бир қатор қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашга оид бўшлиқлар кузатилмоқда.

Тадқиқот давомида шахсий ҳаёт дахлсизлигини жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича ривожланган ва ривожланаётган давлатлар (Франция, Италия, Германия, Россия ва Қозоғистон) тажрибаси қиёсий ўрганилди. Таҳлил натижалари қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олади:

- **Жиноят объектини чегаралаш.** Хорижий давлатлар қонунчилигида шахсий дахлсизлик нафақат умумий маълумотлар тўплами, балки унинг алоҳида таркибий қисмлари (хусусий ҳаёт, махфий мулоқот, тасвир, аудиофайллар) кесимида аниқ объект сифатида белгиланган.

- **Actus reus (объектив томон) техникаси.** Рақамли муҳитда содир этиладиган тажовузларни (геолокация маълумотларини ноқонуний кузатиш, яшрин видео ва аудиоёзувга олиш) қамраб олувчи махсус моддий ва расмий жиноят таркиблари ишлаб чиқилган.

- **Оғирлаштирувчи белгилар тизими.** Хорижий кодексларда ахборот-телекоммуникация тармоқларидан (интернетдан) фойдаланган ҳолда содир этиш, оммавий намойиш қилиш, тижорат ёки бошқа гаразли мақсадларда фойдаланиш алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида малакаланади.

- **Жиноий таъқиб ва конфликтларни ҳал этиш.** Шахсий дахлсизликка оид жиноятлар бўйича хусусий ва хусусий-айблов тартибининг аниқ нисбати белгиланган бўлиб, сўз эркинлиги ҳамда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи ўртасидаги тўқнашувларни ҳал этиш механизмлари йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141¹-моддаси (Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш) ва 141²-моддаси (Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) таҳлили қуйидаги асосий муаммоларни кўрсатди:

- **Маъмурий преюдиция институтининг унификация қилинмаганлиги ва нотўғри қўлланилиши.** Айрим қилмишлар

учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик ўрнига аввал маъмурий жазо қўлланилиб, шундан кейингина жиноий таъқиб қилиш тартибининг мавжудлиги шахсий ҳаёт дахлсизлигини тезкор ҳимоя қилишга тўсқинлик қилмоқда.

- **Махсус жиноят таркибларининг етишмаслиги.** Шахснинг тасвирга бўлган ҳуқуқи (right to one's image), овози ҳамда реал вақтдаги геолокация маълумотларини ноқонуний йиғиш ва тарқатиш учун мустақил жиноят таркиби назарда тутилмаган.

- **Оғирлаштирувчи белгиларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги.** Кибермаконда сунъий интеллект технологияларидан (масалан, Deepfake) фойдаланган ҳолда сохталаштирилган шахсий маълумотларни тарқатишга нисбатан жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик аниқ дифференциаллаштирилмаган.

- **Категориялаштириш ва дифференциациянинг етарли эмаслиги.** Шахсий маълумотларнинг алоҳида (нозик) тоифалари — биометрик, генетик, тиббий ва диний маълумотлар бўйича махсус жиноий-ҳуқуқий муҳофаза чоралари назарда тутилмаган.

Ўтказилган қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқланган муаммолардан келиб чиқиб, шахсий ҳаёт дахлсизлигини жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги олтита таклиф илгари сурилади:

1. Маъмурий преюдиция институтини босқичма-босқич қисқартириш ҳамда шахсий ҳаётнинг ўта махфий соҳаларига (тасвир ва биометрик маълумотларга) тажовуз қилганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликни белгилаш.

2. Жиноят кодексида шахснинг тасвирга бўлган ҳуқуқи, овози ва геолокация маълумотларини ноқонуний йиғиш ёки тарқатиш учун алоҳида модда ёки жиноят таркибини назарда тутиш.

3. Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсий маълумотларни (Deepfake) сохталаштириш орқали шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузганлик учун квалификация қилувчи оғирлаштирувчи белгиларни киритиш.

4. Махсус тоифага мансуб шахсий маълумотлар (тиббий, биометрик ва генетик маълумотлар) дахлсизлигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни дифференциация қилиш ҳамда санкцияларни кучайтириш.

5. Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган шахсий ҳаёт дахлсизлигига тажовузларни алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайта қўриб чиқиш.

6. Жиноят кодексига шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва махфий маълумотлар дахлсизлигини таъминлашга қаратилган янги норматив қоидаларни киритиш.

Жасурбек БОЗОРОВ,

Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти.

БЛАНКЕТ (ҲАВОЛА ҚИЛУВЧИ) НОРМАЛИ ЖИНОЯТЛАРНИ МАЛАКАЛАШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада бланкет диспозициянинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилади, унинг жиноят-ҳуқуқий тизимдаги табиати ва функцияларига доир турли қарашлар таҳлил қилинади. Қонунийлик, олдиндан билиш имконияти (прогноз қила олишлик) ва ҳуқуқнинг қулайлиги (ҳамма учун очиқлиги) масалаларига, шунингдек, бланкетирувчи (ҳавола қилувчи) нормалар ва улар тўлдирадиган нормалар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш зарурияти муносабати билан юзага келадиган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилади. Мақола муаллифи замонавий юридик амалиётда бланкет диспозиция ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлашга ҳамда уларнинг жиноий одил судловнинг самарадорлиги ва адолатлилигига таъсирини баҳолашга интилади.

Калит сўзлар: бланкет диспозиция, жиноят-ҳуқуқий норма, қонунчилик механизми, жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш, одил судлов.

Жиноят-ҳуқуқий норманинг бланкет диспозицияси — замонавий юридик фандаги энг мураккаб ва баҳсли тушунчалардан бири бўлиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос механизмини ифодалайди. Унда жиноят-ҳуқуқий норма мазмуни бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардаги норматив кўрсатмаларга боғлиқ қилиб қўйилади. Бу эса ҳуқуқ тизимига жамиятдаги ўзгаришларга янада мослашувчан ва тезкор муносабат билдириш имконини беради. Бироқ шу билан бирга, бундай нормаларни қўллаш чегаралари ва шартларини белгилаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳам юзага келтиради.

Ҳуқуқшунос Е. С. Гордеевнинг фикрича, жиноят-ҳуқуқий норманинг бланкет диспозицияси — бу жиноят таркибини аниқлаштириш учун жиноят-ҳуқуқий нормани бошқа, асосан, жиноят қонунига нисбатан ташқи бўлган норматив ҳужжатга йўналтириш имконини берадиган қонунчилик механизми. Унинг механизми жиноят қонунчилигини ижтимоий ҳаётнинг ўзгарувчан шароитлари ва технологик тараққиётга янада мослашувчан ҳолга келтиришга хизмат қилади.

Бизнингча, бундай ечим жиноятларнинг янги шаклларига самарали муносабат билдириш ва Жиноят кодексига ўзгартириш киритишнинг узок жараёнини четлаб ўтиб, уларни тартибга солишнинг ҳуқуқий майдонига тезроқ киритиш учун муҳимдир. Ўзбекистон ҳуқуқий тизими доирасида эса бланкет нормаларни қўллаш узок тарихга эга ва жиддий ўзгаришларга учраган. К. А. Сич ва Г. В. Ишчук олиб борган тадқиқотларга таяниб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда бланкет диспозициялар XIX аср охири – XX аср бошларидан жиноят ҳуқуқида фаол қўлланила бошланган. Бу техника, саноат ва транспортнинг жадал ривожланиши шароитида янада тезкор жиноят-ҳуқуқий тартибга солишга эҳтиёж билан боғлиқ эди.

Шунингдек, ўша даврда мавжуд бўлган қонунчилик ўзгарувчан шароитларга тез мослаша олмаганини, бу эса қонун чиқарувчини ҳуқуқий тартибга солишнинг янги шакллари излашга мажбур қилганини таъкидлаш жоиз. Бланкет диспозициялар эса жиноят ҳуқуқини янги ва юзага келаётган вазифаларни ҳал этишда янада мослашувчан ҳамда самарали қилиш имконини берган. Эътиборни шунга қаратамизки, ҳуқуқий тартибга солишнинг совет даврида бланкет нормалардан фойдаланишда сезиларли ўзгаришлар юз берди: улар иқтисодий жиноятлар, бошқарув соҳасидаги қонунбузарликлар ва бошқа ижтимоий хавфли қилмишларга қарши курашиш учун жиноят қонунчилигида қўлланилди. Ҳўжалик ва бошқа фаолиятнинг муайян жиҳатларини тартибга солишчи норматив ҳужжатларга ишора қилиш учун фаол фойдаланилган бу нормалар Жиноят кодексининг ўзига ўзгартиришлар киритилишини кутмасдан, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга тез

ва мослашувчан муносабат билдириш имконини берар эди. Ўзбекистон ССР даврида жиноят ҳуқуқида бланкет диспозициялардан фойдаланишнинг янада ривожланиши ва кенгайиши кузатилди. Бу Ўзбекистон Республикасининг замонавий Жиноят кодексига жиноят таркибини аниқлаштирувчи норматив ҳужжатларга ҳавола қилувчи бир қатор моддалар мавжудлигида ўз аксини топди. Бу ҳолат экологик хавфсизлик, гиёҳвандлик воситалари айланмаси, ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа соҳаларда яққол намоён бўлади. Бундай тартибга солиш жиноят қонунчилигини ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан пухта уйғунлаштиришни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий мониторинг ва таҳлил қилиб боришни талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон жиноят қонунчилигида бланкет диспозициялардан фойдаланишнинг ретроспектив таҳлили уларни қўллашнинг ижобий томонларини ҳам, юзага келадиган қийинчиликларни ҳам кўриш имконини беради. Нормаларда аниқлик ва муайянлиқнинг йўқлиги, ҳавола хусусиятига эгалиги, талқин қилиш ва ҳуқуқни қўллаш муаммолари — буларнинг барчаси қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни қўлловчи олди-га жиддий вазифаларни қўяди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жиноят-ҳуқуқий норманинг бланкет диспозицияси шундай ҳуқуқий механизмки, унда жиноят ҳуқуқи нормаси мазмуни бошқа қонунчилик ҳужжатлари қоидалари билан тўлдирилади ёки аниқлаштирилади.

Бланкет диспозиция тушунчаси жиноят ҳуқуқининг технологик ёки иқтисодий ривожланиш натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли ҳаракатларнинг янги турларига муносабат билдириш зарурати билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, тақик доирасини аниқлаштириш учун кўпроқ жиноят ҳуқуқи нормалари эмас, балки жиноят ҳуқуқи нисбатан махсус ёки бошқа ташқи норматив ҳужжатлар масъул бўлади. Бланкет диспозициянинг моҳияти эса жиноят қонун нормасининг ўзига расмий ўзгартириш киритмасдан ўзгариши ёки тўлдирилишига имкон берадиган жиноят-ҳуқуқий нормаларни яратишдан иборат. Бунинг ўрнига ўзгартиришлар ҳавола қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ўзига киритилади.

Бизнингча, бундай механизм жиноят қонунчилигини жадал ўзгартириб бораётган ижтимоий-иқтисодий ва техникавий шароитларга мослаштиришнинг қулай воситаси ҳисобланади. Бланкет диспозициялар турларини таҳлил қилар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, уларни ҳавола қилинаётган манбага қараб бир неча асосий туркумга ажратиш мумкин. Булар, аввало, давлат органлари ва ташкилотларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, битимларга



ёки халқаро шартномаларга қилинган ҳаволалардир. Муҳим бир жиҳати шундаки, бланкет норма эркин талқин қилишга йўл қўймайди; у ҳавола қилинган ҳужжатдаги кўрсатмаларга аниқ риоя этишни талаб қилади.

Замонавий жиноят ҳуқуқида бланкет диспозициянинг аҳамияти ҳақида гапирганда, унинг ўрнини беқиёс деб айтиш мумкин. Чунки унинг ёрдамида жиноят қонунчилигининг зарур даражадаги мослашувчанлигига эришилади, унинг долзарблиги ва тез ўзгарувчан дунёга муносиблиги таъминланади. Шу нуқтаи назардан, бланкет диспозиция глобаллашув шароитида самарали ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаган ҳолда халқаро стандарт ва талабларни миллий қонунчиликка тезкорлик билан жорий этишга ёрдам беради. Бироқ, бланкет диспозициялардан фойдаланиш муайян хатарларни ҳам юзага келтиради. А.В. Сельский таъкидлаганидек, хусусан, жиноят-ҳуқуқий нормани тўлиқ англаб етиш учун кўплаб ташқи манбаларни таҳлил қилиш зарурати туғилганда, ҳаддан ташқари норматив тарқоқлик хавфи пайдо бўлади.

Таъкидлаш жоизки, жиноят-ҳуқуқий норманинг бланкет диспозицияси ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос механизми бўлиб, унда жиноят-ҳуқуқий норма мазмунининг бошқа ҳуқуқ тармоқларида назарда тутилган тартибга солишга маълум даражада боғлиқлиги белгиланади. Бу шуни англатадики, жиноят таркибини аниқлаш учун нафақат жиноят қонунига, балки “ижтимоий хавфли қилмиш”, “зарар”, “сезиларли зарар” каби тушунчаларга аниқлик киритувчи бошқа соҳалардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам мурожаат қилиш лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, замонавий жиноят ҳуқуқида бундай бланкет нормаларнинг аҳамияти қонунчиликни доимий ўзгартириш заруратисиз жиноят-ҳуқуқий тартибга солишни ижтимоий ҳаётнинг ўзгарувчан шароитларига, жамиятнинг техник тараққиёти ва иқтисодий ривожланишига мослаштириш имкониятини беришидадир. Бироқ, бланкет диспозициялардан фойдаланиш жиноят ҳуқуқининг манбалари ва унинг тизимлилигига оид саволларни келтириб чиқаради. Чунки аъёнага кўра, жиноят ҳуқуқининг манбалари Жиноят кодекси ва жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқидаги бланкет диспозициялар муаммоси қонунчилик техникаси ва қонунчилик сифати масалалари билан ҳам боғлиқ. Кўпинча қонун чиқарувчи бланкет ҳаволалардан жиноят-ҳуқуқий нормалар унсурларига аниқлик киритиш бўйича ваколатларни ижро этувчи ҳокимиятга ёки ҳатто нодавлат органларга ўтказиш воситаси сифатида фойдаланади. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллашда ўзбошимчалик ва ноаниқлик хавфини келтириб чиқаради, шунингдек, бундай амалиётнинг демократия ва ҳокимиятлар бўлиниши тамойилларига мувофиқлигини шубҳа остига қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 12-боби бўйича қуйидагиларни таъкидлаш лозим: жиноят-ҳуқуқий норманинг бланкет диспозицияси қонунчиликни тартибга солишнинг ўзига хос усулини ифодалайди. Бунда жиноий жазоланадиган, деб тан олинган қилмишнинг тавсифи жиноят қонунида тўлиқ очиб берилмайди, уни шарҳлаш учун эса тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларга мурожаат қилиш зарур бўлади. Бундай ёндашув жиноят қонунчилигини ижтимоий ҳаёт ва давлат бошқарувидаги ўзгаришларга нисбатан янада мослашувчан ва адаптив бўлишини таъминлайди. Шу ўринда жиноят-ҳуқуқий норманинг бланкет хусусиятга эгаллиги ушбу нормаларни амалиётда қўллашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаришини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят

кодексининг иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларга бағишланган 12-бобида бланкет диспозицияли бир қатор нормалар мавжуд. Бундай нормалар жиноят таркиби ва унинг жиноий жазога сазоворлигини аниқ белгилаш учун нафақат Жиноят кодекси қоидаларини, балки иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи турли қонун ва қонуности ҳужжатларини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини англатади.

М.П.Прониннинг фикрича, диспозицияларнинг бланкетлиги шундай тузилганлиги билан ажралиб турадики, қилмишнинг жиноят белгиларига мос келиши масаласи иқтисодий соҳадаги меъёрий тартибга солишнинг жорий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий қонунчиликдаги ҳар қандай ўзгариш ҳаракатларни жиноий жазоланиши нуқтаи назаридан баҳолаш мезонларининг ўзгаришига олиб келиши мумкинлигини билдиради.

Бундай ёндашувнинг ҳам афзалликлари, ҳам камчиликлари бор: – бланкетлик Жиноят кодексига доимий ўзгартиришлар киритиш заруратисиз иқтисодий соҳадаги янги хавф ва таҳдидларга тезкор муносабат билдириш имконини беради, бу жадал ривожланаётган бозор шароитида шубҳасиз устунлиқдир; – бундай норматив ноаниқлик ҳуқуқни қўллаш амалиётида қийинчиликлар туғдиради, чунки ҳуқуқни қўлловчилар қилмишларни тўғри малакалаш учун кўп сонли ва кўпинча ўзгариб турадиган норматив ҳужжатларга мурожаат қилишларига тўғри келади.

Юқорида айтилганларни умумлаштирадиган бўлсак:

1. Бланкет нормалар тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароит ва технологик ривожланишга мослашиш имконини берувчи жиноят-ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда.

2. Бланкет диспозиция жиноят қонунчилигининг мослашувчанлиги ва адаптивлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати. Бу — жиноят ҳуқуқининг ижтимоий, технологик ва иқтисодий ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришига имкон берадиган восита. Бироқ ундан фойдаланиш ҳуқуқий аниқликни таъминлаш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳавола қилинаётган нормаларнинг аниқлиги, тушунарлилиги ва очиқлигини таъминлаш бўйича пухта ҳуқуқий иш олиб боришни талаб этади.

3. Жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозицияларининг бланкетлиги жиноят қонунчилигини замонавий шароитларга мослаштириш зарурати билан қонуннинг ҳуқуқий аниқлиги, қонунийлиги ва ҳаммабоплиги талаблари ўртасидаги мувозанатни тақозо этади. Бу мушкул вазифани бланкет ҳаволалардан фойдаланишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, қонунчилик сифати ва унинг конституциявий тамойилларга мувофиқлиги устидан назоратни кучайтириш, шунингдек, жиноят қонуни ҳавола қилаётган барча норматив ҳужжатларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш орқали ҳал қилиш мумкин.

4. Жиноят ҳуқуқи учун бундай диспозициялар маълум даражада фойдали эканлигига қарамай, уларни қўллашда қонунийлик, адолат ва ҳуқуқни қўллашнинг башорат қилиниши тамойилларига риоя қилган ҳолда тўғри ва пухта ўйланган ёндашув зарурлигини ҳисобга олиш муҳимдир.

5. Долзарб ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, иқтисодий фаолият субъектлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи долзарб бўлиб бормоқда.

Бекзод ПЎЛАТОВ,

*Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси.*

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бугунги кунда долзарблигини йўқотмаган мавзулардан бири ҳисобланади. Чунки йўл ҳаракатини таъминлаш бевосита инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ўз ичига олади ва бу Конституциямиздаги яшаш ҳуқуқининг таъминланиши билан бевосита боғлиқдир. Бу масала айнан бугунги мавзу бўлмасдан, қадим даврлардан ўзининг кўп йиллик ривожланиш босқичини босиб ўтди. Тарихий манбалардан маълумки, “Буюк ипак йўли”нинг мавжудлиги ва унда кўплаб давлатлар қарвонларининг ҳаракатланиши, ушбу йўлга эгалик қилиш ҳиссининг устунлиги, қарвонларнинг хавфсизлигини таъминлаш, талон-тарож қилишининг олдини олиш шу даврдаги давлатларнинг асосий муаммоларидан бири бўлган.

Ҳозирги даврда эса, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш кўплаб мамлакатларнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистонда 2019 йилда йўл-транспорт жароҳати ўлимнинг барча сабаблари орасида 6-ўринни эгаллади (эркаклар учун 4 ўрин) ва жароҳатлар туфайли ўлимнинг асосий сабабларидан биридир. Йўл-транспорт ҳодисалари, шунингдек, мамлакатда ногиронликка олиб келиши бўйича 7 ўринни (яна эркаклар учун 4 ўрин) ва 25-34 ёшдаги ёшлар ўртасидаги ўлим ва ногиронликнинг асосий сабабларидир – бу ҳам инсоний, ҳам молиявий фожа ва ёшларнинг йўқотишини англатади¹. Янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимида ҳам масъул давлат органларининг ўзаро ҳаракат алгоритмини тизимли равишда ишлаб чиқиш, вазифа ва мажбуриятларини мувофиқлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

2024 йилда БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва болалар жамғармаси томонидан “Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини баҳолаш шарҳи” ишлаб чиқилди. Ушбу шарҳда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, масъул ташкилотлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериб ўтилган. Ундаги тавсияларни ўрганиб чиқар эканмиз, қонунчилигимизда мавжуд айрим бўшлиқларни англаймиз ва уларни тўлдириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдириб ўтамиз.

Хавфсиз тизим ёндашувига асосланиб, Ўзбекистон йўл ҳаракати хавфсизлигининг асосий манфаатдор томонлари ўртасидаги мувофиқлаштиришни янада ошириш ҳамда миллий ва маҳаллий даражада инсон салоҳиятини мустаҳкамлаш орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришни ривожлантириши мумкин. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишни такомиллаштириш яна бир устувор вазифадир. Йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш шакллари CADAS (йўл-транспорт ҳодисалари бўйича умумий маълумотлар тўплами) стандарти асосида такомиллаштирилиши ва Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва сугурта компанияларининг йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидаги ёзувлари ўзаро текширилиши ва ягона маълумотлар базасида сақланиши керак². Бу ёндашувнинг жорий этилиши, албатта, ўз ижобий самарасини бериши турган гап. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳамкорликка транспорт вазирлиги ва миллий статистика қўмитасини ҳам ўз вазифалари доирасида қўшиш манфаатли бўлади. Чунки ИТХ (йўл транспорт ҳодисаси) содир бўлишида йўлларнинг сифати муҳим аҳамият касб этади. ИТХ тегишли шароит яратилмаганлиги (етарли даражада ёритилмаслик, асфалт қопламасининг талабга жавоб бермаслиги натижасида пайдо бўладиган нотекисликлар, техник ишлар

амалга ошириладиган ҳудуд ҳақида ҳайдовчини огоҳлантирувчи белгиларнинг ўрнатилмаслиги ва бошқалар) натижасида содир бўлганлиги ўз тасдиғини топса, ушбу ИТХга содир бўлишининг асосий омили аниқланиб, у бартараф этилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича статистик маълумотларни йиғиш ИИВ томонидан амалга оширилади. 2018 йилдан бошлаб ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ўз оммавий ахборот воситаларида йўл-транспорт ҳодисаси маълумотларининг айрим қисмларини чоп қилишни бошлади³. “Расмий статистика тўғрисида”⁴ги Қонунга мувофиқ Давлат статистика қўмитаси (ДСҚ) Ўзбекистонда барча соҳалар бўйича расмий статистикани тақдим этувчи етакчи орган ҳисобланади.

2017-2018 йиллар учун Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва ДСҚ томонидан эълон қилинган маълумотларда тафовутлар мавжуд. Ушбу номувофиқликлар эълон қилинган статистик маълумотларга ишончининг пасайишига ва ишончли маълумотларга асосланган йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқарувини хавф остига қўйиши мумкин⁵.

ЙХХХ ва ДСҚ томонидан тақдим этилган маълумотлардаги фарқ⁶

Yil/Manba	2017	2018	2019	2020	2021
DSQ	10 044	8 990	8 092	6 982	10 001
IIV	9 637	8 458	8 092	6 982	10 001
Farq	407	532	0	0	0

Ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз қонунчилигимиз ва ҳориж тажрибасини ўрганадиган бўлсак, юртимизда ИТХлари ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 ноябрь кундаги “Йўл-транспорт ҳодисаларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”⁷ги 303-сон қарори талаблари асосида ташкил этилмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасига тўхталсак, Камбоджада Йўл-транспорт ҳодисалари ва жабрланувчилар ҳақида маълумот тизими (RCVIS) полиция ва соғлиқни сақлаш муассасалари маълумотларини бутун мамлакат бўйлаб йўл-транспорт ҳодисалари натижасида келиб чиқадиган жароҳатлар ва ўлимларни кузатиш учун бирлаштиради. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Жамоат ишлари ва транспорт вазирлиги ўртасида маълумотларни бирлаштириш бўйича расмий келишув полиция ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан олинган йўл-транспорт ҳодисалари қурбонлари ҳақидаги маълумотларни ягона йўл-транспорт ҳодисаларини кузатиш тизимига бирлаштириш учун зарур бўлган асосни яратди⁸. Ушбу тажрибани ўрганиб, илмий изланишлар давомида ўзига хос ечимни тақлиф этмоқчи-



миз, ЙПХ ходими ЙТХ содир бўлган жойга етиб боради ва ягона онлайн базага ушбу воқеа содир бўлган жой тўғрисидаги маълумотлар ва ундаги иштирокчилар тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда ушбу ҳодиса учун маълумотлар базасида ягона идентификация рақами ажратилади. Тан жароҳати олганлик, ярадорлар ва ҳалок бўлганлар тўғрисидаги маълумотлар ССВ томонидан киритилади, ЙТХга йўлдаги нотекистиклар сабаб бўлганлиги ўз тасдиғини топган тақдирда, Транспорт вазирлиги мавжуд муаммони бартараф этиш чораларини кўради ва ягона статистик маълумот шаклланади. Бу каби тизим ЙТХлар сони, унда иштирок этганлар ва жабрланганлар сони тўғрисидаги аниқ маълумотларни олишга хизмат қилади.

Замонавий тиббиётимизда ЙТХ содир бўлган жойга ўз вақтида етиб бориш йўл транспорт ҳодисаси натижасида жабрланганларга “олтин вақт”⁹ ичида ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бунда тез тиббий ёрдам хизмати ҳодиса содир бўлган жойга ўз вақтида етиб келиши зарур. Амалиётда тез тиббий ёрдам машиналари йўлларда ҳаракатланишда имтиёз берувчи қурилмалар (махсус товуш чиқарувчи ва кўк-қизил ёнувчи маёқчалар) воситалар билан жиҳозланган. Аммо, ЙТХ содир бўлган манзилнинг нотўғри айтилиши “олтин вақт”дан самарали фойдаланиш имконини камайтириб юборади. Буларнинг олдини олиш учун тез тиббий ёрдам машиналарига замонавий GPS қурилмаларини ўрнатиш ва ҳудуд харитасини юклаб олиш ўз самарасини беради. Аммо, масаланинг яна бир бошқа тарафига назар ташлаб кўрамиз, ҳудуд, маҳалла ва кўча номлари ушбу дастурда тўғри киритилганми ва ҳозирги ном билан тўғри келадими? Айнан мана шу тарафи орқали Кадастр агентлиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликка қўшилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрель кундаги “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-113-сон Фармони¹⁰га биноан ҳар қандай янги қурилган бино-иншоот ёки янги кўчани фойдаланишга топширишдан олдин айнан ягона манзиллар реестрига ўзгартириш киритиш тартибини жорий этиш белгиланган. Кадастр агентлиги тўғрисидаги низом¹¹да агентликнинг асосий вазифа ва функциялари қаторида кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри шакллантирилиши ва юритилишини ташкил этади, деб белгилаб берилган. Шу асосга мувофиқ “Йўл ҳаракати тўғрисида”¹²ги Қонун Кадастр агентлигининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги асосий вазифаларини белгилаб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Янги Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш ёшларни асраб-авайлаш, уларнинг билим олиши учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз раҳбари эътиборидаги асосий масалалардан биридир. Айнан уларнинг билим олишга интилишини рағбатлантириш, сифатли таълим олиш ҳуқуқини кафолатлаш юртимиз равнақини юксалтиришга хизмат қилади. Айнан ёшлар билан рўй берадиган йўл транспорт ҳодисаларига уларни “ҳимоясиз йўл иштирокчилари” қаторига қўшсак бўлади. Чунки улар ҳайдовчи эмас ва йўлда ҳаракатланувчи пиёдалар қаторига киради. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига қарашли барча мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларида мактабгача таълимнинг “Илк қадам” давлат ўқув дастурига мувофиқ йилнинг ноябрь ойи “Транспорт ва хавфсизлик” ойи этиб белгиланган. Унга кўра болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда транспорт ва йўл ҳаракати хавфсизлигига оид мавзуларда машгулотлар

ўтказилмоқда. Хусусан, 1-ҳафтада “Транспорт билан танишиш” ва “Транспорт турлари”, 2-ҳафтада “Кичик йўловчи”, “Транспорт ва экология”, 3-ҳафтада эса “Светофор”, “Йўлдаги ёрдамчиларимиз” ҳамда “Эҳтиёткор пиёда” мавзуларида машгулотлар ташкил этилиши, ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини “Йўл ҳаракати қоидалари” йўналишида тарбиявий суҳбатлар ўтказилиб, улар “Хавфсиз пиёда”, “Одобли йўловчи” ва “Светофор” каби мавзулар асосида олиб борилиши белгиланган. Ушбу суҳбатларни самарали ташкил этиш учун педагоглар учун махсус ўқув қўлланма ишлаб чиқилганлиги, мактабгача таълим ташкилотлари Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан ҳамкорликда ЙПХ инспекторлари иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиб келинаётганлиги, умумтаълим мактабларида эса “Тарбия”, “Технология”, “Тасвирий санъат” фанлари ўқув дастурлари таркибига “Биз-йўл ҳаракати қатнашчиларимиз”, “Хатти-ҳаракат қандай бўлса, оқибат ҳам шундай бўлади”, “Жамоат транспорти одоблари”, “Мактабга йўл”, “Уйдан мактабгача йўл”, “Светофорлар” ва бошқа бир қатор мавзулар киритилган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари бўйича билимлар бериб келинаётганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги ПҚ-316-сон қарорига мувофиқ 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Хавфсиз ва раво йўл” умуммиллий дастури доирасида мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш синфхоналари ташкил этилганлиги мақсадга мувофиқ. Бизнинг фикримизча мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларида ўқув машгулотларини амалиёт билан боғлаган ҳолда ўтказиш ва бунда барча имконият ҳамда шароитларга эга бўлган Ўзбекистон муҳофазасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти билан мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиши ўз ижобий самарасини беради. Ёшлиқдан йўлларда ҳаракатланиш тартибини ўрганган болаларда ўзига хос ҳуқуқий онг шаклланади ва нима мумкин, нима мумкин эмас деган тушунчаларга ўз муносабати шаклланади.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиб айтганда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш кўп қиррали идоралараро ҳамкорликка асосланиши зарур ва ушбу ҳамкорликнинг самарали ташкил этилиши йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

Зухриддин МУҲАММАДАЛИЕВ,

Наманган вилояти ИИБ ходими,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.who.int/data/gho/data/themes/mortality-and-global-health-estimates/ghe-leading-causes-of-death>
2. <https://unece.org/sites/default/files/2024-05/Road%20Safety%20Performance%20Review%20Uzbekistan.pdf>
3. <https://yhx.uz/ru/statistics>
4. <https://lex.uz/docs/5569619>
5. <https://unece.org/sites/default/files/2024-05/Road%20Safety%20Performance%20Review%20Uzbekistan.pdf>
6. <https://unece.org/sites/default/files/2024-05/Road%20Safety%20Performance%20Review%20Uzbekistan.pdf>
7. <https://lex.uz/docs/1899292>
8. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC5464331/>
9. Олтин вақт- тиббиётда жабрланганларга дастлабки тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатишга айтилади, айнан, ўз вақтида кўрсатилган тез тиббий ёрдам беморнинг оғир ахволга тушуши ва ҳалок бўлишини олдини олишга хизмат қилади.
10. <https://lex.uz/uz/docs/-5971599>
11. <https://lex.uz/uz/docs/5286538>
12. <https://lex.uz/docs/6764454>

СУДЬЯ ФАОЛИЯТИДА РУҲИЙ БОСИМЛАРНИНГ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада судья фаолиятида ҳуқуқий онг деформациясининг намоён бўлиш шакллари ҳамда унинг одил судловни амалга ошириш ва қонуний қарорлар қабул қилиш жараёнига кўрсатадиган салбий таъсири таҳлил қилинади. Тадқиқотда судьялар ўртасида ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуқий инфантилизм ва касбий деформациянинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилган. Шунингдек, суд қарорларининг ҳолислигини таъминлаш ҳамда касбий онгдаги салбий ўзга-ришларни бартараф этишга қаратилган амалий механизмлар ва институционал тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: одил судлов, касбий этика, айбловга оғишганлик, стереотипик фикрлаш, касбий куйиш, психологик мониторинг, судьялар мустақиллиги.

Одил судловнинг сифати ва жамиятнинг суд тизимига бўлган ишончи бевосита судьяларнинг ҳуқуқий онги ҳамда касбий этикасига боғлиқ. Бироқ, юқори иш ҳажми, психологик босим ва ижтимоий омиллар таъсирида судьялар фаолиятида ҳуқуқий онг деформацияси (бузилиши) кузатилиши мумкин. Ҳуқуқий онг деформацияси — ҳуқуқий қадриятлар, нормалар ва принципларни субъектив равишда нотўғри идрок этиш ёки уларни инкор қилиш ҳолатидир. Судья фаолиятида ушбу ҳолат шунчаки назарий муаммо эмас, балки инсон тақдири, қонун устуворлиги ва қабул қилинаётган суд ҳужжатларининг адолатлилигига бевосита дахлдор бўлган жиддий хавф ҳисобланади. Мазкур тадқиқот судья фаолиятида ҳуқуқий онг деформациясининг қарор қабул қилиш механизмига салбий таъсирини очиб бериш ҳамда уни бартараф этиш йўллари тизимли таҳлил қилишга қаратилган.

Судья фаолиятида деформациялашган ҳуқуқий онг муаммоси ҳамда унинг қарор қабул қилиш жараёнига салбий таъсири юридик психология, суд социологияси ва коррупцияга қарши кураш йўналишларида кенг тадқиқ этилган. Ушбу соҳадаги илмий изланишларни шартли равишда ўрта асосий ғуруҳга ажратиш мумкин: **профессионал деформациянинг табиати, унинг қарор қабул қилишга таъсири ва уни бартараф этиш механизмлари.**

Ҳуқуқий онг деформациясининг моҳияти ва унинг келиб чиқиш сабаблари хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан чуқур ўрганилган. Хорижий тадқиқотларда Г. Авенариус, С. П. Безноссов каби юридик психология намоёндалари профессионал деформацияни шахснинг узок вақт давомида бир хил касбий муҳитда фаолият юритиши натижасида унинг психологик ва ҳулқ-атвор хусусиятларининг салбий томонга ўзгариши сифатида баҳолайдилар. С. П. Безноссов ўз ишларида судьялар ўртасида “ҳамма нарсадан шубҳаланиш” (касбий паранойя) ва ҳуқуқий нигилизм (қонун нормаларига беписандлик) деформациянинг энг хавфли кўринишлари эканлигини таъкидлайди.

Ўзбекистонлик олимлардан Г. Тўлаганова, Х. Азимов ва М. Рустамбаев ишларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда суд органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва касбий деформацияси масалалари ёритилган. Тадқиқотчилар судья онгининг деформациялашувига ҳаддан ташқари иш ҳажми (burnout — касбий куйиш), ижтимоий босим ва қолиплаган (стереотипик) фикрлаш сабаб бўлишини қайд этадилар.

Судья томонидан қарор қабул қилиш жараёни фақат қонун нормаларини механик тарзда қўллаш эмас, балки мураккаб психологик жараёндир.

Когнитив бузилишлар. Д. Канеман ва А. Тверски томонидан ишлаб чиқилган “чекланган рационаллик” назарияси судья фаолиятига ҳам татбиқ этилади. Деформациялашган ҳуқуқий онг судьяда “тасдиқлаш

тенденцияси”ни шакллантиради. Яъни, судья иш материалларини ўрганишда фақат ўзининг дастлабки гипотезасини тасдиқловчи далилларга эътибор қаратиб, уни инкор этувчи ёки оқловчи далилларни етарли даражада ҳисобга олмаслиги мумкин.

Суд социологияси нуқтаи назаридан. П. Бурдьё асарларидаги ижтимоий майдон (social field) концепциясига кўра, судьялар корпоратив муҳит босими таъсирида адолат мезонларидан кўра тизим манфаатларини устун қўя бошлашлари мумкин. Бу эса суд қарорларининг шаблонлашишига ва ҳар бир ишнинг ўзига хос хусусиятлари эътибордан четда қолишига олиб келади.

Илмий адабиётларда судья ҳуқуқий онгини соғломлаштириш бўйича асосан икки хил ёндашув илгари сурилади.

Ташкилий-ҳуқуқий ёндашув. Р. Дворкин ва Л. Фуллер каби ҳуқуқ фалсафаси намоёндалари судья мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд жараёнларининг тўлиқ шаффофлигини кучайтириш орқали ташқи таъсирларни камайтиришни таклиф этадилар. Замонавий тадқиқотларда (жумладан, Европа Судьялари Маслаҳат Кенгаши — ССЈЕ ҳулосаларида судьяларни ротация қилиш (иш жойини ўзгартириш) ва сунъий интеллект тизимларини (ишларни автоматик тақсимлаш) жорий этиш орқали инсон омили ва субъективизмни камайтириш чоралари асослаб берилган.

Психологик ва таълимий ёндашув. Р. Познер ўзининг “Судьялар қандай фикрлайди” асарида судьяларнинг доимий психологик мониторингини йўлга қўйиш ҳамда улар учун когнитив психология бўйича мунтазам тренинглар ўтказиш зарурлигини таъкидлайди. Стресс-менеджмент ва касбий куйиш синдромига қарши курашиш методикалари судьянинг объектив қарор қабул қилиш қобилиятини тиклашда муҳим восита сифатида эътироф этилади.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, судьялар фаолиятидаги касбий деформация масаласи умумий психологик ва социологик нуқтаи назардан етарлича ўрганилган. Бироқ, рақамлаштириш ва суд тизими ислохотлари шароитида, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси тамойиллари асосида судьяларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги субъективизм ва ҳуқуқий онг деформациясини аниқлаш ҳамда унинг олдини олишнинг амалий-ҳуқуқий механизмлари миллий қонунчилик контекстида тизимли равишда тадқиқ этилмаган.

Судья фаолиятида деформациялашган ҳуқуқий онгининг қарор қабул қилиш жараёнига салбий таъсирини тадқиқ этиш натижасида куйидаги қонуниятлар ва эмпирик ҳулосалар аниқланди.

Тадқиқот натижалари судьялар фаолиятида касбий деформациянинг тўртта асосий деструктив (салбий) шакли намоён бўлишини кўрсатди:



а) Айбловга оғишганлик. Судьянинг иш материалларини ўрганишдан аввалроқ шахсни айбдор деб ҳисоблашга мойиллиги. Бу ҳолат, кўпинча, тергов органлари материалларига кўр-кўрона ишониш ва оқловчи далилларга нисбатан шубҳа билан қарашда намоён бўлади.

б) Касбий лоқайдлик (*догматизм ва эмоционал куйиш*). Судья учун инсон тақдири ортидаги мураккаб ижтимоий омиллар аҳамиятининг пасайиб кетиши. Бундай ҳолатда қарорлар қонун ҳарфига мос келиши мумкин, аммо қонун руҳи ва адолат мезонларидан узоқлашади.

в) Трафаретли фикрлаш. Ҳар бир жиноят ёки фуқаролик ишининг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилмасдан, тизимда олдиндан шаклланган ва “сингдирилган” тайёр қарор моделларини механик равишда қўллаш.

г) Конформизм (*корпоратив қарамлик*). Юқори суд инстанциялари ёки жамоатчилик фикри босимидан кўриб, қонуний ва адолатли бўлса-да, “шов-шувли” ёки “нотинч” қарор қабул қилишдан тийилиш.

2. Қарор қабул қилиш жараёнининг деформациялашув босқичлари

Таҳқиқот натижаларига кўра, судья томонидан якуний қарор қабул қилинишида деформациялашган ҳуқуқий онг таъсири куйидаги босқичларда намоён бўлади:

1-босқич Ахборотни филтрлаш	2-босқич Далилларни баҳолаш	3-босқич Якуний қарор
Фақат айблов версиясини қабул қилиш, асоссиз шаклланган дастлабки гипотезага таяниш	Далилларни ҳолис таққослаш ўрнига субъектив стереотиплар ва шахсий қарашларга таяниш	Адолат мезони эмас, балки тизимда шаклланган шаблон ва “хавфсизлик” мезонининг устун келиши

Ахборотни идрок этиш босқичида деформациялашган ҳуқуқий онг судьяда “тасдиқлаш тенденцияси” филтрини шакллантиради. Натижада ишдаги оқловчи ва адвокат келтирган далиллар “оддий ҳимоя тактикаси” сифатида баҳолаб, етарли даражада инобатта олинмайди.

Далилларга баҳо бериш босқичида ички ишонч тушунчаси объективликдан узоқлашиб, судьянинг шахсий ишончи, аввалги тажрибасида шаклланган салбий стереотиплар ва касбий деформациясига асослана бошлайди.

3. Деформацияни бартараф этишнинг институционал ва психологик модели

Ўтказилган таҳлиллар асосида судьялар фаолиятида ҳуқуқий онг бузилишларини нейтраллаштириш ҳамда қарор қабул қилишда объективликини тиклашнинг уч босқичли комплекс модели ишлаб чиқилди.

Биринчи — технологик ва институционал босқич (инсон омиллини камайтириш). Суд ишларини тақсимлаш жараёнини тўлиқ автоматлаштириш ва инсон аралашувини максимал даражада чеклаш. Суд қарорлари шаблонларида судьянинг мустақил таҳлилий фикрлашини чекловчи ортиқча тайёр ибораларни қисқартириш.

Иккинчи — психологик мониторинг ва реабилитация. Судьялик фаолияти давомида ҳар 2–3 йилда мажбурий касбий психологик скрининг (касбий куйиш ва деформация даражасини аниқлаш) тизими-

ни жорий этиш. Одил судлов академияси ўқув дастурларига “Когнитив бузилишлар ва судья фаолиятида қарор қабул қилиш психологияси” махсус ўқув модулини киритиш.

Учинчи — ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар. Судьянинг хатолик қилиш эҳтимоли туфайли доимий интизомий жазо кўрқуви остида ушлаб туриш амалиётини қайта кўриб чиқиш. Чунки кўрқув касбий деформацияни кучайтиради ва тизимга кўр-кўрона мослашишга олиб келади. Шунингдек, судьяларнинг шахсий дахлсизлиги ва моддий таъминотини мустаҳкамлаш орқали корпоратив муҳит ёки ташқи босимларга қарши психологик иммунитетни шакллантириш лозим.

Деформациялашган ҳуқуқий онг судья мустақиллиги ва ҳолис-лигига путур етказди. Муаммонинг энг хавфли жиҳати шундаки, кўпинча судья ўз ҳуқуқий онгидаги деформацияни англамайди ва ўз ҳаракатларини “тизим талаби” ёки “иш ҳажмининг кўплиги” билан оқлайди.

Ҳуқуқий онг деформациясини бартараф этишни фақат маъмурий чоралар (жазо ёки ҳайфсан) билан ҳал этиб бўлмайди. Бунинг учун куйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Психологик мониторинг ва реабилитация. Судьяларни мунтазам психологик скринингдан ўтказиш, касбий куйиш синдромини камайтиришга қаратилган махсус тренингларни ташкил этиш.

2. Малака ошириш тизимини такомиллаштириш. Одил судлов академияси дастурларига ҳуқуқий фанлар билан бир қаторда “Суд этикаси”, “Қарор қабул қилиш психологияси” ва “Касбий деформацияга қарши кураш” каби махсус модулларни киритиш.

3. Иш ҳажмини оптималлаштириш. Судьяларнинг иш юкламасини меъёрлаштириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект элементларини жорий этиш орқали уларни техник ишлардан озод қилиш.

4. Суд амалиётининг очиқлиги ва жамоатчилик назоратини кучайтириш. Суд мажлисларининг аудио ва видеоёзувларини юритиш судья ҳуқ-атвори ҳамда қарор қабул қилиш жараёнидаги масъулиятни кучайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, судья фаолиятида деформациялашган ҳуқуқий онг одил судлов сифатининг пасайишига ҳамда қонун устуворлигига таҳдид солувчи муҳим субъектив омил ҳисобланади. Уни бартараф этиш нафақат судья шахси билан ишлашни, балки у фаолият юритадиган институционал муҳитни ҳам такомиллаштиришни талаб этади. Таклиф этилган психологик, таълимий ва ташкилий чора-тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши судьялар корпусида соғлом ҳуқуқий онгни шакллантиришга ҳамда қабул қилинаётган суд қарорларининг адолатли ва қонуний бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Санжар НИШАНОВ,

жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани судининг тергов судьяси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. - Toshkent: O'zbekiston. 2023. -80 b.
2. Yevropa Sudyalari Maslahat Kengashi. Sudyalari faoliyatining sifati va sud odobi to'g'risidagi xulosalar to'plami. Strasburg. 2020. CCJE. -148 b.
3. Безносов С. П. Профессиональная деформация личности. — Санкт-Петербург: Речь, 2004. - 272 с.
4. Bourdieu P. Distinction: A Social Critique of the Judgement of Taste. Cambridge: Harvard University Press. 1984. -613 p.
5. Dworkin R. Law's Empire. Cambridge: Harvard University Press. 1986. -470p.
6. Kahneman D., Tversky A. (eds.). Choices, Values, and Frames. Cambridge: Cambridge University Press, 2000.
7. Posner R. A. How Judges Think. Cambridge: Harvard University Press. 2008. -387 p.
8. Rustambayev M. X. O'zbekiston Respublikasining sud tizimi va huquqni muhofaza qiluvchi organlari: Darslik. - Toshkent: TDYU. 2019. -412 b.

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН СУД НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатлари устидан суд назорати юзасидан ҳо-
рижий тажриба қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Жумладан, АҚШнинг рақамли қурилмани тинтув қилиш юзасидан тажрибаси,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг механизми юзасидан ҳуқуқий позици-
ялари, Молдова, Германия, Қозғоғистон ва бошқа давлатларда суд назоратининг доираси ва механизмлари муҳокама этилган.

Калит сўзлар: суд, ишни судга қадар юритиш босқичи, суд назорати тергов ҳаракати, тинтув, кибермакон.

Суд назоратининг предмети "reasonable expectation of privacy" яъни шах-
сий дахлсизликка бўлган асосли умид ғоясидан келиб чиқади. Тергов ҳаракат-
лари устидан суд назоратининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Probable Cause (етарли асос) — жинойт содир этилганлиги ва далиллар муайян жойда сақланаётганлиги ҳақида оқилона асоснинг мавжудлиги;
2. Particularity Requirement (муайянлик талаби) — суд ордерида нима қи-
дирилаётганлиги, тинтув қаерда ёки кимга нисбатан ўтказилаётганлиги қайд
қилиниши;
3. Neutral Magistrate Rule (халис суд) — қарор прокурор ёки полиция томо-
нидан эмас, халис судья томонидан қабул қилиниши.
4. Exclusionary Rule (номақбуллик қоидаси) — суднинг ордери олиниши
шарт бўлган ҳолатда уни олмасдан ўтказилган тергов ҳаракати номақбул деб
топилиши. (Weeks v. U.S., Mapp v. Ohio)¹.

Бирок, қуйидаги ҳолларда суднинг ордерини олмасдан тергов ҳаракатини
ўтказишга йўл қўйилади:

- Шахснинг розилиги (consent search);
- жинойтни иссиқ изидан таъқиб қилиш (hot pursuit);
- кечиктириб бўлмайдиган ҳолат (exigent circumstances);
- ушлаш вақтидаги тинтув (search incident to arrest);
- транспорт воситасида тинтув (Carroll Doctrine);
- буюмнинг ошқора кўриниб турганлиги (Plain View Doctrine).

Тергов ҳаракатлари устидан суд назорати ўтказиш бўйича АҚШ тажри-
басининг аҳамиятли жиҳати кибермакондан маълумотларни олиш билан
боғлиқ тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг ҳуқуқий тартибга
солиниши билан боғлиқ.

Жумладан, АҚШ Олий суди Timothy Ivory Carpenter v. United States ишида
ушбу масалани муҳокама қилиб, полиция томонидан судланувчининг жойлаш-
ган жойи ва ҳаракати ҳақида 127 кунлик метамалумотлар (Cell Site Location
Information – CSLI) мобил оператордан суд ордерида, маълумий сўров асосида
олинганлигини ноқонуний деб топиб қуйидаги хулосаларга келган:

шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган асосли ишонч ғояси инсонларнинг ҳа-
ракатлинишига ҳам тааллуқли;

CSLI — бу оддий маълумотлар эмас, инсон ҳаётининг батафсил харитаси;
телефондан фойдаланиш шахснинг ҳаракатлиниши ҳақида маълумотлар-
ни ихтиёрий бериш ҳисобланмайди;

CSLI автоматик равишда фойдаланувчининг розилигисиз шаклланади.
АҚШ Олий судининг мазкур қарори CSLI Конституция томонидан ҳимоя қи-
линадиган маълумот эканлиги, бинобарин мазкур маълумотларни олиш учун
суднинг ордери талаб қилиниши ҳақида хулосаси билан аҳамиятлидир.

АҚШ Олий судининг кибермакондан маълумотларни олиш билан боғлиқ
тергов ҳаракатлари устидан суд назорати юзасидан прецедентларини қуйида-
гича таснифлаш мумкин:

Электрон почта маълумотларини олиш суднинг ордерида асосан амалга
оширилади (United States v. Warshak 2010, 6 округ апелляция суди)²;

автомашинага суднинг ордерида GPS-трекер Конституцияга зид ҳисоб-
ланади (United States v. Jones 2012)³;

шахс ушлангандан сўнг телефонда маълумотларни тинтиш учун суднинг
ордери талаб қилинади (Riley v. California 2014)⁴;

метамалумотлар (CSLI) Конституция томонидан ҳимоя қилинадиган маъ-
лумот эканлиги (Carpenter v. United States)⁵.

Умуман, АҚШ судларининг тергов ҳаракатлари устидан суд назорати
юзасидан амалиётини ўрганиш унинг такомиллашиш тенденциясини давр-
лаштириш имконини беради:

2000 йилларга қадар кибермаконда суд назорати амал қилмаган ва шах-
сий ҳаёт билан боғлиқ маълумотларни олиш;

2010-2014 йиллар шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш йўналиши-
да бурилиш;

2018 йилдан сўнг кибермаконда шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаш
йўналишида туб бурилиш.

АҚШ жинойт процессининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда федерал қо-
идалар рақамли қурилмани тинтув қилишни икки босқичга ажратади: мавжуд
предметлар орасида ахборот ташувчиларни қидиришга қаратилган ўтказиш
вақти, ордернинг амал қилиш вақтидаги анъанавий тинтув ва аниқланган
компьютерни текширишнинг қатъий вақт билан чекланмаган тартибини бел-
гилашида намоён бўлади.

АҚШ ҳуқуқни қўллаш тажрибасида турар-жой ёки бошқа жойда сақлана-
ётган компьютер ёпиқ контейнерга тенглаштирилади. Бу эса унга шахсий маъ-
лумотларни оммавий маълумотлардан ажратишнинг классик мезонларини
қўллаш имконини беради ("шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган оқилона умид";
"кўринадиган жой" стандарти). Умумий қоидага кўра "контейнерни очиш" яъни
суднинг санкциясиз компьютердаги ахборотни қидириш мумкин эмас⁶.

Умуман, тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг АҚШ тажрибаси
суднинг ҳуқуқий позициялари ахборот технологиялари ривожланишидан кел-
либ чиқиб такомиллашиб бориши, назоратнинг доираси кенгайиши, техник
воситалар орқали шахснинг ҳуқуқларини узоқ муддат чеклаш билан боғлиқ
тадбирлар устидан суд назорати ўрнатилиши заруратини кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ўзининг бир қатор қарорларида
тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг аниқ мезонларини белгилаб
берган. Жумладан, тергов ҳаракати оммавий хавфсизликни таъминлаш, тар-
тибсизлик ёки жинойтнинг олдини олиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва ман-
фаатларини ҳимоя қилиш кўринишидаги қонуний мақсадларни кўзлаганлиги;
шахсий ҳаётга аралашувнинг ижтимоий зарурати ва қўйилган қонуний
мақсадларга мутаносиблиги;

қўлланаётган усуллар ва қўйилган мақсад ўртасида мутаносиблик, ижти-
моий манфаат ва шахснинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаблари ўрта-
сида адолатли мувозанатнинг мавжудлиги⁷.

Бирок, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг тергов ҳаракатлари
устидан суд назоратининг механизми юзасидан ҳуқуқий позициялари доимий
равишда ўзгариб борганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан 1993 йил 25 февралдаги "Функе Францияга қарши" қарорида
Европа суди Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақида
Конвенциянинг 8-моддаси уйда тинтув ўтказиш ва олиб қўйиш ўтказиш учун
олдиндан суднинг рухсатини талаб қилмаслигини қайд қилган⁸.

2007 йил 7 июндаги "Смирнов Россияга қарши"⁹ қарорида Европа суди
бирламчи суднинг ордери мавжуд бўлмаган ҳолда компенсация қилувчи ме-
ханизм сифатида тинтув ўтказиш ҳақида қарор чиқарилгандан сўнг судга му-
рожаат қилиш имкониятига эътибор қаратган.

Европа судининг позициясига кўра, суд томонидан шахсий ҳаёт дахлсиз-
лигини чеклаш қуйидаги мезонлардан келиб чиқиб баҳоланиши зарур.

1. Қонунийлик — чекловнинг қонунда аниқ белгиланганлиги;

2. Легитим мақсад — миллий хавфсизлик, жиноятларнинг олдини олиш;

3. Демократик жамиятда зарурат — мутаносиблик тести, жамоат манфаатлари ва шахс ҳуқуқлари мувозанати.

Умуман, Европа судининг қарорлари шахсий ҳаёт дахлсизлигини чекловчи чораларнинг қонунийлиги устидан суд ёки бошқа орган назорат қилиши, (*Klass and Others v. Germany* (1978) агар суд фактик асослар ва мутаносибликни текширмаса расмий рухсат билан тартиби етарли эмаслиги (*Roman Zakharov v. Russia* (2015), ордер асослангилан бўлиши, мажбурлов чораларининг чегараси ва муддатларни белгилаши, дастлабки (*ex ante*) назорат мавжуд бўлмаган ҳолларда кейинги (*ex post*) назоратга талаб кучайиши, суд оқилона асослар (*reasonable suspicion*) мавжудлиги ва чоранинг ҳақиқатда зарурлиги, ҳуқуқларни камроқ чеклайдиган вариант мавжудлигини текширишини белгилайди.

Молдова Республикасида тергов ҳаракатлари устидан назорат, жиноий таъкиб бўйича судья томонидан амалга оширилади ва қуйидаги тергов ҳаракатларини ўтказиш учун суднинг рухсати талаб қилинади;

турар жойлар, бошқа бинолар, транспорт воситаси ва бошқа шахсий буюмларни тинтув қилиш ва турар жойда олиб қўйиш (ЖПК 125-м);

телефон сўзлашувларни эшитиб туриш, электрон ёзишмалар ва бошқа хабарларни назорат қилиш ва ушлаб қолиш (ЖПК 1321-м);

видео ва аудиокўзатув, GPS-мослама ўрнатиш, қаердалигини мониторинг қилиш, визуал кўзатув (ЖПК 132⁵-м);

назорат остида етказиб бериш ва тезкор эксперимент (ЖПК 132⁶-м);

қийёсий текширув учун биологик намуналар олиш (ЖПК 125¹-м);

банк сири ва молиявий маълумотларни олиш (ЖПК 132⁷-м).

Германия Федератив Республикасида қуйидаги тергов ҳаракатлари суднинг рухсати билан амалга оширилади:

айбланувчининг танасини гувоҳлантириш, қондан намуна олиш, бошқа шахсларни гувоҳлантириш;

олиб қўйиш;

телефон сўзлашувларини назорат қилиш;

почта жўнатмаларини олиб қўйиш;

интудан кейин;

даврий нашрларни олиб қўйиш;

Молдова Республикасида 2006 йилдан 2018 йилга қадар телефон сўзлашувларини эшитиб туриш ҳақида илтимосномаларни қаноатлантириш даражаси 97-99% атрофида бўлган¹⁰;

Қозоғистон Республикасида тинтув, ушлаб туриш доирасидан ташқарида ўтказиладиган шахсий тинтув, мулкдорнинг розилигисиз турар-жойга кириш, телефон сўзлашувларини назорат қилиш ва эшитиб туриш, алоқа операторидан маълумотлар олиш шу жумладан аудио ва видеоназорат, интернет ёзишмалар ва мессенджерлар, абонент ҳамда трафик ҳақида маълумотлар олиш, ноошқора тергов ҳаракатлари (провокация, жиноятни назорат қилиш, тезкор эксперимент) ўтказиш, шахснинг ихтиёрига зид равишда гувоҳлантириш, мажбурий равишда биологик намуналар олиш, стационарда тиббий гувоҳлантириш ва экспертиза, банк, молиявий, солиқ маълумотларини мажбурий равишда олиб қўйиш суд назорати объекти сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Қозоғистон Республикасида суд тергов органининг тергов ҳаракати ўтказиш ҳақида илтимосномасини суд мажлиси ўтказмасдан қўриб чиқиши (ЖПК 56-м 2-қ) белгиланган.

С.Адиловнинг фикрича, Қозоғистон Республикасида тергов судьяси томонидан ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ энг кўп учрайдиган қоидабузарликлар қуйидагилардан иборат:

- қамоққа олиш ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чораларни қўллашнинг жиноят-процессуал асосларини нотўғри талқин қилиш;

- гаров суммасини гумон қилинувчининг шахси ёки содир этилган ҳуқуқбузарлиқнинг оғирлик даражасини инобатга олмасдан нотўғри белгилаш;

- суд санкциясини олиш учун материалларни тайёрлашда жиноий таъкибни амалга оширувчи органлар томонидан жиноят-процессуал ҳуқуқининг жиддий бузилишлари;

- тергов судьясига гумон қилинувчининг шахсига оид маълумотларни тўлиқ тақдим қилмаслик, бу ўз навбатида илтимосноманинг рад қилинишига олиб келиши;

- тергов судьясига материалларни тақдим қилиш муддатларининг бузилиши;

- тергов судьяси томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақида хабардор қилиш муддатларининг бузилиши¹¹.

Қирғиз Республикасида тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг ўзига хос хусусияти, суднинг мазкур йўналишдаги фаолияти ЖПКнинг алоҳида бобида тартибга солинганлигида намоён бўлади. Жумладан, Қирғиз Республикасида суд назорати, тергов судьяси томонидан амалга оширилишидан ташқари, тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, махсус тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида илтимоснома суд мажлиси ўтказмасдан қўриб чиқиши;

илтимоснома тергов органи жойлашган ёки процессуал ҳаракатлари ўтказиладиган ҳудуддаги судга берилмаган ҳолда, тергов судьяси уни қайтариш ҳақида қарор қабул қилиши;

қўшимча материаллар талаб қилиб олиш зарурати бўлганда илтимосноманинг белгиланган муддат (24 соат)дан кўп бироқ 72 соатдан ортиқ бўлмаган муддатда қўриб чиқиши;

суднинг қароридан унинг амал қилиш муддати кўрсатилиши;

тергов ёки махсус тергов ҳаракатининг қонунийлигини текшириш якуни бўйича тергов судьяси хусусий ажрим чиқаришга ваколатли эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим¹².

Россия Федерациясида тергов ҳаракатлари устидан суд назорати амалиётининг камчиликлари сифатида:

назоратнинг формал характерга эгалиги;

суд ҳужжатларида далиллар ва бошқа фактик маълумотлар таҳлили қоида тариқасида келтирилмаслиги¹³;

илтимосномаларни қаноатлантириш даражаси юқорилиги келтирилади.

Жумладан РФ Олий суди Суд департаментидан олинган маълумотлар таҳлили 2017-2021 йилларда судлар томонидан тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида илтимосномаларнинг ўртача 95,7% қаноатлантирилганлигини кўрсатади.

И.Л.Петрухин, тергов ҳаракатлари устидан суд назорати самарадорлиги етарли эмаслигига сабаб сифатида судьяларга юқори иш юкламаси, терговчи, прокурор ва судьяга айнан бир функциялар юкланиши, жиноий таъкибни амалга оширувчи органлар ва судьяларнинг умумий иш-жиноятчиликка қарши курашни амалга ошираётганлиги юзасидан ҳамфикрлигини келтирган¹⁴.

Умуман, тергов ҳаракатлари устидан суд назоратининг МДХ давлатлари тажрибаси тергов органларининг илтимосномаларни қаноатлантириш даражаси юқорилигини кўрсатади.

Шухратжон ҚУРБОНОВ,

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://billofrightsinstitute.org>
2. <https://www.opn.ca6.uscourts.gov/opinions.pdf/10a0377p-06.pdf>
3. <https://www.law.cornell.edu/supremecourt/text/10-1259>
4. <https://supreme.justia.com/cases/federal/us/573/373/>
5. https://www.supremecourt.gov/opinions/17pdf/16-402_h315.pdf
6. Оконенко Р.И. "Электронные доказательства" и проблемы обеспечения прав граждан на защиту тайны личной жизни в уголовном процессе: сравнительный анализ законодательства Соединенных Штатов Америки и Российской Федерации: дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2016. — С. 41.
7. Постановление Европейского Суда по правам человека от 24.10.2006 по делу "Эдвардс против Мальты" (*Edwards v. Malta*). Жалоба № 17647/04, § 69 с дальнейшими ссылками. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.echr.ru>
8. <https://hudoc.echr.coe.int/>
9. <https://hudoc.echr.coe.int>
10. <https://instante.justice.md/en/judicial-system-studies-and-analyses>
11. С.А.Адилов. Правовое положение следственного судьи в уголовном процессе Республики Казахстан дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2016. — С. 41.
12. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 28.07.2025 г.) <https://online.zakon.kz>
13. Кальницкий В.В. Вопросы теории и практики уголовного судопроизводства: избранные труды. — Омск: Омская академия МВД России. 2016. — С. 61.
14. Петрухин И. Л. Об эффективности судебного контроля за следствием и оперативно-розыскной деятельностью // Уголовный процесс. — 2007. — № 2. — С. 91–94.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ САБАБЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитлар комплекс таҳлил қилинган. Жиноятнинг келиб чиқишида инсон омили — ҳайдовчиларнинг бепарволиги, масъулиятсизлиги, интизомсизлиги, чалғитувчи омилар, психоземотионал ҳолат ҳамда мастлик ҳолатида транспорт воситасини бошқариш каби субъектив сабаблар етакчи оми сифатида кўрсатилган.

Калит сўзлар: транспорт жиноятчилиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, сабаб ва шарт-шароитлар, инсон омили, йўл инфратузилмаси, эҳтиётсизлик, ЙТХ, маст ҳолатда бошқариш, йўл маданияти.

Жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитлар статистик маълумотларни, ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишларини, гувоҳ ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини таҳлил қилиш, шунингдек, ижтимоий сўровномалар ўтказиш орқали аниқланади. Бунда жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашдаги камчиликлар ва қонунбузилиш ҳолатларига эътиборсизлик ҳам жиноят содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар сифатида ўрганилади¹. Миллий қонунчилигимизда транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса-да, мазкур жиноятнинг сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жиноят нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий-психологик ҳамда ташкилий-техник хусусиятларга эга бўлган мураккаб ҳодиса бўлиб, унинг келиб чиқишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилар йўл ҳаракати хавфсизлигининг пасайиши, авариялар ва оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Суд амалиёти кўрсатишича, йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти ҳайдовчилар айби билан содир бўлади. Шу боис, асосий сабаб сифатида ҳайдовчиларнинг ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиши эътироф этилади. Бунда ҳайдовчининг ижтимоий позицияси, хатти-ҳаракатининг мақсади ва мотивлари муҳим аҳамият касб этади. А.И. Добренков эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар мотивациясини "бепарво-масъулиятсизлик"² деб таърифлайди. Бунинг моҳияти шундаки, субъект ижтимоий хавфли оқибатлар юз беришини истамайди, аммо уларнинг олдини олиш учун етарли чора кўрмайди. Айрим ҳолларда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти безорилик нияти билан ҳам содир этилади. Ўтказилган сўровлар маҳкумларда қуйидаги ахлоқий-психологик хусусиятларни аниқлади: асоссиз ўзига ишониш (89%), бепарволик ва эътиборсизлик (68%), вазиятни тўғри баҳолай олмаслик (53%), жазосиз қолишига ишонч (43%) ҳамда масъулиятсизлик (44%). Ҳайдовчилар шахсидаги мазкур салбий хусусиятларни ўрганиш жиноятчиликка қарши самарали чораларни белгилаш имконини беради.

Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг асосий сабаби ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслиқдир. Энг хавфли қоидабузарликларга белгиланган тезликни ошириш, маст ёки гиёҳванд модда таъсирида, шунингдек, чарчоқ ҳолатида транспорт бошқариш, йўл ҳаракати қоидаларини билмаслик, узлуксиз чиқишни кесиб ўтиш, йўл белгилари ва светофор талабларига амал қилмаслик, қувиб ўтиш қоидаларини бузиш, авария сигнализациясидан нотўғри фойдаланиш, ЙТХ жойини тарк этиш, ташқи ёритиш воситалари ва махсус сигналлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳамда техник носоз транспорт воситасини бошқариш киради. Ушбу омиларни бартараф этиш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, ЙТХ оқибатида ҳалок бўлганларнинг 55 фоизи даволаш муассасасига етказилгунга қадар вафот этади. Шу боис йўл ҳаракати қоидаларининг 13-бандида назарда тутилган, жабрланувчиларга зудлик билан ёрдам кўрсатишга қаратилган ҳаракатлар алгоритмига қатъий риоя қилиш оқибатларни

камайтиришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бу мажбурият нафақат маъмурий, балки жиноят қонунчилигида ҳам самарали таъминланиши лозим.

Автопарк янгиланиб бораётганига қарамадсан, техник жиҳатдан носоз транспорт воситаларининг ҳаракатда иштирок этиши долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Кўплаб ҳайдовчилар автомобилни тўлиқ яроқсиз ҳолга келмагунча эксплуатация қилишда давом этади. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларининг юқорилиги, эҳтиёт қисмлар қимматлиги ҳамда айрим ҳудудларда давлат назоратининг етарли эмаслиги бу ҳолатга сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, йўл ҳаракатини ташкил этишдаги камчиликлар ҳам хавфсизликка салбий таъсир кўрсатади. Йўл ҳаракати қоидалари содда, мантиқий ва барча иштирокчилар учун тушунарли бўлиши керак. Айрим ҳолларда светофорлар ва ҳаракатни ташкил этишдаги номутаносибликлар ҳам йўл-транспорт ҳодисалари юз беришига шароит яратади. Демак, мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олиш учун ҳайдовчилар интизомини ошириш билан бирга, йўл инфратузилмаси, техник назорат ва йўл маданиятини ҳам комплекс равишда такомиллаштириш зарур.

Биринчидан, мазкур жиноятларнинг асосий сабабларидан бири ҳайдовчиларнинг интизомсизлиги ва масъулиятсизлигидир. Йўл ҳаракати қоидаларига бепарво муносабат, тезликни ошириш ёки светофорнинг қизил чироғига амал қилмаслик кўплаб оғир оқибатларга олиб келади. Масалан, 2022 йилда фуқаро М. "Cobalt" русумли автомашинани бошқариб бориб, қувиб ўтиш қоидаларини бузиши оқибатида қарши йўналишда ҳаракатланаётган "Nexia" автомашинаси билан тўқнашган. Натижада ҳайдовчи Д. ва унинг йўловчиси У. ўртача оғирликда тан жароҳати олган³.

Иккинчидан, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш йўл ҳаракати хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Алкоголь ёки гиёҳванд моддалар таъсирида транспорт бошқариш реакция тезлиги, диққат ва қарор қабул қилиш қобилиятини кескин пасайтиради. Бу энг хавфли қонунбузарликлардан бири бўлиб, кўпинча ўлим ёки оғир тан жароҳатига олиб келувчи йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлади. Масалан, маст ҳайдовчининг йўл четига дарахтга урилгани ёки қарши ҳаракат йўлагига чиқиб кетиб бошқа транспорт воситаси билан тўқнашгани оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Жумладан, фуқаро С. маст ҳолда "Nexia" русумли автомашинани Хонқа туманида бошқариб бораётиб, 84-уй рўпарасида йўлдан ўтаётган пйёда О.ни уриб юборган. Натижада жабрланувчига оғир тан жароҳати етказилган.

Учинчидан, ҳайдовчилик маҳоратининг етарли эмаслиги ҳам муҳим омилдир. Кўплаб бундай жиноятлар тажрибасиз ҳайдовчиларнинг транспорт воситаси устидан назоратни йўқотиши, қутилмаган вазиятларда тўғри қарор қабул қила олмаслиги ёки техник билимларининг етарли эмаслиги оқибатида содир бўлади. Бунда ҳайдовчилик мактабларидаги таълим сифати ва имтиҳон тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ёмғирли об-ҳавода тажрибасиз ҳайдовчи автомобил бошқарувини йўқотиб, йўлдан чиқиб кетиши ёки парковка ва орқага ҳаракатланишда бошқа транспорт воситаларига зарар етказиши мумкин.

Тўртинчидан, кўп ҳолларда ҳайдовчини чалғитувчи омилар йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлади. Мобил телефондан фойдаланиш, овқатланиш, салондаги суҳбатлар ва бошқа чалғитувчи ҳаракатлар диққатни сусай-



тиради. Масалан, телефонда хабар ёзиш ёки ижтимоий тармоқларни кўриш, радиони сошлаш ёки овқатланиш билан машғул бўлиш натижасида ҳайдовчи олдиндаги транспорт воситаси ёки велосипедчини пайқамай қолиши мумкин.

Бешинчидан, ҳайдовчининг психоэмоционал ҳолати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Стресс, чарчоқ, уйқусизлик, агрессия ёки руҳий тушқунлик реакцияни сусайтириб, ИТХ хавфини оширади. Масалан, узок йўл босган ҳайдовчининг рулда ухлаб қолиши ёки жаҳл устида агрессив ҳаракат қилиши аварияга сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, мазкур жиноятларнинг содир этилишига инсон омилдан ташқари қатор объектив шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатади. Улар жумласига:

- йўл инфратузилмасининг номутаносиблиги (чуқурлар, ёмон ёритилган ёки тор йўллар);
- йўл белгилари ва чиқиқларининг етарли эмаслиги ёки яхши кўринмаслиги;
- пиёдалар ўтиш жойлари ва чорраҳаларнинг хавфсиз ташкил этилмагани;
- транспорт воситаларининг техник носозлиги, айниқса тижорат транспорти, автобус ва таксиларнинг техник ҳолати;
- замонавий хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган эски транспорт воситаларининг кўплиги;
- ҳуқуқий ва институционал муаммолар, жумладан қонунчиликдаги бўшлиқлар, назоратнинг етарли эмаслиги, жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланмаслиги ҳамда коррупция ҳолатлари;
- маъмурий жазоларнинг профилактик таъсири етарли эмаслиги;
- йўл ҳаракати маданияти бўйича ахборот ва тарғибот ишларининг сустилиги кабилар қиради.

Масалан, хавфли бурилиш олдида огоҳлантирувчи белги йўқлиги, носоз тормоз тизимига эга юк автомашинасининг бошқарувни йўқотиши, назорат камералари мавжуд бўлмаган ҳудудларда тезлиكنинг мунтазам оширилиши ёки йўл ҳаракати қоидалари бўйича билимлари етарли бўлмаган болаларнинг йўлни нотўғри кесиб ўтиши оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, А. Ю. Кравцовнинг фикрича, хавфсизлик қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келадиган йўл-транспорт ҳодисаларини баҳолашда ўзаро боғлиқ “инсон – транспорт воситаси – йўл” тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эга⁴. Криминологик тадқиқотлар ва статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг асосий сабаблари инсон омил билан боғлиқ. Сўровнома натижаларига кўра, ҳайдовчиларнинг бепарволиги ва эҳтиётсизлиги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Респондентларнинг фикрича, кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига етарлича эътибор бермаслиги, йўл вазиятини тўғри баҳолай олмаслиги ва ўз имкониятларини ортиқча баҳолаши оқибатида содир бўлади. Бу ҳолат, айниқса, ёш ҳайдовчиларда “мен билан бундай бўлмайди”, деган асоссиз ишонч билан боғлиқ.

Сўров иштирокчиларининг 70 фоизи ҳайдовчиларда йўл ҳаракати интизоми ва масъулият ҳиссининг пастлигини мазкур турдаги жиноятларнинг асосий сабабларидан бири сифатида қайд этган. Бу, асосан, белгиланган тезликни ошириш, светофорнинг тақиқловчи сигналига риоя қилмаслик ва қувиб ўтиш қоидаларини бузиш каби ҳолатларда намоён бўлади. Масалан, фуқаро А. “Lacetti” русумли автомашинани 4P-156 “Урганч-Хонқа” автомобиль йўлида бошқариб кетаётганда, чорраҳада олдиндаги транспорт воситаларини чап томондан қувиб ўтиб, қарши йўналишда ҳаракатланаётган фуқаро И. бошқарувдаги “ZIL-130” русумли юк автомашинаси билан тўқнашган. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида “Lacetti” ҳайдовчисининг фарзанди воқеа жойида вафот этган.

Шунингдек, йўл маданиятининг пастлиги ҳам мазкур турдаги жиноятларнинг муҳим сабабларидан биридир. Жамиятда ҳайдовчилар ва пиёдалар ўртасида ўзаро ҳурматнинг етарли эмаслиги йўл-транспорт ҳодисалари (ИТХ) сонининг ошишига таъсир кўрсатмоқда. Тадқиқот доирасида 570 нафар

респондент ўртасида ўтказилган сўровда “Йўлнинг қатнов қисмини кесиб ўтишда доимо йўл ҳаракати қоидаларига амал қиласизми?” деган саволга иштирокчиларнинг 85 фоизи (427 нафар) белгиланмаган жойдан ўтишини билдирган. Бу эса ИТХлар содир бўлишида пиёдаларнинг ўзи ҳам қоидаларга риоя қилмаслиги муҳим омил эканини кўрсатади. Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда содир этилган ИТХларнинг 44,9 фоизиди пиёдалар жабрланган.

Сўров иштирокчилари коррупция ҳолатлари ва жавобгарликнинг муқаррар эмаслиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаган. Шунингдек, респондентларнинг 15 фоизи ишсизлик ва стресс ҳайдовчиларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир қилиб, ИТХ эҳтимолини оширишини, 10 фоизи эса фильмлар, сериаллар ва ижтимоий тармоқларда хавфли ҳайдовчилик услубларининг тарғиб қилиниши таваккалчиликка мойиллиқни кучайтиришини қайд этган.

Хулоса қилиб айтганда, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятининг сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитлар бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, жиноятнинг асосий сабаби инсон омил ҳисобланади. Ҳайдовчиларнинг бепарволиги, масъулиятсизлиги, интизомсизлиги, тезликни ошириши, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариши, мобил телефондан фойдаланиши ва йўл ҳаракати қоидаларига онгли равишда риоя қилмаслиги ИТХларнинг асосий сабабларидир.

Иккинчидан, жиноятларнинг содир этилишига тизимли омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Буларга йўл инфратузилмасининг нуқсонлари, йўл белгилари ва чиқиқларининг етарли эмаслиги, хавфсиз пиёдалар ўтиш жойларининг камлиги, техник носоз ва эски транспорт воситалари, қонунчиликдаги айрим бўшлиқлар, назоратнинг сустилиги, жавобгарликнинг муқаррар эмаслиги, коррупция ҳамда йўл ҳаракати маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ишларининг етарли эмаслиги қиради.

Учинчидан, ИТХларда жабрланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот натижалари пиёдаларнинг белгиланмаган жойлардан йўлни кесиб ўтиши кўплаб ҳодисаларга сабаб бўлаётганини кўрсатди. Шу боис, ҳайдовчилар билан бир қаторда пиёдаларнинг ҳам йўл ҳаракати маданиятини ошириш зарур.

Тўртинчидан, қонунчиликни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Йўл безорилиги, ноқонуний пойғаларни ташкил этиш ва уларда иштирок этиш, ИТХ содир этилган жойни ташлаб кетиш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бешинчидан, транспорт жиноятчилигига қарши курашиш комплекс ёндашувни талаб этади. Бу нафақат ҳайдовчиларнинг ҳуқуқ-атворида, балки йўл инфратузилмаси, техник назорат ва умумий йўл маданиятини яхшилашга ҳам бир вақтнинг ўзида таъсир кўрсатишни англатади. Фақат шу ҳолдагина ИТХлар сонини сезиларли даражада камайитириш мумкин.

Охунжон НОРМАНОВ,

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ инспектори,

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нигматов Р. О., Умирзаков Б. А. Содири этилаётган жиноятларнинг сабаб ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ички ишлар органлари томонидан аниқлаш ҳамда бартараф этиш йўллари. O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasining axborotnomasi. – 2023-yil, 4-sop (59). – Б. 7-8. 6-10.
2. Добренков А.И. Предупреждение дорожно-транспортных преступлений, совершаемых несовершеннолетними. Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2019. – С. 108.
3. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг олдини олиш (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мисолида): Амалий қўлланма / П.Р.Божонов, Б.Т.Абдуллаев, Р.А.Хатамов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2023. – Б. 40.
4. Кравцов А.Ю. Криминологическая характеристика и предупреждение дорожно-транспортной преступности в условиях крупного города. Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2014. – С. 88.

АЙБГА ИҚРОРЛИК КЕЛИШУВИ ТУЗИЛГАН ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

АННОТАЦИЯ: мақолада айбга иқдорлик тушунчасининг аҳамияти, ижтимоий ҳуқуқий зарурати, ривожланиш тарихи, жазо тайинлаш билан боғлиқ амалиётдаги айрим муаммолар бўйича фикр-мулоҳазалар юритилиб, таклиф ва тавсиялар ёритилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлаш, айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш институтининг мазмун-моҳиятига аниқлик киритилиб, амалиётдаги айрим муаммолар бўйича фикр-мулоҳазалар юритилган ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: айб, иқдорлик, келишув, жазо, ҳуқуқ, эркинлик, жазо тайинлаш, жазонинг ярми.

Республикаимизда сўнгги йилларда жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жиноий жазолар тизими, уларни тайинлаш ва ижро этиш механизмларини қайта кўриб чиқиш мазкур соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018) қарорлари ҳамда 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2021 йил 18 февралда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сон қонун қабул қилинди. Ушбу қонун билан Жиноят кодексига 57²-модда (“Айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш”) киритилди. Бу институт миллий қонунчилик тарихида мутлақо янги амалиёт ҳисобланади.

2021 йилга қадар қонунчилигимизда айбга иқдорлик тўғрисида келишув тушунчаси ҳам, у тузилган ишлар бўйича жазо тайинлашга оид аниқ норма ҳам мавжуд эмас эди. Халқаро тажриба ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш зарурати ушбу институтнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Ушбу келишув – ўта оғир ҳисобланмайдиган жиноятлар бўйича айбига иқдор бўлган, жиноятни очишга фаол кўмаклашган ва етказилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг илтимосномаси асосида прокурор билан тузиладиган келишувдир.

Қонун чиқарувчининг асосий мақсади – жиноий фаолиятнинг уюшган шаклларига қарши курашиш, энг хавфли жиноятларни (жумладан, буюртма қотилликлар, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши, коррупция ҳолатлари) фош этиш ва тергов қилишда самарадорликка эришишдан иборат.

Институт Европа давлатлари, Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва АҚШ қонунчилик амалиётида кенг қўлланилади. Унинг миллий қонунчиликка жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган замонавий механизмлардан бири ҳисобланади.

Юридик адабиётларда мамлакатимиз олимлари томонидан айбга иқдорлик келишуви бўйича жазо тайинлаш тушунчасига илмий жиҳатдан асослангандиган аниқ ва лўнда таъриф берилмаган бўлса-да, ушбу тушунчани Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи фани ва жиноят-процессуал қонунчилиги учун янгилик деб ҳисоблаган

ҳолда илмий таъриф ишлаб чиқишга уриниб кўрмоқчимиз. Авваламбор, айбга иқдорлик келишуви бўйича жазо тайинлаш деган гапдаги “айб” юридик атамасига алоҳида тўхталмоқчимиз.

“Айб” сўзи тилимизга араб тилидан кириб келган бўлиб, унинг луғавий маъноси “нуқсон” демакдир. Илмий жиҳатдан қараганда, “айб” атамаси турли маъноларга эга. Улардан бири “айб”нинг ҳуқуқий маъноси билан боғлиқ кенг тушунча бўлиб, у ҳуқуқ соҳалари қаторида жиноят ҳуқуқи фани ва жиноят ҳақидаги қонунчиликда ишлатилиш ўрнига қараб “қонунга хилоф хатти-ҳаракат” ёки “жиноий жавобгарлиқнинг зарур шарт”и ҳисобланади.

Илгари “айб” гуманитар фанларнинг тадқиқот объекти бўлиб келган ва турли даврларда турлича талқин этилган ҳамда шу билан бир даврда антик фалсафа йўналишида ҳам ривожланиб борган. Шу сабабли ҳам бу давр файласуфлари Сукрот, Аристотель “айб” тушунчасига фалсафий жиҳатдан ёндашиб ўзларининг қарашларини илгари суришган. Ўрта асрларда ҳам “айб” тушунчаси мавжуд бўлмаган, бироқ бу давр инсон шахсиятидан келиб чиққан ҳолда гуноҳ каби тушунчалар билан қамраб олинган. Йиллар давомида юқоридаги тушунчалар айбнинг асосий қоида сифатида турли давлатлар қонунчилигида қўлланилиб келинган. Бироқ, бу айбнинг моҳиятини тўлиқ очиб берганлигини айта олмаيمиз. Мазкур саволга жавобни миллий давлатчилигимиз тарихидан қидирадиган бўлсак, ислом ҳуқуқида ҳам “айб” тушунчасига қандай муносабатда бўлинганини турли манбаларда учратиш мумкин. Ислом ҳуқуқи Европа жиноят ҳуқуқининг ривожланишига таъсир кўрсатган, чунки у Европа давлатларидаги ўрта аср қонунларидан анча олдин шаклланиб, жиноятчиликка қарши қатъий ва мукамал қоидалар билан тарихда ўз ўрнини эгаллаган.

Ислом ҳуқуқида “айб” (арабча: **بند** – “**zunb**” ёки **جرم** – “**jurm**”) шахснинг шариятда тақиқланган ёки жамиятга зарарли деб топилган хатти-ҳаракати билан аниқланади. Айб фақат ақли расо, балоғатга етган ва ўз иродаси билан ҳаракат қилган шахсдан содир бўлганда жавобгарликка олиб келади. У Куръон, ҳадислар ва фикҳий манбалар асосида талқин қилинади.

Ислом ҳуқуқи пайдо бўлган дастлабки даврлардан бери жиноят субъекти фақат ақли соғлом ва муайян ёшга (одатда 15 ёш, яъни балоғатга) етган шахс бўлиши мумкинлиги аниқ кўрсатилган. Имом Абу Ҳанифа буни “таклиф ёши” деб атайди.¹

Замонавий жиноят ҳуқуқидаги “жиноят таркиби” деган аниқ тушунча шариятда мавжуд бўлмаса-да, фикҳий манбаларда жиноят турлари, уларни бир-биридан фарқлаш усуллари ва таснифлашга таъсир қилувчи омиллар чуқур ўрганилган. Масалан, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида жиноятлар икки асосий тоифага бўлиниб, уларни ажратиш ва ҳар бир жиноятни тўғри баҳолашга таъсир этувчи асослар ва шартлар ҳақида муфассал ҳуқуқий таҳлиллар келтирилган.



Жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор берилгани ҳам эътирофга лойиқдир. “Айб” тушунчасини шакллантиришда ислом ҳуқуқининг аҳамияти бекиёслиги уни тадқиқ қилиш зарурлигини келтириб чиқариб, чет давлатлар қонунчилигида мавжуд бўлган айб тушунчасидан фарқли ўларок, миллий ёндашув асосида қонунчиликка жорий этиш имконини беради, назаримизда.

Замонавий ҳуқуқшунос олимларимиз ҳам “айб” тушунчасига ўзларининг муаллифлик таърифларини ишлаб чиқишган. Масалан, М.Рустамбоев айбга қуйидагича таъриф беради: “айб-бу шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатларига нисбатан бўлган руҳий муносабати.”² Профессор И.К.Рустамбеков “айб” тушунчасини шахснинг ўз хатти-ҳаракатларига онгли ва иродавий муносабати сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, айб жиноят субъектив томонининг асосий белгиси бўлиб, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади. Рустамбеков айбсизлик презумпциясининг муҳимлигини таъкидлаб, айб мавжуд бўлмаган ҳолда жазо қўлланилиши мумкин эмаслигини уқтиради.³ А.Х.Саидов эса айбнинг икки асосий шакли – қасд ва эҳтиётсизликка урғу бериб, унинг жиноят таркибидagi ўрнини кенгрок талқин қилади. Айб нафақат шахснинг ички нияти, балки унинг хатти-ҳаракатларининг жамиятга зарарлилигини англаб этиш қобилияти билан ҳам боғлиқлигини таъкидлайди. Юқоридаги фикрларнинг барчаси айб тушунчасини ойдинлаштира-да, бироқ барча хусусиятларини қамраб олмайдди. Назаримизда, айб тушунчасига профессор М.Ражабова тўлиқ таъриф бериб, унинг жиноят қонунида мавжуд эмаслигига алоҳида тўхталиб, ЖКнинг 20-моддаси “Айб” деб номланиши ва қуйидаги мазмунда ифодаланишини таклиф қилган: “Айб - жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган, ақли расо шахснинг ўзи содир этган ёки содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишига ва (ёки) унинг жиноий оқибатига нисбатан руҳий муносабатининг (қасддан ёки эҳтиётсизлик) оқибатидир.”⁴

Юқорида фикр мулоҳазалар, айб билан боғлиқ муаммолар борлигини кўрсатади. Суд амалиётида айбни талқин қилиш бўйича муаммолар мавжудлиги яъни, айб психологик категория сифатида уни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан аниқ, универсал, ҳар бир категорияга тушадиган тарзда ифода қилишнинг мураккаблиги, учинчидан эса кодекс қабул қилинган вақтда айбни аниқ таърифлашга замонавий талаб сифатида қаралмаган. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида айб тушунчасининг энг кенг тарқалган таърифларини, хорижий тажрибани кўриб чиқиб ва таҳлил қилиб, айбга умумий назарий категория сифатида ЖКнинг 20-моддасини “Айб ва унинг шакллари” деб номлаш ва қуйидаги таърифни бериш мақсадга мувофиқ: “Айб-жиноий жавобгарлик ёшига етган, ақли расо шахснинг жиноят қонуни билан тақиқланган ўзи содир этган ёки содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишига ва унинг натижасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган жиноий оқибатига нисбатан қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклидаги онгли-иродавий руҳий муносабатидир”.

Айбга иқрорлик келишуви бўйича жазо тайинлаш институтининг асосий илдизи бўлган айб масаласини таҳлил қилиш билан бирга “иқрорлик” ва “келишув” сўзларини ҳам тадқиқ қилиш, ушбу институтга янада чуқурроқ кириб бориш имкониятини беради.

“Иқрор” сўзининг луғавий маъноси эса, “эътироф этиш, рост деб ҳисоблаш, иқрорлик, бўйнига олиш” маъноларида тушунилиши қайд этилган⁵.

Айбга иқрорлик тўғрисида келишув институти моҳиятида келишув тушунчаси бизнинг қонунчилигимизга янги кириб келган сўзлардан бўлиб, ушбу тушунча илгари жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқида қўлланилмаган. Ҳўш, “келишув” сўзининг маъноси нима? “Келишув” сўзи ўзаро маслаҳатлашиб баён этилган фикр, хулоса, қарор, битим, шартнома шунингдек, “рози бўлиш” ва “мувофиқлашиш” маъноларини англатади.⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (А.Мадвалиев, 2020) у “икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасидаги мулоқот натижасидаги умумий қарор” сифатида тушунтирилади.⁷

Илмий жиҳатдан “келишув” тарафларнинг муайян ҳуқуқий натижага эришиш учун иродаларининг бирлашуви сифатида кўрилади. Профессор Б.Х. Ҳамидуллаев “келишув”ни “тарафларнинг эркин иродасига асосланган ҳуқуқий ҳаракат” деб таърифлайди ва уни шартноманинг муҳим элементи сифатида кўрсатади.⁸ Профессор М.Х.Рустамбаев “келишув”ни “ҳуқуқий муносабатларнинг асоси” деб таърифлаб, унинг қонунда белгиланган шакл ва шартларга мувофиқ бўлиши кераклигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, келишув тарафларнинг эркин иродасига асосланиши шарт, акс ҳолда у ҳуқуқий кучга эга эмас.⁹ “Келишув” атамасининг ўзи “айбга иқрорлик келишуви бўйича жазо тайинлаш” тушунчасига процессуал тус беради. Шу сабабли, айбга иқрорлик келишувининг жиноий-ҳуқуқий моҳиятини очиб бериш мақсадида, қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

“Айбга иқрорлик келишуви – ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятларни содир этган шахснинг айбни тан олиш, жиноятни очиш ва тергов қилишда кўмаклашиш, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш каби шартларни бажариши асосида тайинланиши мумкин бўлган жазони камайтириш орқали прокурор билан тузиладиган битим”.

Шу билан бирга, биз томонимиздан амалга оширилган “иқрорлик”, “келишув” тушунчаларининг таҳлили уларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини, бир-бирини тақозо этишини ва амалда ажралмаслигини кўрсатди. Ўйлаймизки, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар нафақат назарий балки, суд амалиётида айбга иқрорлик келишуви бўйича жазо тайинлаш институтининг айрим муаммолари ечимини топишга замин яратиб беради.

Ситора АҲМЕДОВА,

ИИБ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети таянч докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ал-Ихтиёр ли Таълил ал-Мухтор”, Абу Ҳанифа шогирдлари, [Онлайн манба: <https://shamela.ws/book/12952>].
2. Рустамбаев М.Х., Жиноят ҳуқуқида шарҳ, Умумий қисм.2016.
3. Рустамбеков И.К., “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи: Умумий қисм”, Тошкент, 2018.
4. М.Ражабова. Одиллик мезони журнали.№6-сон, 2023 йил.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2016-2018. – Б. 51.
6. Harris, D., O’Boyle, M., Bates, E., Buckley, C. Harris, O’Boyle and Warbrick: Law of the European Convention on Human Rights. 5th ed. Oxford: Oxford University Press, 2023. – 1088 p.
7. Merrills, J. G., Robertson, A. H. Human Rights in Europe: A Study of the European Convention on Human Rights. 4th ed. Manchester: Manchester University Press, 2001. – 362 p.
8. Хамидуллаев Б.Х., “Фуқаролик ҳуқуқи: Умумий қисм”, Тошкент: Шарқ, 2018, 145-бет.
9. Рустамбаев М.Х., “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи”, Тошкент: Адолат, 2019, 89-бет.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЕВРОПА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СУДИ АМАЛИЁТИДАГИ ИШТИРОКИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (ННТлар) Европа Инсон ҳуқуқлари суди (ЕИХС) амалиётидаги иштироки, уларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда процессуал механизмлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади. Тадқиқотда Европа Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция доирасида ННТларнинг "учинчи томон аралашуви" ва *amicus curiae* институти орқали суд жараёнида иштирок этиш имкониятлари ўрганилган. Мақолада мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар таҳлил қилиниб, ННТларнинг суд жараёнидаги мақомини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Нодавлат нотижорат ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари, Европа Инсон Ҳуқуқлари суди, Европа Конвенцияси, учинчи томон аралашуви, *amicus curiae*, процессуал иштирок.

Маълумки, Европа минтақаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг самарали ва тизимли ҳуқуқий механизмларга эга бўлган ҳудуд сифатида тан олинган. Ушбу минтақада инсон ҳуқуқлари бўйича қонуний асосларнинг шаклланиши 1950 йил 4 ноябрда Рим шаҳрида Европа Кенгаши томонидан имзоланган "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси"га (European Convention on Human Rights) асосланган.

Мазкур Конвенция Европа минтақасида инсон ҳуқуқлари соҳасида умум-этироф этилган халқаро стандартларни белгилаб берган асосий ҳужжат сифатида намоён бўлиб, унинг амалга оширилиши ва назорат қилиниши Европа Инсон Ҳуқуқлари суди (ЕИХС) томонидан таъминланади. Суд инсон ҳуқуқлари бузилишлари бўйича индивидуал аризаларни кўриб чиқиш орқали Конвенция нормаларини амалий ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи институт ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТлар) замонавий халқаро ҳуқуқ тизимида фақат жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект сифатида эмас, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг фаол иштирокчилари сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Айниқса, Европа Инсон Ҳуқуқлари суди амалиётида ННТлар муҳим "учинчи сектор" институти сифатида шаклланган.

ННТлар мазкур Конвенция доирасида инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим субъекти сифатида майдонга чиқади. Европа Инсон Ҳуқуқлари суди (ЕИХС) амалиётида ННТлар "дўстона аралашув" (*amicus curiae*) шаклида иштирок этиб, судга тегишли маълумотлар, ҳуқуқий таҳлиллар ва эксперт хулосаларини тақдим этади. Ушбу механизм кўриб чиқилаётган ишнинг ҳуқуқий жиҳатларини янада чуқур ва тўлиқ тушунишга хизмат қилади.

Конвенциянинг 36-моддаси "Учинчи томон аралашуви" деб номланиб, унга кўра:

1. Палата ёки Катта Палата олдида кўрилаётган барча ишлар бўйича, аризалачи фуқароси бўлган Олий Аҳдлашувчи Давлат ёзма изоҳлар тақдим этиш ва эшитувларда иштирок этиш ҳуқуқига эга;

2. Суд раиси адолатли тўлиқ таъминлаш мақсадида, ишда иштирок этмаётган ҳар қандай Олий Аҳдлашувчи Давлатни ёки аризалачи бўлмаган бошқа манфаатдор шахсни ёзма изоҳлар тақдим этиш ёки эшитувларда қатнашишга таклиф қилиши мумкин;

3. Палата ёки Катта Палата олдида кўрилаётган барча ишлар бўйича Европа Кенгашининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссари ёзма изоҳлар тақдим этиши ва эшитувларда иштирок этиши мумкин.

Шу тариқа, 36-модда суд жараёнида "учинчи томон иштирокини" таъминловчи муҳим процессуал механизм ҳисобланади. Демак, мазкур модда "учинчи томон аралашуви" механизмининг назарда тутати. Ушбу механизм суд жараёнида бевосита тараф бўлмаган, бироқ ишнинг ҳуқуқий ёки фактик жиҳатлари бўйича муҳим манфаат ёки позицияга эга бўлган субъектларнинг жараёнда иштирок этиш имкониятини белгилайди.

Гарчи Конвенция матнида ННТлар бевосита тилга олинмаган бўлса-да, 36-модданинг 2-қисмидаги "аризачи бўлмаган бошқа манфаатдор шахс" тушунчаси ННТлар учун ҳуқуқий асос сифатида талқин қилиниши мумкин.

Шу нуктаи назардан, суд раиси адолатли ва холис судловни таъминлаш мақсадида ННТларни "манфаатдор шахс" сифатида ёзма изоҳлар тақдим этиш ёки суд эшитувларида иштирок этиш учун таклиф қилиши мумкин.

Агар ННТ кўриб чиқилаётган иш бўйича тегишли ҳуқуқий, ижтимоий ёки эмпирик маълумотларга эга бўлса, у суд томонидан *amicus curiae* сифатида жалб

қилиниши мумкин. Ушбу институт ННТларга суд жараёнида тараф бўлмасдан туриб ҳам ҳуқуқий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Бундай ҳолатда ННТлар қуйидаги функцияларни бажаради:

- инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари бўйича мустақил таҳлил тақдим этиш;
- халқаро ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда судга ёрдам бериш;
- жабрланувчилар манфаатларини илмий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- суд амалиётида прецедент шаклланишига ҳисса қўшиш.

Натижада, ННТлар Европа инсон ҳуқуқлари стандартларини шакллантириш ва ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшади.

Дарҳақиқат, юқоридаги таҳлиллар Европа Инсон Ҳуқуқлари Судининг ННТлар учун Инсон ҳуқуқлари масаласида аҳамиятли жиҳатларини очиб беради. Бироқ, ННТ замонавий халқаро ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим субъекти сифатида шаклланган бўлса-да, уларнинг Европа Инсон Ҳуқуқлари Суди (ЕИХС) амалиётидаги ҳуқуқий мақоми ва процессуал иштироки тўлиқ аниқ ва универсал тартибга солинмаган.

Хусусан, Европа Конвенциясида ННТлар алоҳида процессуал тараф сифатида назарда тутилмаган бўлиб, уларнинг суд жараёнидаги иштироки асосан учинчи томон аралашуви (*third-party intervention*) ва *amicus curiae* институти орқали амалга оширилади. Бу эса ННТларнинг ҳуқуқий имкониятлари доираси чекланганлигини ва уларнинг таъсир механизми тўлиқ институционаллашмаганлигини кўрсатади.

Бизнинг тавсияларимиз шундан иборатки, Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси доирасида ННТларнинг "манфаатдор иштирокчи" сифатидаги ҳуқуқий мақоми аниқлаштириш ва уларнинг суд жараёнидаги иштирокига оид махсус стандартларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, суд амалиётида ННТлар томонидан тақдим этилган материалларни фақат "маълумот" эмас, балки муайян ҳолатларда ёрдамчи далил (*supporting evidence*) сифатида баҳолаш механизmlарини ривожлантириш керак.

Хулоса қилиб айтганда, ННТларнинг Европа Инсон Ҳуқуқлари суди амалиётидаги иштироки уларнинг замонавий халқаро ҳуқуқ тизимидаги роли фақат кузатувчи эмас, балки процессуал ва концептуал таъсир этувчи субъект эканлигини кўрсатади. Ушбу институт орқали ННТлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳуқуқий кўприк вазифасини бажаради. ННТлар Европа инсон ҳуқуқлари тизимининг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий стандартларни ривожлантириш ва адолатли судловни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Маржона НОСИРОВА,

Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти докторанти.


Фойдаланилган адабиётлар:

- 1) European Court of Human Rights. Official website materials and case-law database. <https://www.echr.coe.int>
- 2) United Nations General Assembly. Universal Declaration of Human Rights, 10 December 1948.
- 3) United Nations. Declaration on Human Rights Defenders, 9 December 1998.
- 4) Organization for Security and Co-operation in Europe (OSCE). Human Dimension Documents. <https://www.osce.org>
- 5) Council of Europe. European Convention on Human Rights – Article 36 (Third-party intervention).
- 6) Harris, D., O'Boyle, M., Bates, E., & Buckley, C. Law of the European Convention on Human Rights. Oxford University Press.
- 7) Merrills, J. G., & Robertson, A. H. Human Rights in Europe: A Study of the European Convention on Human Rights. Cambridge University Press.

“ОДИЛ СУДЛОВ: ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР”

китобини мутолаа қилиб

Яқинда нашр этилган Шахриддин Эшимов муаллифлигидаги “Одил судлов: трансформация жараёнлари, ҳуқуқий асослар” монографияси нафақат ҳуқуқшунослар, балки мамлакатимиз давлатчилик тарихи ва суд-ҳуқуқ тизими ривожланиши билан қизиқувчи кенг китобхонлар учун муҳим илмий манба ҳисобланади.



Мазкур монографияда Ўзбекистон суд тизимининг шаклланиш тарихи, унинг эволюцияси, мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар Қашқадарё вилояти судлари фаолияти мисолида атрофлича таҳлил қилинган.

Асарнинг биринчи боби инсоният цивилизацияси тараққиётида суд тизимининг вужудга келишига бағишланган. Муаллиф адолат тушунчасининг пайдо бўлиши ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш зарурати инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан бошланганини тарихий манбалар асосида ёритади.

Китобда Қадимги Бобил қонунчилиги, Миср, Ҳиндистон ва Хитойдаги суд тизимлари, қадимги Шарқ давлатларидаги суд муҳокамаси, Исо Масихнинг суд қилиниши, зардуштийлик динида адолат тушунчаси, ўрта асрларда Европадаги инквизиция судлари, ордалиялар, “илохий суд” каби тарихий воқеалар таҳлил қилинади. Шунингдек, Нюрнберг халқаро Ҳарбий трибунали, адвокатура институтининг ривожланиши, Фемида (Юстиция) тимсоли, Имоми Аъзамнинг ҳуқуқий қарашлари ҳамда Чингизхоннинг “Ясо” қонунлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

Монографиянинг иккинчи боби тўлиқ Ўзбекистон мустақиллиги даврида суд тизимида амалга оширилган ислохотларга бағишланган.

Унда мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиш, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш борасида қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Муаллиф Қашқадарё вилояти мисолида фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмлари, фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти ҳамда уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини аниқ мисоллар билан очиқ беради.

Асарнинг учинчи боби Қашқадарё вилояти судлари фаолияти ва уларнинг одил судловни амалга оширишдаги ўрнига бағишланган.

Унда жиноят ишлари бўйича судларнинг фаолияти, иқтисодий низоларни ҳал этишда иқтисодий судларнинг ўрни, суд амалиётининг шаклланиши ҳамда турли ихтисослашган судларнинг аҳамиятини атрофлича таҳлил қилади.

Мазкур таҳлиллар орқали китобда суд тизимининг фақат ҳуқуқни қўлловчи эмас, балки жамиятда қонунийлик ва адолатни таъминловчи муҳим институт экани асослаб берилади.

